



**fidh**

# ЎЗБЕКИСТОН: СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ РЕПАРАЦИЯЛАР ОЛИШ ҲУҚУҚИ

Маълумот ўрнида: муқовадаги сурат 1992-94 йилларда Ўзбекистонда расмий чоп этилган ва кейинчалик тақиқланган "Эрк" газетасининг мухбири Рўзимуродов Юсуф (Юсуф Рўзимурод)га тегишли. Рўзимуродов сиёсий кўз-қарашлари туфайли таъқибга учраб, 1999 -йил Тошкент вилоят суди томонидан Ўзбекистон президентини ҳақорат қилганлик, конституцион тузумга қарши даъват қилганлик, ноқонуний ташкилот тузиш, унга аъзо бўлиб кирганлик ва жиноий уюшма тузганлиқда айбланиб 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Қамоқ муддатини ўтash даврида ҳам 3 йил қўшиб берилиб, жами 19 йил қамоқ муддатини ўтаб, 2018 йил февраль ойида озодликка чиқди. Темур Карпов суратга олган.

## **Таркиби**

ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ.....	4
МУҚАДДИМА .....	7
МЕТОДИКА .....	9
ЁРДАМ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИКЛАР .....	10
ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАР .....	11
СОБИҚ СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ .....	19
СОБИҚ СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ РЕПАРАЦИЯЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ .....	31
РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА РЕПАРАЦИЯЛАР КОМИССИЯЛАРИ .....	42
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР .....	57
ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИГА УМУМИЙ МАЗМУНДАГИ ТАВСИЯЛАР .....	61
А ИЛОВАСИ: СИЁСИЙ САБАБЛАРГА БИНОАН СУДЛАНГАН ШАХСЛАРГА ҚЎЙИЛГАН АЙБЛАР ТАВСИФЛАРИ.....	64

## ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ

2016-йилдан буён ўтган даврда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан эълон қилинган авф, амнистия ва бошқа инсонпарварлик далолатномалари туфайли Ўзбекистон қамоқхоналаридан юзлаб сиёсий маҳбуслар озодликка чиқарилди. Тақдим қилинаётган мазкур дастурий ҳужжатда Ўзбекистон Республикасида сиёсий маҳбусларга нисбатан репарация ҳукуқларининг бажарилиш ҳолатлари таҳлил қилинади. Ҳужжат қамоқ муддатини ўташ чоғида ғайриинсоний қийноқларга солинган кўпчилик сиёсий маҳбусларнинг жорий ва узоқ муддатли эҳтиёжлари кўламини қамраб олиш билан бирга, уларнинг Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро ҳукуқ нормалари доирасидаги ҳукуқлари ва давлат мажбуриятларининг шархи берилган. Ушбу ҳужжат турли хил ички мажароларни ҳарбий тўқнашувларни бошидан кечирган ёки авторитар тузум зулмидан кутулиб чиққан бошқа давлатлардаги энг яхши тажрибаларга таянган ҳолда, собиқ сиёсий маҳбуслар ва ҳозирги кунда ҳам сиёсий сабаблар билан қамоқ муддатини ўтаётган маҳбусларнинг ҳукуқларини тиклашда самарали ҳукукий восита бўлиш билан бирга, ўтиш даври суди ёхуд ўтиш судининг ҳақиқатни тиклаш, содир қилинган жиноятга жазонинг муқаррарлиги ва жамият олдида ишончни тиклаш каби кенг ва одилона мақсадларни рўёбга чиқаришнинг сиёсий йўлларини тавсия қиласи.

Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган халқаро-ҳукукий мажбуриятларга асосланган ҳолда, қонунга хилоф равишда қамоққа олинганлик, қийноқ ва ғайриинсоний муомалада бўлганлик ҳолатлари оқибатида етказилган заарни жабрланувчига ундириб бериш тамойиллари маҳаллий қонунчиликда ўз аксини топган бўлсада, иқтидордаги тизим бу борада дунё тажрибасида исботини топган муҳим жиҳатлардан ортда қолмоқда. Гарчанд, миллий қонунчилик тизими ноқонуний қамоққа олинган шахсга етказилган моддий ва маънавий заарни қоплаш, уни ишига тиклаш, пенсия ва бошқа қатор ҳукуқларини тиклаш борасида халқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқ бўлсада, у лавҳалаштирилган бўлиб, тулик эмас, айниқса, ушбу нуқсон тиббий ва руҳий реабилитация қилиш масаласига тааллуқлидир. Бевосита заарни қоплаш масаласига келадиган бўлсак, унинг механизми фақат фуқаролик судлари орқали амалга оширишни кўзда тутган бўлиб, у жиноий иш бўйича ҳукм кучга киргандан кейингина амал қиласи. Бундан ташқари, фуқаролик ҳукукий ҳимоя воситалари кўлами чекланган бўлиб, у бутунлай судьянинг ихтиёрига қолдирилади. Унинг устига, маҳкумларнинг қамоқ муддатини ўташ жараёнида ноҳақ қамалганларни ҳақида шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, озодликка чиқишлирагиа эришишнинг қонуний ва амалий имкониятлари чекданган.

Энг муҳими, халқаро қонунчиликдаги инсон ҳукуқларига нисбатан эътибори андозаси билан баҳо берганда «реабилитация» ёки «заарни қоплаш» ҳукуқларини татбиқ қилиш самарали эмас.

Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатди-ки, бу Ўзбекистонда “реабилитация”, “заарни қоплаш ва “репарация” ҳукуқларини амалга оширишда ҳукукий тўсиқлардан ташқари, маҳаллий қонунчиликка ҳам зиддир. Ушбу ҳисоботда мингдан ортиқ сиёсий маҳбусларнинг озодликка чиқарилганлигини ҳисобга олиб, яна бир неча минг киши панжара ортида қолаётган бўлиши мумкинлигини таъкидланади. Мазкур ҳисоботни ёзиш чоғида бизга маълум бўлди-ки 2020-йил давомида фақат бир нафар собиқ сиёсий маҳбусга чеккан азоб-уқубатлари учун рамзий тарзда товон тўланиб, тиббий ёки руҳий ёрдам кўрсатилди холос. Бор-йўғи уч нафар собиқ сиёсий маҳбус айловларни бекор қилиш орқали ўз ҳукуқларини расмий қайта тиклашга эришди. Биз ўргангандан ҳолатларнинг қарийб ярмида, қонунга хилоф тарзда судланган шахслар судга шикоят

аризасини билан мурожаат қилиш имконини берувчи дастлабки суд хукмлари ва бошқа тегишли материалларини олишга муваффақ бўлишмаган. Бу кўрсаткичлар зарарни қоплаш амалиёти ўта паст бўлган кўшни Қирғизистон ва Қозоғистондан ҳам ёмон эканлиги қўриниб турибди. Ўзбекистондаги ўтиш даври аддия тизими ҳам ўтмиш ҳақида ҳақиқатларни ошкора айтиш, жабрланганларни тан олиш, давлат муассасалари ва хукуматга ишончни тиклаш, таҳқирловчи амалиётларни тугатиш каби эришиш лозим бўлган мақсад ва вазифаларни бажаришда илгари бориш нуқтаи назаридан бундай талабларга жавоб бермайди. Репарацияларни амалга ошириш меъёрий-қонуний асослари мавжуд бўлса-да, амалдаги қонунчилик дастлабки эҳтиёжларни баҳолаш ишини ўтказгандан кейин юзага келган вазиятга асосланиб ишлайдиган «репарациялар комиссиясини» яратиш орқали барча масалаларни қамраб олиб, тартибга солинган ва тизимли тарзда кўлланиладиган умумий сиёsat билан бевосита боғланган бўлиши шарт.

Куйида мавзу бўйича умумий шаклда аниқ тавсиялар ҳавола қилинмоқда.

- A. Сиёсий сабаблар билан қамалиб озодликка чиққан, сиёсий сабаблар билан қамалиб ҳалиям қамоқда бўлган шахсларни, шу жумладан, “диний маҳбуслар» деб номланган шахсларни озодликка чиқарилиши ва репарациялар олиш хукуқига эга бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда, уларга тегишли ҳолатларнинг умумий жадвалини тузиш;
- B. Жабрланганларнинг вакиллари ва собиқ маҳбуслар билан маслаҳатлашган ҳолда, сўнгги йилларда озодликка чиқарилган ва қонуний жиҳатдан оқланган, шунингдк, озодликка чиқарилган, бироқ ҳали оқланмаган сиёсий маҳбуслар, хусусан қўйноклар ва шафқатсиз ҳаракатлардан жабрланганларнинг эҳтиёжларини дастлабки босқичда баҳолашини амалга ошириш;
- B. 2017-2021 йилларга мўлжалланган стратегик режада, Республика Инсон Хукуқлари Стратегияси, Президентнинг 2018-йил 2-июлдаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2018-йил 17-июлдаги № 543 рақамли қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда ўтиш даври суд тизимидан мустақил равишида ёки унинг бир қисми сифатида “сиёсий маҳбусларга” ёки “қонунга хилоф равишида озодликдан маҳрум қилинган шахсларга” “репарациялар бериш” ва уларни “реабилитация” қилишнинг кенг қамровли сиёсатини қабул қилиш ҳамда бунда муассасаларо ёки ўз ваколатлари ва мақсад-вазифаларини жорий қилишда бутунлай мустақил қомиссия ташкил қилишини назарда тутилади. Бу чоралар мақсадларда йўналтирилади;
  - (1) репарациялар учун мавжуд маҳаллий хукуқий тизимни уйғунлаштириш, шу жумладан жиноят ва фуқаролик қонунчилигида мавжуд хукуқий ҳимоя восита ва усусларини таъминлашга кўмаклашиш орқали;
  - (2) ушбу сиёsat хужжатида ифодаланган таърифга мувофиқ “сиёсий” жиноятларда айбланиб қамоқ жазоси берилган шахсларга ёки А иловасида белгиланган тоифаларнинг ҳар қайсисига мос келувчи шахсларга муайян давр ичида ёки узоқроқ давр ичида чиқарилган суд хукмларини қайта кўриб чиқилишига ва уларга репарациялар олиш хукуқлари берилишига имкон бериш;
  - (3) “қонунга хилоф равишида қамоқ жазоси берилган шахслар”, ёки “сиёсий маҳбуслар” ва уларнинг тегишли халкаро хукуқий воситаларда келтирилган маънодаги ворислари ва оиласларига репарациялар берилишини, жумладан, ҳар қандай халкаро суд ёки трибунал, маҳаллий судлар ёки маъмурий орган қарорларининг тўла амалга оширилишини ва уни назорат қилинишини таъминлаш;
  - (4) сиёсий маҳбусларнинг оиласлари ва ворисларини репарациялар жараёнига тенг хукуқли жабрланувчи сифатида қўшиш;

(5) БМТ Инсон Хукуклари бўйича Кўмитасининг фикрларини ва бошқа давлатлараро органларнинг ҳукуматга нисбатан чиқарилган қарорларининг ижросини таъминлаш;

(6) юқорида келтирилган вазифаларнинг барчасини амалга оширишга эришиш учун, Марказий Репарациялар Кўмитасини минтақавий филиаллари билан ташкил етиш. Ушбу Кўмитага қўйидаги роль, ваколат ва вазифалар берилиши лозим:

Кўмита қамоқларда ва ёпиқ жазони ўташ муассасаларида инсон хукукларининг бузилишини олдини олишни давлат тизимидан ташқарида шакллантирилиши ва ҳар бир вазиятни алоҳида кўриб чиқадиган ёки доимий амал қўйувчи муассаса бўлиши лозим.

Бундай орган давлат ижроия органларидан бутунлай мустақил бўлиши ва мукаммал ҳолда унинг ваколатлари парламент чиқарган қонуний ҳужжат асосида берилиши лозим.

Кўмита таркибида архивлардан маълумот олиш ишларини амалга оширувчи, сиёсий асосларда кўйилган айбловларни текшириш ва қурбонларни хотирлаш ташаббусларини ишлаб чиқиша ёрдам берадиган ҳужжатлар билан ишлаш бўлими бўлиши лозим;

Ушбу кўмитанинг шакллантирилиши ва унинг аъзолигини белгилаш жараёнида фуқаролик жамияти, халқаро эксперталар, Омбудсмен ва сиёсий маҳбусларнинг вакилларига ўз фикрлари ва таклифларини бериш учун мазмунли маслаҳатлар бериш орқали тегишлича имкониятлар билан таъминланиши шарт;

Кўмита фуқаролик жамияти ва халқаро эксперталар билан мунтазам кенгашлар ўтказиб туриши лозим;

Ушбу Кўмитада озодликка чиқариш ва репарация олиш учун бериладиган аризалар бўйича томонлар учун бажарилиши шарт бўлган қарорлар чиқариш ва ваколатли тавсиялар каби арбитраж ваколатлари бўлиши лозим;

Ушбу Кўмита жабрланганларнинг руҳий ва жисмоний саломатликларини яхшилашга қаратилган руҳий-жисмоний ва тиббий ёрдам сиёсаларини тузиб жорий қилиши ҳамда бундай дастурларни ишлаб чиқишга масъул бўлиши лозим;

- Собиқ маҳбусларга фуқаролик ва малакали ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол иштирок этишлари, бошқа ишга жойлашиш, ҳамда ўз-ўзини молиялаштирувчи ташкилотлар ва собиқ маҳбуслар уюшмаларини тузиш имкониятларини бериш.

Г. Тавсияга мувофиқ Андижон шаҳрида 2005-йил май ойида содир бўлган воқеалар бўйича, жумладан, шу вазият учун маҳсус тузиладиган Ҳақиқатни Қарор Топтириш Кўмитаси каби алоҳида Тергов Комиссияси доирасида ёки Маҳсус Тавсияноманинг С бандида корсатилган сиесатига мувофиқ ташкил этилсин. Тергов батафсил ва самарали терговлар ўтказиши учун ишончли чоралар кўриш, тергов ишида ушбу воқеалар бўйича барча ҳақиқатни қарор топтириш, маҳаллий ва халқаро қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликка тортилишини таъминлаш ҳамда ушбу қонубузарликларнинг қурбонларига тўла репарациялар берилишини таъминлаш.

## МУҚАДДИМА

2016- йил 2- сентябрь куни, Ўзбекистон халқига ушбу собиқ совет республикасини 25 йилдан ортиқ вақт давомида бошқариб келган президент Ислом Каримовнинг вафоти ҳақида ҳабар берилди. Ўша вақтда Ўзбекистон чуқур коррупцияга ботган<sup>1</sup> авторитар давлат бўлиб, иқтисодий таназзулга юз тутган эди.<sup>2</sup> Мамлакатдаги совет давридан қолган асосий эркинликларни поймол қилувчи репрессив бошқарув тизимида қудратли маҳсус хизмат тизими ва куч ишлатар тизимида тўла бўусиндирилган суд тизими хизмат қиласади.<sup>3</sup> Каримов ҳукмронлик қилган даврда минглаб маҳаллий диссидентлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, миллий озчилик ёки диний гурухлар вакиллари, журналистлар, тадқиқотчилар ва олимлар мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлишди ва яна минглаб бошқа одамлар таъкиб қилинди ёхуд сиёсий сабаблар билан айловлар кўйилиб, аксар ҳолларда қийноқлар остида сохта айбларга икрор бўлишга мажбурланиб узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.<sup>4</sup> Ўзбекистон дунёдаги энг репрессив давлатлардан бири, деб кенг эътироф этилган эди.<sup>5</sup>

Марказий Осиёнинг ушбу, ахолиси энг кўп<sup>6</sup> бўлган мамлакатининг келажаги номаълум бўлган бир шароитда, мамлакат ижобий ўзгаришлар учун имкон яратиши мумкин бўлган сиёсий ўтиш даврига қадам ташлади. 2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири лавозимида 2003 йилдан бери ишлаб келаётган Шавкат Мирзиёев президент вазифасини бажарувчи сифатида эълон қилинди. 2016 йил 4 декабрда Ўзбекистонда муддтидан олдин президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (EXXT) томонидан “ракобатдан холи” деб аталган ва узоқ даврлардан бери давом этаётган тизимли камчиликлар натижасида демократик меъёрларнинг жиддий бузилиши билан ифодалаган навбатдан ташқари президент сайловида Шавкат Мирзиёев 88,1% овоз билан ўзининг ғалабасини таъминлади.<sup>7</sup>

Лавозимга сайнлангандан кейинги бир неча ой давомида янги президент дадил сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни бошлаб юборди. Бир қатор қонунлар орқали сўз эркинлиги, саёҳат ва йиғилишлар борасидаги чекловлар анча енгиллаштириди, мажбурий меҳнат тақиқланди,<sup>8</sup> ҳавфсизлик хизматининг тузилиши тартибга солинди, суд тизими мустаҳкамланди ва бу юзлаб сиёсий маҳбусларнинг озодликка чиқарилишига сабаб бўлди.<sup>9</sup> Шундан буён Ўзбекистон Республикаси ўз иқтисодий ўсишини, инсон ҳуқуқлари бўйича кўрсаткичларни кўтаришга, шунингдек БМТ Инсон Ҳуқуқлари Кенгашига иштирокчи этиб сайланишига эришди. Нуфузли нашрлардан бири “Ўзбекистонни 2019-йилнинг энг ижобий кўрсаткичларга эришган давлат”

1. Transparency International рейтингига кўра 2017- йилда 180 давлат орасида 157 ўринни эгаллаган. Қаранг: Transparency International. *Corruption Perceptions Index 2017*, [https://www.transparency.org/news/feature/corruption\\_perceptions\\_index\\_2017](https://www.transparency.org/news/feature/corruption_perceptions_index_2017)

2. Freedom House ташкилотининг 2016-йил Ҳисоботида Ўзбекистон ҳақидаги маълумотни қаранг: <https://freedomhouse.org/country/uzbekistan/freedom-net/2016>

3. Uzbekistan: In Transition, Crisis Group Europe and Central Asia Briefing N. 82, 29 September 2016, p. 1.

4. Ўша ерда. р. 5.

5. Қаранг, масалан. Casey Michel, *Uzbekistan's Karimov Leaves Behind a Legacy of Repression, Slavery, and Kleptocracy*, 3 September 2016, ушбу ҳаволада: <https://thediplomat.com/2016/09/uzbekistans-karimov-leaves-behind-a-legacy-of-repression-slavery-and-kleptocracy/>

6. Ҳужжат тайёрланаётган вақтда Ўзбекистон ахолиси таҳминан 30 миллион киши эди.

7. Ўзбекистон БВ Ғарб кузатувчилари томонидан танқид қилинган президентлик сайловида ғалаба қозонди, 2016й.

5 декабрь, ушбу ҳаволада: <https://www.reuters.com/article/us-uzbekistan-election/uzbekistan-pm-wins-presidential-vote-panned-by-western-monitors-idUSKBN13U1BH>; ЕКХТ/ODIHR Сайловларни кузатиш миссиясининг якуний хисоботи: Ўзбекистон Республикаси, 2016-й 4-декабрь навбатдан ташқари президент сайловлари, 2017-й. 21-март, ушбу ҳаволада <https://www.osce.org/files/f/documents/c/2/306451.pdf>.

8. <https://www.economist.com/asia/2018/11/08/uzbekistan-tries-to-end-the-use-of-forced-labour-in-the-cotton-fields>

9. ИХХФ: Ўзбекистон: *Release of human rights defenders a positive sign, others must follow*.

деб топди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ўз иммижини яхшилаганлигидан далолатдир.<sup>10</sup>

Бироқ, ислоҳотларда мукаммаллик ва изчиликнинг етишмаслиги ҳамда, муайян адолатсиз амалиётларнинг давом этаётганлиги тез орада кўзга ташлана бошлади. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси ўз сиесий мавкесини яхшилаш борасида қилаётган ҳаракатлари инсон хукуқларини ҳимоя қилиш борасида аҳволни ҳакиқий узгартериш ишларидан, ўзиб кетмоқда. Халқаро инсон хукуқлари НДТ Ўзбекистоннинг инсон хукуқларини ҳимоя қилишдаги ютукларини «камтарона» деб номлади, чунки юзлаб шахслар ҳали ҳам уйдирма айловлар билан хибсга олиниши, озод қилинганлардан эса уйдирма айловлар олиб ташланмаслиги ёки улар тортган азоб-уқубатлар учун товон тўланмаслиги ва бугунги кунда ҳам давом этаётган асоссиз хибсга олишлар, қонунга хилоф равишда суд хукмлари чиқариш ҳолатлари инсон хукуқларини ҳимоя қилишдаги ва қонун устуворлигини таъминлашдаги аниқ ижобий силжишларни йўққа чиқариш хавфини солади.<sup>11</sup> Собиқ режимнинг тизимли жиноятлари ва қурбонлар, жабрланганларнинг жами сони ҳали ҳам эълон қилинмасдан, номаълумлигича қолмоқда. Ўтмишдаги хукуқбузарликлар учун деярлик ҳеч ким жавобгарликка тортилгани йўқ. 2016-йилда Каримовнинг йўлидан бориши<sup>12</sup> ҳақида ваъда берган Шавкат Мирзиёев “авторитар ва марказлашган тузилмаларни”,<sup>13</sup> ҳамда мамлакат сийсий ҳаётига сингиб кетган непотизм (қариндош-уругчилик) ва коррупцияни, ҳамда тинимсиз хукуқбузарликларни содир қилишда давом этиб, жазосиз қолаётган куч ишлатар тузилмаларининг ҳамма жойда ҳозиру-нозирлиги одатини бузиб ташлай оладими-йўқми деган саволлар ҳали ҳам жавобсиз қолмоқда. Мазкур дастурий ҳужжатни тузган муаллифлар, демократлаштириш ва узоқ давом этадиган ижтимоий ўзгаришлар фақат адолат, ҳақиқатни очиқ айтиш, қурбонлар ва жабрланганларни, жумладан, уларнинг тўла реабилитация қилиниши ҳамда репарациянинг бошқа турларига бўлган хукуқларини тан олиш ва эътироф этиши<sup>14</sup> йўли билангина эришилиши мумкин деган фикрга асосландилар. Бундан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасига қатагон ва авторитар тузумдан қонун устуворлиги, инсон хукуқларини хурмат қилиш тамойилига ўтишда ёрдам бериш, бунинг учун содир қилинган жиноятларни эътироф этиши ва уларнинг қайта тақорланишини олдини олиш, хусусан, озодликка чиқарилган сиёсий маҳбусларни эътироф этиши, уларнинг хукуқларини тиклаш ва уларни жамиятга қайта қўшилишлари борасида дарҳол тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Турли можароларни бошидан кечирганан ва авторитар тузум қулагандан кейин яшаётган давлатларда ўтиши жараёнини бошдан кечираётган одил суд учун репарациялар ўта муҳим таркибий қисмлардир. Репарациялар давлатларнинг инсон хукуқларининг поймол қилиниши қурбонларини, хусусан бу хукуқбузарликлар оммавий ва тизимли хусусиятга эга бўлган ҳамда уларда қийноққа солиш каби қабих жиноятлар ҳам қайд қилинган бўлса, кучайтирилган “самарали ҳукуқий ҳимоя” билан таъминлаш мажбуриятидир.

Репарация амалиёти тизимли хукуқбузарликлардан сўнг ижтимоий ишончни тиклашнинг марказий жиҳатига айланди; бундай ишлар жабрланганларнинг шахсий қадр-кимматини ва жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида ўз жамиятига даҳлдорлик

10. <https://www.economist.com/leaders/2019/12/21/which-nation-improved-the-most-in-2019>.

11. Ҳюман Райтс Воч, “Мирзиёев Ўзбекистонида таракқиёт”, 2019-й. 7-октябрь.

12. Фридом Ҳаус ташкилоти хисоботи, 2016-й.

13. <https://www.ohchr.org/en/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=25056&LangID=E>.

14. Сўнгиги ўн йилликлар давомида қурбонларни тан олишнинг кўйайиши ва уларнинг ҳукуқий ҳимоя, репарация олиш хукуқларини, хусусан ўтиш даври сиёсатлари нуқтаи назаридан тан олиш анъанаси кўчайди. Франк Ҳалдерман ва Томас Унгер. Бирлашган Миллатларнинг Жиноят учун жазосиз қолдиришга қарши кураш тамойиллари: Изоҳ, (OUP 2018), Тамойил 31, 346 б, 38-банд.

туйғусини тиклашга ёрдам беради. Давлат жабрланганлар, қурбонлар ва жамиятда уларнинг ташвишлари, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабаблари масалаларини ечишга ва бундай ҳуқуқбузарликлар тақорланмаслигини таъминлашга тайёр эканлигини намойиш қиласи.<sup>15</sup> Ушбу дастурий ҳисоботга яқинда озодликка чиқарилган сиёсий маҳбуслар учун репарациялар масаласи нафақат уларнинг аҳволини яхшилаш, балки Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари борасида эришилаётган ютуқларига бўлган ишончни тиклаш ва мустаҳкамлашга қаратилган бир йўл сифатида ҳам кенгроқ маънода қаралмоқда. Шунингдек, ҳужжатда ҳанузгача қамоқларда қолаётган сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш масалалари ҳам муҳокама қилинади.

Муайян сиёсий тавсияларини ишлаб чиқиши учун ушбу дастурий ҳужжатда Ўзбекистондаги собиқ сиёсий маҳбусларнинг хозирги ва узоқ муддатли эҳтиёжлари ҳакидаги маълумотлар, биринчи навбатда, ўзларининг гувоҳликларига ва бошқа тадқиқотлар натижалари ҳисобга олинди. Сўнг, ҳужжатда институционал ёндашувларга эътибор қаратилиб, ўтиш даври шароитида ҳалқаро ҳуқуқий стандартлар ва давлат репарациялари амалиёти тасвирланади. Маҳаллий ҳокимият органлари учун қамоқхоналардан озод қилинган ва ҳали ҳам қамоқхоналарда қолаётган, қонунга хилоф равишда ҳукм қилинган шахсларни самарали ҳуқуқий химоя билан таъминлаш мақсадида дастурий тавсиялар билан чиқиши учун биз тегишли маҳаллий тармоқнинг мавжудлиги ва тегишлича амал қилишини, ҳалқаро ҳуқуқ ва амалиёт асосида репарацияларнинг бирор бир турлари амалга оширилаётганлигини аниқлашимиз керак эди. Нихоят, ўтказилган қиёсий тадқиқотга асосланиб, биз, қурбонлар, ҳалқаро ташкилотлар<sup>16</sup> ва ҳалқаро НДТларнинг<sup>17</sup> фикрларини акс эттирган ҳолда мустақил репарациялар қўмитасини ёки реабилитация қўмитасини тузиш бўйича тавсияларни батафсил баён қилдик.

## МЕТОДИКА

Ушбу ҳисобот ИХХФнинг (Инсон ҳуқуқлари ҳалқаро федерацияси - FIDH) Ўзбекистондаги сиёсий маҳбусларнинг самарали ҳуқукий химоясини ва репарациялар олиш ҳуқуқини таъминлашни кўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат бошқа авторитар бошқарувдан ёки қуролли тўқнашувлардан кейинги жараёнларни бошдан кечираётган мамлакатлардаги репарациялар ёки реабилитация сиёсатини тадқиқ қилиш, НДТларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳакида олдинги ҳисоботлари ва илмий адабиётлар, сифатли тадқиқот, жумладан собиқ сиёсий маҳбуслар ва уларнинг оила- аъзолари билан сухбатлар, сўровномалар ва Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда ҳалқаро эксперtlар билан ўтказилган учрашувлардан олинган маълумотларга асосланиб тайёрланган.

Давлат сиёсати бўйича тавсиялар ўтиш давридаги ҳуқуқий масалаларни ҳуқуқий ва қиёсий тадқиқотлар, Ўзбекистон фуқаролик жамияти вакиллари, ҳалқаро НДТлар вакиллари ва мустақил эксперtlар билан маълумот алмашинув ҳамда, эксперт маслаҳатларига асосланган. Ушбу маълумот алмашинувларнинг аксарияти 2019-йил бошида тузилган Ўзбекистондаги ўтиш даври ҳуқуқий масалалари ва сиёсий маҳбусларни реабилитация қилиш масалалари бўйича

15. <https://www.ictj.org/our-work/transitional-justice-issues/reparations>.

16. Яқинда чиқарилган тавсияларида. БМТ Қийнокларга Карши Қўмитаси Ўзбекистонни қурбонларни заарларини коплаш воситаларини, жумладан товон олиш ва реабилитация ҳуқукларидан фойдаланишларини таъминлашга ундиши ва ушбу масалалар билан шугулланадиган мустақил комиссия тузиш масаласини кўриб чиқиши тавсия қилди. Ўзбекистон бўйича бешинчи даврий ҳисоботнинг якуний шарҳлари, 18-банд.

17. Қаранг, мас., Ўзбекистон бўйича бешинчи даврий ҳисоботнинг якуний шарҳлари, CAT/C/UZB/CO/5, 2020 йил 14 январь; Ҳюман Райтс Воч, ‘Ўзбекистон: Сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш ва реабилитация қилиш’ ушбу хаволада <https://www.hrw.org/news/2018/11/17/uzbekistan-release-and-rehabilitate-political-prisoners-2020- 5-september-kuni-kurilgan>

норасмий ишчи гурухи йиғилишларида бўлиб ўтди. 2019-йилнинг январь ойидан 2020-йилнинг июнигача ишчи гурух 7 марта телеконференция шаклидаги йиғилиш ва битта шахсан ҳозир бўлган учрашув, битта семинар (Workshop) ўтказди. Семинар давомида ИҲҲФ собиқ сиёсий маҳбуслар, маҳаллий ҳукуқ ҳимоячилари (МҲҲ), журналистлар, ҳукуқшунослар/адвокатлар, фаоллар, халқаро НДТ вакиллари ва ўтиш даври ҳукуқий масалалари бўйича мутахассисларни бир жойга йиғдиди. Йиғилишнинг мақсади - яқинда озод этилган сиёсий маҳбусларнинг ҳукуқлари ва ҳаёт фаровонлигини қайта тиклаш ниятида давлат сиёсатига тааллуқли таклифларини ишлаб чиқиш эди. Йиғилиш кўйидаги саволлар муҳокамаси асосида олиб борилди:

собиқ сиёсий маҳбусларнинг репарация ёки реабилитация қилиш масаласини ҳал қилиш учун махсус индивидуал ва ижтимоий эҳтиёж бор-йўқлиги;

Ўзбекистонда репарациялар ҳукуқи билан боғлиқ маҳаллий ҳукуқий тизим ва ҳозирги замон ҳукуқий амалиёти қандай амал қиласди?

ушбу сайи-харакатлар репарацияларнинг халқаро ҳукуқий асослари ва собиқ совет иттифоқи давлатлари ҳамда, бошқа давлатлар тажрибаси билан таққослаганда қай даражада мос келади?

- собиқ сиёсий маҳбусларнинг аҳволини яхшилаш ва ўтиш даври суд тизими мақсадларига эришиш ишларини илгари суриш механизмларининг доираси ва шакли қандай бўлиши керак.

Ушбу давлат сиёсати борасида бериладиган тавсиялар ҳужжатида қўлланиладиган атамалар мажмуи халқаро қонунларда, хусусан БМТ қонун-қоидаларида асосан қўлланиладиган атамаларга мос келади ва ҳужжатда “репарациялар” оммавий ҳукуқбузарликлар оқибатларини бартараф қилишда давлатлар ҳозирги кунда амалга оширадиган бир қатор чора-тадбирларни англашиб, “реабилитация” тушунчаси мана шундай чора тадбирларнинг бири ҳисобланади.<sup>18</sup> “Сиёсий маҳбуслар” атамасини қўллаганда, ушбу сиёсат борасидаги тавсиялар ҳужжатида муаллифлар Европа Иттифоқи Парламент Ассамблеясининг 1900 (2012) қарорида келтирилган таърифга асосланишган.<sup>19</sup>

Лойиҳани амалга ошираётганда тўпланган ҳар қандай қўрсатмалар ва далилларни ушбу ҳужжатда келтириш учун уни нашрга чиқаришдан олдин қўрсатмалар ва далолатнома берган шахслар онгли равища ижозат беришган.

## ЁРДАМ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИКЛАР

Ушбу ҳужжат, турли жой ва мамлакатларда жойлашган кўплаб инсонларнинг жиддий меҳнати ва фидокорлигисиз нашрга тайёрланиши мумкин бўлмасди. ИҲҲФ маъмурияти ИҲҲФнинг

18. Бошқалар қаторида жавобгарликка тортиш, ҳакиқатни карор топтириш, тиклаш комиссиялари ва институционал ислоҳотлар киради. Инсон ҳукукуларини бузишида айборд шахсларнинг (фуқаролар ва сиёсий) жавобгарлиқдан омон қолишилари, ыуий комиссия карорига кўра жаноб Жойнет тайёрлаган ҳисботнинг қайта ишланган якуний нусхаси 1996/119, UN Doc E/CN.4/Sub.2/1997/20/Rev.1 (1997- й. 2 -октябрь).

19. Шахсий эркинлигидан маҳрум қилинган шахс кўйидаги холатларда “сиёсий маҳбус” деб каралади:

- a. агар озодликдан маҳрум қилиш Европа Инсон Ҳукуклари Конвенцияси ва унинг Протоколларининг (ЕИҲК) фундаментал кафолатларини, хусусан, фикрлаш эркинлиги, виждан ва диний эътиқод эркинлиги, фикрини ифода қилиш ва маълумот олиш эркинлиги, йиғилиш ва уюшма тузиш эркинилигига бўлган кафолатларни бузган ҳолда амалга оширилган бўлса;
- b. агар озодликдан маҳрум қилиш яққол сиёсий сабабларга кўра бирор-бир жиноий иш билан боғлиқ бўлмасдан, мажбуран содир этилган бўлса;
- c. агар сёсий сабабларга кўра, хибсда саклаш муддати ёки унинг шароитлари шахс айборд деб топилган ёки гумон қилинган жиноий ишга мос келмаслиги яққол аён бўлса;
- d. агар, сиёсий сабабларга кўра шахс бошқа шахсларга караганда камситилган ҳолда хибсда сакланса; ёки,
- e. агар, хибсда саклаш адолатсизлиги яққол намоён бўлган суд иши натижасида амалга оширилса ва бу ҳукумат вакилларининг сиёсий мақсадлари билан боғлиқ бўлса”. (SG/Inf(2001)34, 10-банд).

ушбу хисоботини тайёрлашга хисса қўшган Ўзбекистондаги аъзо ва ҳамкор ташкилотларга чукур миннатдорчилик билдиради.<sup>20</sup>

ИХХФ маъмурияти хисоботимизни тайёрлашда муҳим хисса қўшган, жумладан: семинар ишида сабиқ сиёсий маҳбуслар репарацияси масалалари бўйича ўз кўрсатмалари ва тажрибаларини баҳам кўрган маҳаллий ҳамкор ташкилотлар ва инсон ҳуқуqlари ҳимоячилари, хусусан Халқаро Юристлар Кўмитаси (ХЮК), сабиқ сиёсий маҳбуслар, ИХХлари, журналистлар ва фаолларга катта миннатдорчилик билдиради.

Шунингдек, ИХХФ Amnesty International, Фуқаролар ҳуқуqlари ҳимоячилари, Ўтиш даври суд тизими масалалари бўйича халқаро марказ, Норвегиянинг Хельсинки Кўмитаси, Очиқ Жамият Фонди ва мустақил эксперт Стив Свердловга (Steve Swerdlow),<sup>21</sup> ҳамда ушбу хисоботни тайёрлашда ўзларининг қимматли вақтлари, фикрлари ва ташабbusлари билан улкан хисса қўшган Ишчи Гурухи аъзоларининг барчасига алоҳида миннатдорчилик билдиради.

Нихоят, ИХХФ маъмурияти ўзининг Женева Халқаро Гуманитар Конун ва Инсон Ҳуқуqlари Академиясида малака ошираётган Чўлпон Қайназаровага Ўтиш Даври Ҳуқукий Масалалар бўйича тадқиқот олиб боришда ва ушбу хисоботдан ўрин олган баъзи бўлимлариниг дастлабки нусхаларини тузишда ўз хиссасини қўшганлиги учун алоҳида миннатдорчилик билдиради.

## ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Сабиқ Президент Ислом Каримов 1989-йилда ўша вақтда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (Ўзбекистон ССР) коммунистик партиясининг биринчи котиби сифатида ҳукумат бошига келган эди<sup>22</sup> 1990-йил 24-март куни Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон ССР президенти этиб сайланган ва 1991-йил 31-август куни Ўзбекистон совет иттифоқидан ажрашиб, мустақилликка эришгандан кейин, ҳукуматни ўз қўлида ушлаб қолган эди.<sup>23</sup> Кўшни Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон давлатларига ўхшаб, совет давридан кейинги ҳукумат ва муассасалари учун совет давридаги *номенклатурага* асосланиб, ҳукмрон сиёсий элитанинг таркиби совет давридагига қараганда жиддий ўзгаришсиз қолди.<sup>24</sup> Марказий Осиё давлатларининг бирортасида ҳам совет даврида ўтказилган репрессиялар учун жавобгар сабиқ коммунистик партияининг масъул шахслари ёки КГБ ходимлари люстрация қилинмади ёки жиноий жавобгарликка тортилмади.<sup>25</sup>

Худди қўшни давлатлардаги каби, Совет Иттифоқининг парчаланиб кетишидан кейин сабиқ коммунист сиёсий элиталарининг советлардан кейинги Ўзбекистон ҳукумати ва давлат муассасаларида фаолиятини давом эттириши, ҳолдан тойган жамият ва социалистик воқелик илдиз отиб кетган ҳуқукий маданият ҳар қандай мазмунли ўтиш даври суд чора-тадбирларини амалга оширишга халақит бериб келди.<sup>26</sup> Мустақилликка эришгандан сўнг миллий ўзликни қуриш мақсадида рамзий мазмунга эга бўлган сайи-ҳаракатлар амалга оширила бошланди-ю,

20. Хавфсизлик нуқтаи назридан уларнинг номлари ва улар билан боғлиқ шахс, ташкилотлар номлари берилмади.

21. Ҳюман Райтс Воч ташкилотининг сабиқ Марказий Осиё тадқиқотчиси, Жанубий Калифорния Университетида Инсон Ҳуқуqlари Амалиёти фани бўйича доцент.

22. КПСС Марказий кўмитаси пленуми материаллари, 1990 -й. 13-14 июль, <http://kpss.su/mp2801.html>

23. Коммунистик партия ва Совет иттифоқининг 1898-1991 йиллар тарихи буйия маълумотнома, [http://www.knowbysight.info/1\\_UZBEK/03465.asp](http://www.knowbysight.info/1_UZBEK/03465.asp)

24. Лавиния Стан “Сабиқ Совет Иттифоқида чекланган инобатга олиш”, Синтия М. Ҳорн ва Лавиния Станнинг таҳририда. Ўтиш даври аддия тизими ва Сабиқ Совет Иттифоқи: Ўтмишни ўрганиб, келажакка бокиш, 36- б.

25. Ўша ерда., 20- б.

26. Ўша ерда. 32-36 б.

бунда асосан Ўзбекистоннинг совет режими остида жабрланганлиги фикрига асосланган коллектив тарихий хотирага эътибор бериш марказий мавзу бўлди. Президент Каримов Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини тиклаш Кўмитасини тузди. Бу орган тўлалигича Олий Мажлис аъзоларидан ташкил топган бўлиб, ижроия хукуматга бутунлай тобе эди. Бирок ушбу Кўмитанинг иши ёки ютуқлари ҳақида жуда кам маълумот мавжуд.<sup>27</sup> 2002 йилда Тошкент шаҳрида ўз эшикларини очган сиёсий репрессиялар қурбонлари музейи асосан совет даври жиноятларини хужжатларда расмийлаштиришга ва хотирлашга мўлжалланган. Коммунистик давр қаҳрамонларининг ҳайкаллари олиб ташланди ва кўчаларнинг номларини ўзгартириш жараёни Қозоғистон ва Қирғизистонга қараганда анча жадалрок олиб борилди.<sup>28</sup> Ён қўшни давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистоннинг собиқ совет хукумати вакиллари совет даври қурбонларига репарациялар масаласи ёки собиқ режим КГБси архивлари билан танишиш учун кўп имкон бермадилар.<sup>29</sup>

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, айгоқчилар тармоқлари ва Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизматининг (МХХ-СНБ) аввалги муқобили совет КГБсининг ваҳшийликлари ҳақидаги ҳақиқатни очишга ёрдам берадиган мазмунли ўтиш даври суд тизимини ислоҳ қилиш жараёнини амалга оширилмади, бу эса Ўзбекистонда ўз мустақилликка эришгандан сўнг ҳам бундай амалиётларнинг давом этишига йўл очиб берди.

### *Репрессиялар маданияти*

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида пайдо бўлганидан сўнг, маҳаллий аҳоли ўз миллий анъаналарини тиклай бошлади ва совет режими томонидан узоқ вақт бостириб келинган фуқаролик, сиёсий, маданий ва иқтисодий хукуклар берилишини талаб кила бошлади. Мамлакатнинг сиёсий хаётида ислом динига кенг ўрин бериш фикри тарафдорлари ҳам янада кўпроқ эркинликлар беришга чақиришди.<sup>30</sup> Қатъий дунёвий сиёсат тарафдори ва совет аппаратчиси бўлмиш И. Каримов диний ёки сиёсий кўринишдаги ўзгача фикрлаш ҳолатларининг намоён бўлиш ҳолатларига қарши қатъий чоралар кўра бошлади.

1991-йилдан кейин хукумат сиёсатига муҳолифатликни эълон қилган барча сиёсий партиялар, жумладан: Бирлик партиялари давлат қайдидан ўтказилмади, қонуний рўйхатдан ўтган ягона расмий партия-«Эрк» қисқа вақт фаолият кўрсатганидан кейин қонунга хилоф равишда тақиқилаб қўйилди ва юзлаб сиёсий муҳолифат фаоллари ноконуний ҳибсга олинниб, судланди.<sup>31</sup> Масалан, 1991 йилдан 1992 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутати ва Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳар кенгаши раиси (Ҳокими) бўлган «Эрк» партиясининг таникли аъзоси Мурод Жўраев 1994 йилда ҳибсга олинган. У совет иттифоқи қулаганидан кейин фақатгина ўзи раҳбарлик қилган Муборак шаҳридаги коммунистик партия бўлимини тарқатиб юборган биринчи масъул шахс бўлганлиги учун 21 йил қамоқда

27. Омур Бакинер, Сиёсат ва тарих орасида, ўтиш даври асуд тизимида ва Собиқ Совет Иттифоки, 1576.

28. Наталья Ромашина, Ўзбекистонда совет аскарларига қўйилган ҳайкалларга нима қилишиди, 2020 йил 14 май, <https://www.ridus.ru/news/326914>

29. Совет репрессияларидан кўпроқ азият чеккан (айниқса Қозоғистон) қўшни Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларида бир неча репарация дастурлари тузилган. Ушбу дастурлар таққослаш учун фойдали манба хисобланса-да, улар доирасида қурбонларга етарли моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилмаган. Асосан, қаранг, А. Даниель, Л. Еремина, Е. Жемкова таҳририда, Реабилитация ва хотира, (Мемоориал – Звениья, Мовсва, 2016),

30. Филипп Шишキン, Тиниб-тинчимас водий: Марказий Осиё марказида Инқилоб, Қотиллик, ва Фитна, Йель Университети нашриёти, 2013, 74 – 75 б.

31. Қаранг: Ўзбекистон бўйича Умумий Даврий Шарх, Инсон хукуклари ва қонун устуворлиги бўйича Ўзбекистон бюроси, [https://www.fidh.org/IMG/pdf/ubhrrl\\_report\\_2013.pdf](https://www.fidh.org/IMG/pdf/ubhrrl_report_2013.pdf).

ўтириб чиқди.<sup>32</sup> Мустақилликка эришилгандан кейин Олий Мажлис раисининг ўринбосари, “Эрк” партияси ижроия қўмитаси аъзоси бўлган Самандар Кўқонов эса Каримов томонидан хавфсизлик хизматининг барча бўлимларини бевосита ўзига бўйсундириш режасини эълон қилганида эътиroz билдирган.<sup>33</sup> Кўқонов 1993-йилда ҳибсга олинган, ва 23 йил умрини қамоқда ўтказган.<sup>34</sup> Ушбу икки шахс ҳам қийноқларга солинган.<sup>35</sup>

1992-йилда Наманган шахрида дин тарафдорларига ва фаолларига қарши бошланган<sup>36</sup> ва ундан кейин оддий халқга қарши репрессияларга айланиб кетган тадбирлар натижасида “диний маҳбуслар” деб номланган кўп сонли одамларнинг қамалиши,<sup>37</sup> инсон ҳуқуклари ҳимоячиларига, журналистлар, ҳарбий қисмлар аъзоларига, хуллас, 20-аср охирида ва 21-аср бошида режимга танқидий муносабатда бўлган ёки режим хавфли деб хисоблаган ҳар қандай инсонга қарши таъқиблар ва суд ишлари одатий ҳол бўлиб қолди.<sup>38</sup> Ижроия органлари фуқароларнинг “қора рўйхатларини” тузишар, бундай шахсларга саёҳат қилиш имконияти чекланар, доимо кузатувда бўлар ва таъқиб қилинар эди.<sup>39</sup> Бундай таъқиб қилинадиган шахслар қаторига дин тарафдорлари (жумладан ҳижоб кийиб юрадиган аёллар ёки намоз ўқийдиган шахслар ҳам кирган), ва коррупцияга, ёки бошқа бирор сиёсий ёки ижтимоий муаммоларга қарши гапиришга журъат қилган шахслар кирап эди.

1999-йил 16-февраль куни Тошкент шахридаги портлашлардан кейин репрессияларнинг кўлами янада ошди ва 10-тадан 20 нафаргача одамнинг ўлимига олиб келган портлашлардан кейин яна минглаб шахслар ҳибсга олинди.<sup>40</sup> Ҳибсга олинганлар қаторига – тақиқланган “Эрк” газетасининг собиқ муҳаррири Муҳаммад Бекжонов ва 1999 йилда Муҳаммад Бекжонов билан бирга судланган журналист Юсуф Рўзимуродов ҳам бор эди. Ушбу икки шахс ҳозирги замонда дунёда энг кўп муддат қамоқда ўтирган журналистлардир.<sup>41</sup> Кўп сонли маҳбуслар, шу жумладан Бекжонов ҳам, сони тобора кўпайиб кетаётган маҳкумларни сақлаш учун янги қурилган қамоқхона – кўп ҳолларда Ўзбекистоннинг “қийноклар уйи” деб ёдга олинадиган ва ҳуқуқбузарликларнинг рамзига айнаган Жаслиқ қамоқхонасига жўнатилди.<sup>42</sup>

32. Ўзбекистон: Фаол 21 йилдан сўнг озодликка чиқарилди; Тошкентни қонунга хилоф равишда озоликдан маҳрум қилиш учун жавобгар деб топиш учун Инсон Ҳуқуқларининг БМТга мурожаати.

33. “Ўзбекистон: узок қамоқда сақланаётган фаол учун 3 йил кўшиб берилди: Вактинча Президент вазифасини бажарувчи шахс сиёсий маҳбусларга амнистия эълон қилиши лозим”, ХРВ, 2016-й. 3- ноябрь.

34. ХРВ, Озодликка чиқариш ва реабилитация қилиш, юкори изоҳ. 17.

35. Ўзбекисон: 21 йил қамоқдан кейин фаол озодликка чиқарилди [Ouzbékistan : Un activiste a été libéré après 21 ans de prison], 2015й, 12 ноябрь, ХРВ, ушбу ҳаволада: <https://www.hrw.org/fr/news/2015/11/12/ouzbekistan-un-activiste-ete-libere-apres-21-ans-de-prison>; Ўзбекистон: узок қамоқда сақланаётган фаол учун 3 йил кўшиб берилди: Вактинча Президент вазифасини бажарувчи шахс сиёсий маҳбусларга амнистия эълон қилиши лозим’, ХРВ, 2016-й. 3-ноябрь. Ушбу ҳаволада: <https://www.hrw.org/news/2016/11/03/uzbekistan-3-more-years-long-held-activist>

36. Инсон Ҳуқуқлари Маркази Хотираси: Ўзбекистонда диний ва сиёсий сабабларга кўра ҳибсга олинган ва қамоқ жазоси берилган шахсларнинг рўйхати (1997 декабрь – 2003 декабрь), 2014 май, 4 б.

37. Каранг: Ўзбекистон бўйича Умумий Даврий Шарх, Инсон ҳуқуқлари ва Конун устуворлиги бўйича Ўзбекистон бюроси (ИҲҚУБЎБ) хИСОБОТ, [https://www.fidh.org/IMG/pdf/ubhrrl\\_report\\_2013.pdf](https://www.fidh.org/IMG/pdf/ubhrrl_report_2013.pdf).

38. Ўзбекистон: Фаол 21 йилдан сўнг озодликка чиқарилди; Тошкентни қонунга хилоф равишда озоликдан маҳрум қилиш учун жавобгар, деб топиш учун Инсон Ҳуқуқларининг БМТга мурожаати, Ушбу ҳаволада <https://www.fidh.org/en/region/europe-central-asia/uzbekistan/uzbekistan-activist-freed-after-21-years-rights-groups-call-on-un-to-2020-5-september-kuni-kurilgan>.

39. [https://www.fidh.org/IMG/pdf/en\\_letter-concerns\\_on\\_uzb\\_19.12—clean.pdf](https://www.fidh.org/IMG/pdf/en_letter-concerns_on_uzb_19.12—clean.pdf), 2020 -й, 5- сентябрь куни кўрилган.

40. <https://www.rferl.org/a/1058611.html>, 2020-й, 4-сентябрь куни кўрилган.

41. <https://www.fidh.org/en/region/europe-central-asia/uzbekistan/uzbekistan-activist-freed-after-21-years-rights-groups-call-on-un-to-яна-каранг>: Ўзбекистонлик муҳаррирга қамоқда сақланаётган пайтида яна суд ҳукми”, Журналистларни ҳимоя қилиш кўмитаси, 20121, 25-январь, <http://cpj.org/2012/01/days-before-his-release-jailed-uzbek-editor-given.php> (2014-йил 11-сентябрь уни кўрилган)).

42. <https://www.rferl.org/a/uzbekistans-house-of-torture/24667200.html>.

## ЖИНОЙ ИШ ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА: ЮСУФ РЎЗИМИРОДОВ

1993 йилда, Каримовнинг репрессиялари авжига чиқаётган вақтда, журналист Юсуф Рўзимуродовни хукуқ-тартибот ходимлари унинг тақиқланган “Эрк” газетасидаги касбий фаолияти билан боғлик масалалар билан 1994-йил 11-март куни хибсга олишган. У Ўзбекистон хукумати органларининг қўлидан қочишга муваффақ бўлиб, Киев шахрига келган ва у ерда “Эрк” партияси сафида ишни давом эттирган ва шу билан бирга “Озодлик” радиосининг ўзбек шуъбаси билан ҳамкорлик қилиб, ўзбекистонда кечеётган ижтимоий-сиёсий ҳолатни мунтазам ёритиб борган. 1999-йили Юсуф Рўзимуродовни яна уч нафар мухолифат фаоллари билан бирга, Киев шахрида Ўзбекистон хукумати хукуқ-тартибот ходимлари ўғирлаб, Ўзбекистонга экстрадиция қилишган.

Йўлда, самолетдаёқ унга нисбатан қонунга хилоф муомалада бўлишган ва кейинчалик у Ўзбекистондаги ИИВ ертўласида ҳам қаттиқ қийноқларга бардош берган. Ҳукумат уни ва бошқа хибсга олинган шахсларни 1999-йил 16-февраль куни содир бўлган портлашларга алоқадорлик бўйича сохта айбловларга икрор қилиш учун ваҳшийларча қийноққа солган. Бу сохта айбловларга икрор бўлмагач уларни бошқа сохта айбловлар билан судлашган. Рўзимурдов дастлабки 15 кун ичida калтаклашлар ва қийноқларда хукумат одамлари олтита резина таёқни синдиришганини эслайди. 1999-йили 18-август куни, Тошкент вилоят жиной ишлар суди Юсуф Рўзимуродовни ҳалкаро ОАВ орқали президентни мунтазам равишда ҳақорат қилганлиқда ва Ўзбекистон раҳбариятига нисбатан тухмат ва бўхтонлар ёғдириб келганлиқда, ушбу ҳатти-харакатлари билан Ўзбекистон Республикасининг конституцион тартибини бузишга уринганлик, нодавлат уюшмани ноқонуний ташкил қилиш ва жиной гуруҳ ташкил қилганлик каби қалбакилаштирилган айбловлар билан айблаб, уни 15 йиллик қамоқ жазосига хукм қилинган (тегишли равишда Жиноят кодексининг 158, 159, 216 ва 242- моддалари).

Қамоқ жазосини Навоий вилотида жойлашган “Қизилтепа” колониясида ўтаётган вақтда Юсуф Рўзимуродов 10 йил давомида ғишт заводида даҳшатли қийноқлар ва ноқонуний муомалаларга чираб ишлаган. Ушбу қамоқ жазоси муддати тугагач, ҳукумат органлари унинг қамоқ жазоси муддатини энг камида икки марта ноқонуний асосларда чўзишган. 2017 йил 24 июнь куни уни Бўстонлик туманида жойлашган 64\3 колониясида иккинчи маротаба қамоқ муддатини узайтириш мақсадида жазо хибсонасига қамашганда Рўзимуродов муддатсиз очлик эълон қиласди. 2017-йил 28-сентябрда Рўзимуродовни Тошкентдаги 1- марказий вақтингчалик хибсона, яъни Тоштурмадан 64\1 колониясида суд қилиш учун 64 кун очлик қилган ҳолда олиб келинган. Суд яна 3 йилу ўн кун қўшиб берган. Рўзимуродов яна очлик қилишда давом этган. Жами бўлиб Рўзимуродов 94 кун очлик қилиши натижасида шикоят аризасининг президент Мирзиёевга етиб боришига эришган. Ниҳоят, 2018-йил 22-февраль куни 19 йил қамоқ муддатини ўтаганидан кейин Рўзимуродов Олий суднинг сўнгги қўшиб берилган суд хукмини бекор қилганлиги ҳақидаги қарорига мувофиқ озод қилинди. Журналистларни Ҳимоя Қилиш Қўмитаси уни дунёда энг узоқ муддат қамоқда ўтирган журналист деб ҳисоблади.

Қонунга асосланмаган оммавий хибсга олишлар ташки дунёдан бутунлай узиб қўйилган ҳолда қамаб қўйишлар мунтазам ноқонуний муомала ва қийноқлар билан бирга олиб борилган.<sup>43</sup> Шу Жумладан, калтаклашлар, электр токи билан таъсир қилиш, карцерга қамаш, овқат ва уйку бермаслик, мажбурий меҳнат, зўрлаш ва жинсий таҳқирлашлар, пластик халталар ва противогазлар билан бўғишилар, тиббий синовивлар ўтказиш ва ҳаттоқи маҳбусаларни мажбурий стерилизация қилишлар ҳам қийноқларнинг таркибий қисми бўлган.<sup>44</sup> Шунингдек, инсон

43. ‘Антирекорд учун БМТ Қийноқа қарши эксперлари Ўзбекистонни танқид’. Ушбу ҳаволада <https://www.fidh.org/en/region/europe-central-asia/uzbekistan/14394-un-anti-torture-experts-rebuke-uzbekistan-for-its-abysmal-record>, accessed 5 September 2020.

44. <https://www.fidh.org/en/region/europe-central-asia/uzbekistan/un-urges-uzbekistan-to-investigate-torture-and-ill-treatment-of-human>.

хукуклари химоячиси сифатида фаолият кўрсатган аёлларни мажбуран руҳий касал сифатида муолажа қилишган.<sup>45</sup>

Хизмат вазифасини сунистеъмол қилиш жиноятлари айниқса Ўзбекистоннинг шимоли-гарбида жойлашган Жаслиқ қамокхонасида даҳшатли тус олган. У ерда Бекжоновдан ташқари, Аъзам Фармоновга ўхшаган инсон хукуклари фаолларини ва Акрам Йўлдошевга ўхшаган диний етакчиларни қайта-қайта калтаклаб, давомли қийноқларга солишган.<sup>46</sup> Ҳюман Райтс Воч (Human Rights Watch (HRW)) вакиллари 2010-йиддан 2013-йил орасида сухбатлашган 34 сиёсий маҳбуслардан йигирма тўққизтаси уларга нисбатан қийноқлар тизимли олиб борилганлигини таъкидлашган.<sup>47</sup>

## ЖИНОЙ ИШ ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА: АЪЗАМЖОН ФАРМОНОВ

Ўзбекистон Инсон Ҳукуклари Жамиятининг (ЎИҲЖ) Сирдарё бўлими раис Аъзамжон Фармонов 2006-йил 29-апрель куни асоссиз тарзда хибсга олинганда маҳаллий фермерларга бир мухим нефть экспортерига қарши уларнинг хукукларини химоя қилишда ёрдам бераётганди. Фармоновга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодесининг 165-моддасига кўра қалбаки тарзда товламачилик билан пул ундириш айби қўйилиб судланган.

Хукумат одамлари уни Гулистон шаҳар ички ишлар бошқармасининг мувакқат ушлаб туриш марказида ўтказилган тергов босқичидаёқ қийноқларга солишини бошлишган ва у ерда Фармоновни бир ойдан кўпроқ вакт давомида оила-аъзолари билан хат ёзишув ва мулоқот қилиш хукуқини бермасдан, ушлаб туришган. Бу вактда, хукумат ходимлари уни ўзи содир қилмаган жиноятга икрор бўлишига эришиш мақсадида хушидан кетгунча противогаз билан бўғишган, унинг тишларини резина таёқ ва пластик сув идишлари билан уриб синдиришган. Улар Фармоновни қимиirlаганда инсон танасини қисиб ташлайдиган “чопонга” – резина кийимга ўрашар, ва унинг фарзандларини ўлдириш ва турмуш ўртоғини ёнидаги қамоқ камерасисига тикиб қўйиш билан қўрқитишиган.

2006-йил 15-июнь куни Фармоновни тўққиз йил қамоқ жазосига хукм қилиб, Жаслиқ қамоқхонаста жўнатишган. Қамоқхона масъул ходимлари Фармоновнинг оғриқдан бақирган овози ташқарига чиқмаслиги учун, унинг оғзига латта тикишар экан ва унинг оёқларига оғриқни сезмас даража уйишиб кетгунча резина таёқлар билан уришган. Бундай қийноқлардан кейин у ўн кунлаб юра олмаган. “Агар сиз мендан мени неча марта қийноқка солганинни сўрасангиз, - деб хотирлайди Фармонов, - мен сизга аниқ жавоб бера олмайман. Кўплигидан хисобдан адашиб кетганман”. Фармонов қамоқдагиларни ўлгунча катлаклашгани ҳолатлари хақида кўрсатма берган.

2015 йил апрель ойида, унинг қамоқ муддати тугаб, озодликка чиқишига саноқли кунлар қолганида, Аъзамжон Фармонов гўёки жазони ижро этиш муассасаси ички тартибини бузганликда айбланиб, яна беш йил қўшимча қамоқ жазосига хукм қилинган (Жиноят кодексининг 221-моддаси). У 2017-йил 3-октябрь куни, 11 йилдан ошиқ адолатсизларча белгиланган қамоқ жазоасини ўтагандан кейин озодликка чиқарилди.

Қийноқлар ва ноқонуний муомаладан ташқари, маҳбусларга мунтазам равишда суд ишини адолатли олиб бориш хукуқидан, жумладан, адвокат билан таъминлаш ёки адвокатни танлаш

45. Таниқли мажбурий меҳнатга қарши фаол Елена Urlaeva суд карори 2001, 2005, 2012 ва 2016-йилларда энг камида тўрт маротаба Тошкент шаҳар руҳий касалхонасида мажбурий муолажа олишга жўнатилган. Қаранг: Frontline Defenders, Елена Urlaevani зўрлик билан психатрик муассасада ушлаб, <https://www.frontlinedefenders.org/en/case/elena-urlaeva-forcibly-detained-psychiatric-institution>; Frontline Defenders, Ўзбекистонлик ИХХни психатрик дориларни ичишга мажбур қилишмоқда, <https://www.frontlinedefenders.org/ru/case/uzbek-hrd-forced-take-psychiatric-drugs>

46. ХРВ. “Сўнгти нуқтагача”. “Ўзбекистонда сиёсий сабабларга кўра қамаш” (2014-й. 25-сентябрь), ушбу ҳаволада <https://www.hrw.org/report/2014/09/25/until-very-end/politically-motivated-imprisonment-uzbekistan>

47. Ўша ерда.

хукуқидан ва томонлар тенглигини таъминлаш, оила-аъзолари билан учрашиш, малакали тиббий ёрдам олиш хукуқидан маҳрум қилингандар ва Қизил Қош Халқаро Қўмитаси (ҚХХҚ) вакилларининг ташрифлари учун ижозат берилмаган.<sup>48</sup> Кўпчилик маҳбусларнинг қамоқ муддатлари ҳеч қандай асоссиз, узок ойлар ва йилларга арзимаган айблар,-камерада тозаликни қониқарли сақламаганлик, ёки номма-ном ўқиб текшириш тадбирига кечикканлик каби муассассасида ўрнатилган тартибни бузганлик маъносида ўйлаб топилган қалбаки айловлар билан узайтирилган.<sup>49</sup>

**ЖИНОЯТ ИШИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА: СОЛИЖОН АБДУРАҲМОНОВ** 2008-йил 7-июнь куни ўз тугилган жойи Қорақалпоғистонда хукумат тизимида коррупция ҳолатлари ва инсон хуқуқларининг поймол қилиниши ҳақида ёзиш билан танилган журналист Солижон Абдураҳмонов асоссиз тарзда ҳибсга олиниб, сўнг унга гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш ва ташиб юриш (Жиноят кодексининг 276.2а моддаси) айлови қўйилган. Абдураҳмонов қони таҳлил қилинмаган ва 2008 йил 2 сентябрда, унга қўйилган айловлар гиёҳванд моддаларни сотиш мақсадида сақлашга (Жиноят кодексининг 273.5 моддаси) ўзгартирилган. Абдураҳмонов ўз айбига икрор бўлмаган ва гиёҳванд моддалар унга инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва журналистлик фаолияти учун жазо бериш мақсадида атайнин ташлаб қўйилганлигини даво қилган. Шунга қарамай, 2008 йил 10 октябрь куни адолатсиз суд ишидан кейин, Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туман суди Абдураҳмоновни ўн йил озодликдан маҳрум қилишлик ҳақида хукм чиқарган. 2012-йилда, ХҚҲҚ бир неча ой мобайнида Абдураҳмонов билан учрашишга уриниб кўрди. Бир маротаба, қамоқ маъмурияти ХҚҲҚ вакиллари олдига ўзини Абдураҳмонов деб таништирган бошқа бир одамни келтиришган. Бирок, ХҚҲҚ вакилларида Абдураҳмоновнинг расми/сурати бўлганлиги учун ўзини Абдураҳмонов деб кўрсатаётган одамга ишонишдан бош тортишган. 2017-йил 4-октябрь куни қамоқда қарийб ўн йил ўтирганидан кейин, Солижон Абдураҳмонов озодликка чиқарилди. 2019-йил 29-март куни, БМТнинг Инсон Хуқуқлари Қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Абдураҳмоновнинг эркинликка бўлган хукуқини, суд ишининг адолатли олиб борилишига ва овоз эркинлиги хукуқини (тегишли равишда Халқаро Фуқаролик ва Сиёсий Хукуклари ҳақидаги Битимнинг 9 (1), 14 (1) ва 19 (2) моддалари) бузган деб топди. Бундан ташқари, ушбу Қўмита Ўзбекистон Республикаси журналистни самарали хукукий ҳимоя билан таъминлаши, жумладан, тўла репарация қилиш, хукукий масалалар учун сарф қилинган харажатларни тўлаш, ва бузилган хукуқлари учун бошидан кечирган азоб уқубатл

ари учун тегишли тарзда муносиб товон тўлаши ҳамда мусодара қилинган журналистик материалларини қайтариб бериши лозим эканлигини белгилади.

48. Қаранг: Ҳюман Райтс Вотч хисботи, энг сўнгги нуктагача', 2014, 85 б.

49. Ўзбекистон Жиноят кодексининг 221-моддаси – қамоқ қоидаларини бузиш.1

## ЖИНОЯТ ИШИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА СОЛИЖОН АБДУРАҲМОНОВ

2008-йил 7-июнь куни ўз ватани Қорақалпоғистонда хукумат тизимида коррупция ҳолатлари ва инсон хукуқларининг поймол қилиниши ҳақида ёзиш билан танилган журналист Солижон Абдураҳмонов асоссиз тарзда хибсга олиниб, сўнг унга гиёхванд моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, саклаш ва ташиб юриш (Жиноят кодексининг 276.2а моддаси) айлови қўйилган. Абдураҳмоновнинг қони таҳлил қилинганда, наркотик моддалар миқдори умуман топилмаган ва 2008-йил 2-август куни, унга қўйилган айловлар гиёхванд моддаларни сотиш мақсадида саклашга (Жиноят кодексининг 273.5 моддаси) ўзгартирилган. Абдураҳмонов ўз айбига иқрор бўлмаган, гиёхванд моддалар унга инсон хукуқларини ҳимоя қилиш ва журналистлик фаолияти учун жазо бериш мақсадида атайн ташлаб қўйилганлигини даво қилган. Шунга карамай, 2008 йил 10 октябрь куни адолатсиз суд ишидан кейин, Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туман суди Абдураҳмоновни ўн йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида хукм чиқарган.

2012- йилда, ХҚҲҚ бир неча ой мобайнида Абдураҳмонов билан учрашишга уриниб кўрди. Бир маротаба, қамоқ маъмурияти ХҚҲҚ вакиллари олдига ўзини Абдураҳмонов деб таништирган бошқа бир одамни келтиришган. Бирок, ХҚҲҚ вакилларида Абдураҳмоновнинг расми/сурати бўлганлиги учун ўзини Абдураҳмонов деб кўрсатаётган одамга ишонишдан бош тортишган.

2017-йил 4-октябрь куни қамоқда қарийб ўн йил ўтирганидан кейин, Солижон Абдураҳмонов озодликка чиқарилди. 2019-йил 29-март куни, БМТнинг Инсон Хукуклари Кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Абдураҳмоновнинг эркинликка бўлган хукуқини, суд ишининг адолатли олиб борилишига ва овоз эркинлиги хукуқини (тегишли равишда Ҳалқаро Фуқаролик ва Сиёсий Хукуклари ҳақидаги Битимнинг 9 (1), 14 (1) ва 19 (2) моддалари) бузган деб топди. Бундан ташқари, ушбу Кўмита Ўзбекистон Республикаси журналистни самарали хукукий ҳимоя билан таъминлаши, жумладан, тўла репарация қилиш, хукукий масалалар учун сарф қилинган харажатларни тўлаш ва бузилган хукуклари учун бошидан кечирган азоб укубатлари муносиб тарзда товон тўлаши ҳамда мусодара қилинган журналистик материалларни қайтариб бериши лозим эканлигини белгилади. Солижон Абдураҳмонов БМТ Инсон Хукуклари Кўмитасининг ушбу қарори маҳаллий судларнинг уни реабилитация қилишлари учун муҳим туртки бўлади, деб ўйлайди.

2005-йилга келиб репрессиялар ўзининг энг ёмон нуқтасига етди. Андижон шаҳрида содир бўлган фожеавий воқеалар май ойининг бошларида 23 нафар ўта эътиқодли мусулмон ва ўз жамоаларида фаол бўлган Акромия деб номланган ҳаракатда иштирок этганликда ва хукуматга қарши ҳатти-ҳаракат қилганлик айловлари билан судланган маҳаллий ишбилармонлар устидан ўтказилган суд иши бўйича норозилик чиқишиларидан бошланди.<sup>50</sup> Қонунга хилоф равиша ҳибсга олиш ҳолатларига қарши намойишлардан кейин хибсга олишлар бўлиб, бу қонунсизлик тартиббузарларнинг кўпайишини келтириб чиқарди.<sup>51</sup> 2005-йил 13-май куни кечки пайт, қуролланган аскарлар минган ҳарбий автомашиналар Андижонга исённи босиш учун чақирилди. Хукумат кучлари оломонга қаратса бетартиб ўт очдилар ва тахминан 750 қуролсиз фуқароларни,

50. Гўёки собиқ «Хизб ут-Тахрир» гурухининг собиқ тарафдори Акром Йўлдошевдан илҳомланган норасмий диний ҳаракат. Ўзбекистон: Андижон: нотинчлик, инқироз гурухи брифинги № 38: Европа & Марказий Осиё 2005-й. 25-Май., 2 б.

51. Ўша ерда. Яна қаранг: <https://www.hrw.org/report/2005/06/06/bullets-were-falling-rain/andijan-massacre-may-13-2005>. Йигирма икки айланувчилар жиной гурӯҳ ташкил қилганлик, Ўзбекистон конституциявий тузумини ағдаришга ҳаракат қилиш, ноқонуний диний ташкилотга аъзолик ва давлат хавфсизлиги учун таҳдид матнлари мавжуд адабиётларга эгалик қилиш ёки тарқатиш каби айловлар билан судланган, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 242, 159, 244-1 ва 244-2 моддалари, ва бир айланувчи ўз қасбий лавозимини суиистеъмол қилганлика ҳам айланган, жиноят кодексининг 205- моддаси.

жумладан болалар ўлдирилди.<sup>52</sup>

Ушбу оммавий қирғиндан кейин, хукумат терроризмга ва экстремизга қарши кенг күламли қонунларни<sup>53</sup> қабул қылди ва тахминан 5900 нафар шахсни сиёсий ва диний айблар билан хибсга олиб, янада қатъиyroқ чоралар кўришни бошлади.<sup>54</sup> Ўша даврда Ўзбекистонда қайддан ўтган ягона мустақил инсон хукуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти “Эзгулик”нинг Андижон бўлими собиқ раиси Исройлжон Холдоров бундай шахслардан бири эди.<sup>55</sup> Андижондаги оммавий қирғиндан кейин, Холдоров халқаро оммавий ахборот воситалари вакиллари билан Андижон шахри худудидаги ва ундан ташқаридаги оммавий қабрлар ҳақида сұхбатлашган. 2006-йил июнь ойида, Ўзбекистон хавфсизлик хизмати кучлари Холдоровни Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ўғирлаб, мажбуран Ўзбекистонга қайтариб олиб келишган. Сўнг, у “конституцион тузумга таҳдид солиш”, “Ўзбекистон худудидан ноқонуний чиқиб кетиш ва худудига кириш” айловлари билан олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганд. Жазо муддатини ўташ давомида бошқа одамлар қатори, унга ҳам асоссиз айблар қўйилиб қамоқ муддати тўққиз йилга узайтирилган.<sup>56</sup>

Ҳозирги кунгача, оммавий қирғин, асоссиз ноқонуний ҳибсга олишлар ва судлашлар, қийноқлар ва бошқа хукуқбузарликлар бўйича Андижонда фуқароларга қаратса ўт очишга ким буйруқ берганлиги, ёки ҳеч бўлмаганда, курбонларни тан олишга ёрдам бериши мумкин бўлган самарали тергов ишлари ўтказилмаган.<sup>57</sup>

Фуқаролик жамиятининг алоҳида қамоққа олинган вакилларидан ташқари, репрессиялар мустақил оммавий ахборот воситалари ва НДТларни ҳам уюшмалар тузиш хукуқини бузган ҳолда, йўқ қилдинди. 2005-йилдан 2012-йилгача, тўрт юздан ортиқ хусусий ташкилотлар ва НДТлари, ИХХФ аъзо ташкилотлари, ва тахминан элликта оммавий ахборот воситалари ва НДТлари, жумладан Америка Овози, Озодлик Радиоси, Уруш ва Тинчликни Ёритиш Институти (УТЕИ - IWPR) ва Ҳьюман Райтс Воч (Инсон хукуқлари посбонлигига - Human Rights Watch – HRW) ёпилди.<sup>58</sup> 2013 йилдан бери, фаолият олиб боришга ижозат берилган, бироқ фаолият юритишида жиддий қийинчиликлар туғдириладиган ХҚҲҚ ҳибсда сақланаётган шахсларни бориб кўриш ташрифларини тўхтатди.<sup>59</sup>

Хукуматнинг халқаро ташкилотларда, хусусан, инсон хукуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи жараёнларда иштироки чекланган ва бу масалаларда ҳамкорлик қилиш нияти умуман йўқ эди. БМТнинг собиқ ходими Эркин Мусаевнинг иши хукуматнинг четдан келиб фаолият олиб борувчиларни мавжуд режимга душман, деб ҳисоблаш муносабатини ўз сиёсатида қарши шакллантириди. 1997-йилдан 2001-йилгача Мусаев Брюсселда Ўзбекистон хукуматининг НАТОдаги вакили сифатида ишлаган, кейинчалик БМТ Ривожланиш Дастурининг «Марказий Осиёда чегара бошқаруви» лойиҳасида лойиҳа бошқарувчиси бўлиб ишлаган.<sup>60</sup> 2006 йилда у ҳибсга олиниб ва кейинчалик Ватанга хиёнат ва бошқа айловлар билан судланган, ҳамда қийноқлар остида қолиб 11 йилга ноқонуний қамоқ жазосига ҳукм қилинганд.<sup>61</sup>

52. Ўзбекистон: Андижон: Нотинчлик, Инкиroz Гурухи Бирифинги № 38: Европа & Марказий Осиё 2005-й. 25-Май., 16 б.

53. Ўша манба, р.16

54. Виталий Пономарев, “Ўзбекистонда диний, сиёсий сабабларга кўра ҳибсга олинган ва қамоқ жазоси берилган шахсларнинг рўйхати (2004-йянварь- 2008-й декабрь),” Мемориал Инсон Хукуклари, (Москва: 2009), 10 б.

55. ХРВ. «Сўнгги нуқтагача».

56. Ўша ерда.

57. CCPR/C/UZB/CO/5, 1 May 2020, para. 16.

58. Қаранг: Ўзбекистон бўйича умумий даврий шарх, Инсон хукуқлари ва қонун устуворлиги бўйича Ўзбек бюроси (ИҲҚҮЎБ) Ҳисобот, [https://www.fidh.org/IMG/pdf/ubhrrl\\_report\\_2013.pdf](https://www.fidh.org/IMG/pdf/ubhrrl_report_2013.pdf).

59. Махаллий эксперталарнинг Семинарда кўрсатма беришларига кўра.

60. Эркин Мусаев 11 қонунга хилоф равишида қамоқда саклангандан кейин озод килинди,

<https://www.amnesty.org/en/latest/campaigns/2017/08/erkin-musaev-released-after-11-years-of-wrongful-imprisonment/>.

61. Ўша ерда.

Репрессияларнинг кўлами, мустақил мониторинг механизмларининг йўклиги ва жазони ижро этиш тизимида шаффофликнинг бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистондаги “сиёсий маҳбусларнинг” аниқ сонини<sup>62</sup> аниқлашнинг имкони йўқ.

2014-йилга келиб, турли ҳисоб-китобларга кўра, 7000дан 12000гача шахс<sup>63</sup> А -иловасида келтирилган жиноятларда айбланган тоифаларга кирган. Уйдирмалар асосида қурилган сиёсий маънодаги айбловлар энг биринчи ва энг кўп учрайдиган айбловлардир. Юзлаб одамлар жиноят кодексининг 157- ва 159 -моддаларида назарда тутилган Ватанга хиёнат ва Ўзбекистоннинг конституцион тузумига таҳдид солиш каби сиёсий маънодаги айбловлар билан жазога тортилган.<sup>64</sup> Иккинчи, яна бир кўп сонли гурух таркибига “диний маҳбуслар” деб аталадиган шахсларнинг аксарияти қалбаки кўрсатмалар, ёки қўйноқлар остида олинган кўрсатмалар асосида айбланган – 155-модда – терроризм, ёки экстремизм жиноятлари ва/ёки 244-2 моддада назарда тутилган – диний экстремист, сепаратизм, ёки бошқа тақиқланган ташкилотни тузишда айбланган шахсларни ўз ичига оладиган одамлар тоифасидир. Учинчи, нисбатан кам сонли гурух таркибига гиёҳванд моддаларни сақлаш ёки ўғрилик, бироннинг мулкига ноқонуний эгалик қилиб олиш каби оддий айбловлар билан қамалган муҳолифат фаоллари, сиёсий диссидентлар, журналистлар ва инсон хукуклари химоячилари киради. Аксар холларда, 2016-йилга қадар таҳминан 25-30 кишидан иборат бўлган ушбу сўнгги гурух аъзолари оддий жиноятлар бўйича айбланиб қамалган бўлсаларда, уларга сиёсий ёки террористик жинотятлар учун ҳам айбловлар қўйилиб келинган.<sup>65</sup>

## СОБИҚ СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ

Президент Мирзиёев ҳукумат бошига келган вақтга келиб, Ўзбекистондаги сиёсий маҳбуслар сони Марказий Осиёнинг барча мамлакатларидаги сиёсий маҳбусларнинг жами сонидан ошиб кетган эди.<sup>66</sup> У “инсон хукуклари биринчи ўринда турадиган демократик ва адолатли жамият қуриш” билан мамлакатни фаровонликка олиб бориш муҳимлигига ургу бера бошлади.<sup>67</sup> Бугунги кундаги режим инсон хукукларини устувор масала даражасига чиқаришда катта муваффақияларга эришмаган бўлсада, 2000 дан ортиқ янги қонунлар ва ижроия қарорлари<sup>68</sup> ортидан бошлаб юборилган ислоҳотлар натижасида инсон хукуклари масаласи сезиларли даражада яхшиланди.

Мирзиёев бугунги кунда номи давлат хавфсизлиги хизматига ўзгартирилган миллий хавфсизлик хизматига узоқ вақтлардан бери раислик қилиб келаётган, Каримовнинг ички доирасида энг кудратли аъзоларидан бири бўлган Рустам Иноятовни истеъфога чиқариб, ўрнига бошқа одамни тайинлаш билан тўла қайта қуришга уриниб кўрди.<sup>69</sup> Суд тизимининг

62. Таърифи методология бўлимида келтирилган.

63. ХРВ, ҳисобот, ‘Сўнгги нуктагача’ юкоридаги изоҳ 50.

64. <https://memohrc.org/ru/monitorings/pravozashchitnik-vitaliy-ponomarev-o-politicheskikh-zaklyuchennyh-v-centralnoy-azii>.

65. Ўша ерда.

66. Виталий Пономарев, интервью, <https://www.fergananews.com/articles/8846>, сўнгги марта 2020й. 5 сентябрь куни кўрилган.

67. Энтони К. Бойер, *Мирзиёев Ўзбекистонида сиёсий ислоҳотлар: Сайловлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти*, Марказий Осиёй-Кавказ Институти ва Илак Йўли, SILK ROAD PAPER 2018й. март, 64 б.

68. Н.Агаева, *президент Шавкат Мирзиёев ислоҳотими ёки Каримов диктаторлигининг?*, 130 б.

69. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги, Президент Миллий хавфсизлик кенгайтирилиган мажлисини, 2918-й., 31-январь, <https://mfa.uz/ru/press/news/2018/01/13811/>.

мустақиллигида сезиларли ўзгаришлар бор<sup>70</sup> ва бу 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига” мувофиқ келади.<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикасининг жиноий ва процессуал қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида чуқур ислоҳ қилиш бошланди.<sup>72</sup>

Пахта етиштириш соҳасида мажбурий меҳнатни йўқ қилиш учун самарали чоралар кўрилди, бироқ, жорий ҳолат ушбу амалиёт тўлалигича йўқотилмаганлигини кўрсатмоқда.<sup>73</sup> Мирзиёев сўз ва йиғилишлар эркинлиги бўйича чекловларни енгиллаштириди.<sup>74</sup> Қарийб 20 йил ичидаги биринчи марта Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳукуклари бўйича Катта Комиссари ва БМТ Махсус Процедураларининг, ЕИ делегациялари ва НДТнинг вакилларини мамлакатга расмий ташрифлар билан келишга таклиф қилди.<sup>75</sup> Булар, шунингдек, Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳукуклари кенгашига аъзоликка қабул қилиниши,<sup>76</sup> Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлигини янада чуқурлаштириши имконини берди.<sup>77</sup>

Эндиликда, ҳибсга олинганларнинг ҳукуклари яхшироқ ҳурмат қилинмоқда ва уларнинг сони, ҳеч бўлмагандаги ҳукумат манбаларига қўра, сезиларли даражада камайди. 2020 йилда Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳукуклари бўйича миллий стратегиясini қабул қилди ва унда мамлакатда ҳибсга олинганлар сони икки ярим баробарга қисқаргани ҳақида фахр билан қайд этилади.<sup>78</sup> Ҳукумат машъум Жаслик қамоқхонасини ёпди,<sup>79</sup> бироқ, афтидан, бу муассаса суддан олдин муваққат ҳибсда сақлаб туриш жойига айлантирилган.<sup>80</sup> Бундан ташқари қийноқлар остида олинган кўрсатмаларни қўллаш ҳам тақиқланди.<sup>81</sup> БМТ Инсон ҳукуклари қўмитаси 2020-йилда ўтказган Фуқаролик ва инсон ҳукуклари бўйича халқаро битимдаги талабларни (ФИХХБ) жорий қилиш мавзусида ўзининг Ўзбекистон бўйича бешинчи Умумий Даврий Шархининг хulosасида, янги президент сайланганидан кейин, бошқа тадбирлар қаторида сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш билан «Ўзбекистон инсон ҳукуклари маданиятини ривожлантиришда жиддий ютукларга эришди», деб таъкидлаб ўтган.<sup>82</sup>

- 
70. Қаранг, мас. <https://www.ohchr.org/en/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=25056&LangID=E>. Яна қаранг Сергей Саяпин, “Танқидий таҳлил, қатъий интизом ва шахсий масъулит”: Марказий Осиёда суд мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича айрим фикрлар, *Land and State* №. 3 (84), 2019-й. декабрь, 18 – 27 б.
71. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги № 4947 ракамли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида“ Фармони, <https://cis-legislation.com/document.fwx?rgn=94327>
72. Сергей Саяпин, “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайта кўриб чиқилган таҳририда инсоният тинчлиги ва хавфзизлигига қарши жиноятлар”, № 45 *Марказий Осиё ва Шарқий Европа қонунчилиги шархи* (2020), 1 – 23 б.
73. <https://www.economist.com/asia/2018/11/08/uzbekistan-tries-to-end-the-use-of-forced-labour-in-the-cotton-fields>
74. Amnesty International, Ўзбекистонда блогерлик: туризмни олқишилаш, танқидни йўқ қилиш, 2020й. июнь 0.
75. Ўша манба,р. 63
76. Навбахор Имомова, “Will Uzbekistan Seat on UN Human Rights Council Bolster Justice?”, ушбу хаволада <https://www.voanews.com/south-central-asia/will-uzbekistan-seat-un-human-rights-council>.
77. Бошқа НДТлар қаторида, Норвегия Хельсинки қўмитаси, ИХХФ аъзоси, мамлакатга ташриф буюриб, ҳукумат вакиллари билан учрашди. Қаранг, мас. <https://www.nhc.no/en/uzbekistan-welcoming-human-rights/>.
78. Миллий инсон ҳукуклари стратегияси, 4 б
79. ХРВ, Ҳисобот, “Бадном Жаслик қамоқхонасини ёпиш Ўзбекистонда инсон ҳукуклари учун бир ғалаба Ҳюман Райтс Воч ташкилоти «Қийноқлар уйига» халқаро эътиборни қаратишда ёрдам берди”, ушбу хаволада <https://www.hrw.org/news/2019/08/27/shuttering-notorious-jaslyk-prison-victory-human-rights-uzbekistan>, 2020-й 5-сентябрь куни кўрилган
80. Қаранг: Инсон ҳукулари учун халқаро ҳамкорлик, Amnesty International, Марказий Осиёда инсон ҳукуклари уюшмаси, “Ўзбекистон: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қийноқларга Қарши Қўмитасига тақдимот,” 11-б, ушбу хаволада [https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CAT/Shared%20Documents/UZB/INT\\_CAT\\_CSS\\_UZB\\_37515\\_E.pdf](https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CAT/Shared%20Documents/UZB/INT_CAT_CSS_UZB_37515_E.pdf)
81. <https://www.ohchr.org/en/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=25650&LangID=E>.
82. Ўша ерда

Албатта амнистиялар ва авф қилишлар<sup>83</sup> Каримов ҳукумат бошида бўлган даврларда ҳам эълон қилинганигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.<sup>84</sup> Бироқ, Мирзиёв раҳбарлик қилаётган вақтда сиёсий маҳбусларни оммавий озодликка чиқариш ҳукуматнинг энг ёмон ҳукуқбузарликлардан бири масаласини ҳал қилишга ва суд тизими сиёсий сабабларга кўра одамларни суд қилиши учун ўта нотўғри қўлланилганини, ҳеч бўлмаганда очиқ айтмасдан тан олишга бўлган мисли кўрилмаган қизиқишини кўрсатади.

Озодликка чиқаришлар Каримов вафотидан кейин деярли дарҳол бошланди.<sup>85</sup> 2017 йил 7 деқабрь куни Мирзиёев 2700 нафар маҳбуслини ва улардан 956 нафарини дарҳол озодликка чиқариш ҳақидаги фармонни имзолади<sup>86</sup> Улар каторида Бекжонов, Фармонов, Турғунов, Мусаев, ва Абдураҳмоновлар ҳам бор эди.<sup>87</sup> Кўп сонли маҳбусларни озодликка чиқариши билан бирга, ушбу авф этиш амалидан кейин Каримов давридан фарқли ўлароқ янада кўпроқ авф этишлар эълон қилинди, чунки бу амалдан кейин яна авф этишга ҳуқуқи бўлган маҳбусларни аниқлаш мақсадида Авф этиш масалалари бўйича қўмита ташкил қилинди, бироқ унинг аниқ ваколатлари ва қамоқда сақланаётган маҳбусларни танлаб олиш мезонлари номаълум.<sup>88</sup>

Президент яна авф этиш фармонларини имзолади ва уларнинг натижасида баъзи маҳбуслар озодлика чиқарилди ёки ёпик режимдаги қамоқхоналардан эркин турдаги манзил-колонияларга кўчирилди. 2018-йилда уч маротаба оммавий авф қилиш ҳақида фармон эълон қилинди ва тахминан 600 киши озодликка чиқарилди.<sup>89</sup> Яқинда эса, 2020-йил 27-август куни президент 1 сентябрь Мустақиллик куни муносабати билан имзолаган авф қилиш фармони асосида 113 маҳбус озодликка чиқарилди. Улардан 105 нафари диний экстремизмда айбланиб

83. Ўзбекистон Конституциясининг 93,23 - моддасига биноан, президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига амнистия қонуний ҳужжатларини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан кораланган шахсларни авф этиш тўғрисида таклиф киритиш ваколатига эга.

84. Мурод Жураев дунёдаги қамоқда энг узок муддат ўтирган сиёсий маҳбуслардан бири бўлди ва унинг 21 йил қамоқхонада сакланғандан кейин озод қилиниши ўша пайтдаги АҚШ Давлат котиби Жон Керрининг 2015-йилда мамлакатта ташрифидан кейин ики хафта ўтмасдан амалга оширилди. Афсуски, у кўп ўтмай қамоқда ортирган тиббий хасталиклардан сўнг вафот этди; Diplomat, Ўлим ва савол: Келажакда Ўзбекистон сиёсий маҳбусларини нималар кутуб туребди? 2017 й. 5 декабрь, <https://thediplomat.com/2017/12/a-death-and-a-question-what-does-the-future-hold-for-uzbekistans-political-prisoners/> Фарғона, Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган сана муносабати билан, Ислом Каримов амнистия тўғрисидаги фармонни имзолади [В связи с годовщиной принятия Конституции Узбекистана Ислам Каримов подписал указ об амнистии], 2003 й. 1 декабрь, <https://www.fergananews.com/article.php?id=2380>

85. Бу, одатда, жамоавий авфлар эълон қилиниши сифатида татбиқ қилинар эди. аксар ҳолларда бу амнистияларга сиёсий маҳбуслар киритилмасди, киритилган ҳолларда эса, уларга кўйилган айбловлар ҳақида эълон берилмас ёки бирорта озод қилинган маҳбуслини сиёсий сабабдан судлангани тан олинмас эди ҳам. Бунинг ўрнига, кўп ҳолларда суд белгилаган қамоқ муддатини қисқартириш ёки ўлим жазосини қамоқ билан алмаштириш эди холос. Масалан, 2016-йил октябр ойида Мирзиёев 40000 яқин шахсларни амнистия қилди, бироқ, воқеликда озод қилинган шахслар сони анча кам бўлган,. Қаранг: Конституция қабул қилинганинг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори, <https://lex.uz/docs/3043440>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ўташи муассасаларида суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахсларни авф этишига тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида, 2017 йил 2 октябрь, <https://president.uz/ru/lists/view/1095>.

86. Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллиги муносабати билан авф этиши тўғрисидаги Фармонига шарҳ, 2017-йил 6 декабрь, <http://uza.uz/ru/documents/prezident-nashhey-strany-pomiloval-2-700-osuzhdennykh-06-12-2017>

87. Озодлик (RFE/RL Uzbekistan), Мирзиёев 2700 маҳкумни авф қилди, 2017-йил 6-декабрь, <https://www.ozodlik.org/a/28901188.html>.

88. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма беш йиллиги муносабати билан жазони ўташи муассасаларида суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахсларни авф этишига тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида, 2017-йил 2-октябрь, <https://president.uz/ru/lists/view/1095>. Ишчи гурӯҳ эксперталарининг гувоҳлигига кўра, комиссия ҳали ҳам мавжуд ва амал қилмоқда. Бироқ, унинг аниқ ваколати ва хибсда сакланаётган шахсланрни танлаш мезонлари номаълум.

89. Фарғона, Ўзбекистон Бош прокуратуруси жиноят ишларининг қалбакилаштирилганигини тан олди, 2019-й. январь, <https://fergana.agency/news/104473/>.

судланган одамлар эди.<sup>90</sup> 2016-йилнинг охиридан буён озодликка чиқарилган 1500 дан кўпроқ шахслар орасида сиёсий маҳбуслар сони энг камидаги 55 нафар, бироқ аслида бу ракам бир неча юзга, балки мингдан ортиқ кишини ташкил этиши эҳтимолдан холи эмас.<sup>91</sup>

Амнистиялар ва авфлардан ташқари, Мирзиёев шунингдек ҳуқуқ-тартибот органларига тақиқланган диний ташкилотларга аъзоликда шубҳа қилинган Ўзбекистон фуқароларининг “қора рўйхатларни” қайта кўриб чиқишга буйруқ берди. Айтишларича, 2018 йилга келиб, ушбу рўйхатлардан 20000-дан ортиқ кишининг номи гўёки олиб ташланган.<sup>92</sup>

Ушбу маҳбусларни оилалари бағрига қайтариш билан бирга, 2020-йил 27-августда имзоланган фармонда тегишли вазирликларга собиқ маҳбусларга ижтимоий мослашув, ишга жойлашиш ва жамиятда ўз нуфузли ролларига қайтишга ёрдам бериш ҳакида ҳам кўрсатмалар берилган.<sup>93</sup> Ушбу кўрсатмалар халқаро битимлар органларининг<sup>94</sup> собиқ маҳбусларни реабилитация қилиш ва жамиятга қайта қўшилиши, жумладан уларнинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини дарҳол ва тўлалигича тиклаш учун чора-тадбирлар кўриш, қийноқлар ва ноқонуний муомала қилиш бўйича қилинган эълонлар, арзлар ҳукумат органлари томонидан тез орада, холисона ва самарали ўрганиб, текширилиб чиқишини таъминлаш борасида чора-тадбирлар кўриш ҳақидаги тавсияларини маъқуллаб, қабул қилганликнинг белгиси эди.<sup>95</sup>

Бироқ, воқеликда эса, бу тавсияларнинг деярли ҳеч бири амалга оширилмади. Сиёсий маҳбуслар кўп йилларни қамоқда ўтказганликлари туфайли оилаларидан ажралганликлари сабабли руҳлари тушган, иш жойи ёки бошқа даромад манбаси йўқ, бальзилари эса иш қидириш учун ёшлари ўтиб қолган ёки саломатликлари ёмонлашган, ўзлари учун бирор фойда бермайдиган судланганлик деган иснод, муҳр қўйилган ҳолда руҳий ва жисмоний жиҳатдан азият чеккан ҳолатда қайтишиди. Озодликка чиқарилган сиёсий маҳбусларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши курбонлари мақоми эътироф этилмади ва бундай собиқ сиёсий маҳбуслар, уларнинг оилалари таҳкирлашлар, камситиш ва ижтимоий муҳитда ёмон отлиқ муҳри қўйилишига дуч келмоқда. Уларнинг чеккан азоб-укубатлари учун ҳеч қандай товон тўлангани йўқ ёки тиббий - руҳий ёрдам кўрсатилмаган. *Маҳаллий реабилитация амалиёти бўлимида батафсил кўрсатилганидек, қонунга хилоф равишда судланган шахслар қонуний шикоят аризалари топшириш имконини олиш учун ўз суд иши ҳукмлари ва суд ишининг бошқа материалларини, шу жумладан, судда тақдим этилган айбловлар ва далилларнинг табиати билан боғлиқ бўлган материалларни олиб танишишга имкониятлари бўлмаган.*

90. Фармон “Озодликдан маҳрум этиши жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиши ўйлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни авф этиши тўғрисида”, ушбу ҳаволада <http://aza.uz/ru/documents/ukazom-prezidenta-pomilovany-113-grazhdan-27-08-2020>, сўнгги марта 2002-й. 3-сентябрь уни кирилган.

91. Стив Свердлов, Реабилитация шу ерда ва хозир. Ўзбекистонда ўтиш даври адлия тизими томон» Ўзбекистон диққат марказида, ФПС, 116 б. Свердловга кўра, бу шахслар қаторига барча сиёсий маҳбусларнинг кўпчилигини ташкил киладиган ва жиноий ишларини текшириш жуда қийин бўлган «диний маҳбуслар» деб аталаған шахслар киритилмаган. Рус тилидаги мақола ушбу ҳаволада [https://cabar.asia/ru/reabilitatsiya-zdes-i-sejchas-obespechenie-pravosudiya-perehodnogo-perioda-v-uzbekistane?\\_utl\\_t=tw](https://cabar.asia/ru/reabilitatsiya-zdes-i-sejchas-obespechenie-pravosudiya-perehodnogo-perioda-v-uzbekistane?_utl_t=tw).

92. Eurasianet, Ўзбекистон: кўп шахслар учун авф жуда кеч келди, 2020-й. 8-август, [https://eurasianet.org/uzbekistan-pardons-come-too-late-for-many-recipients?utm\\_source=dlyr.it&utm\\_medium=twitter](https://eurasianet.org/uzbekistan-pardons-come-too-late-for-many-recipients?utm_source=dlyr.it&utm_medium=twitter), 2020-й, 3-сентябрда кўрилган.

93. Ўша ерда.

94. Ўзбекистон бўйича бешинчи даврий ҳисобот учун якуний шарҳлар, 18- банд.

95. Қийноқларга қарши қўмита, Ўзбекистон бўйича бешинчи даврий ҳисобот учун якуний шарҳлар, (САТ/C/UZB/CO/5), 14 January 2020, Para. 13; Ўзбекистонга борган миссия учун дин ва эъиқод эркинлиги бўйича маҳсус ҳисобот берувчи ҳисоботи (A/HRC/37/49/Add.2), 2018-й. Февраль, para. 101 (h)-банд.

**Одил судловга эришишининг, ҳуқуқларни қайта тиклаш, жумладан, оқлаш, мулкни қайтариши, аввалги иш жойида тиклаш, таълимни давом эттириши имкониятининг йўқлиги**

Озод қилинган сиёсий маҳбуслар судларда қонунга хилоф равища чиқарилган суд ҳукмларига қарши самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасининг йўқлиги, шу жумладан, ишга жойлашиш ёки ўз касблари бўйича мустақил амалиёт олиб борища чеклашлар, йўқотилган мол-мулк ва ижтимоий алоқаларниң камайиб кетганлиги каби қўп қийинчиликларга дуч келишади.<sup>96</sup> Уларниң қўпчилиги иш топа олмаган ёки озодликка чиққандан кейин одатий ҳаётга қайта олмаган. Озодликка чиқарилган баъзи фаолларга ва ИҲҲлари сафида ўз амалиётларига қайтишга рухсат берилмаяпти. Улар таъқибларга ва асоссиз, қонунга хилоф равища ҳисбга олиш ҳолларига дуч келишда давом эмоқда. Қамоқда, ҳисбда бўлган вақтда қийноқларга учраган ёки касал бўлганлиги туфайли ногирон бўлганлар тиричилик учун нон топища янада қўпроқ қийинчиликларга дуч келиш ҳоллари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига кўра, қамоқдаги маҳбусларни муддатидан олдин озодликка чиқаришниң беш хил йўли мавжуд: авф, амнистия, оқлов ҳукми, касаллик ва шартли-муддатидан олдин озодликка чиқариш.<sup>97</sup> Фақат оқлов ҳукмигина реабилитация ва репарацияларга ҳуқуқ бериши мумкин бўлсада,<sup>98</sup> барча сиёсий маҳбуслар авф ёки амнистия шаклидаги қарорлар билан озодликка чиқарилди ва бу билан қонун доирасида оқлов суд ҳукми чиқарилгунча реабилитация қилишга тўсиқ қўйилди.<sup>99</sup> Баъзи ҳолатларда, кейинчалик оқлов ҳукми чиқариш ёки реабилитация қилиниш имкониятини йўққа чиқариш билан маҳбуслардан айбларини қайта бўйниларига олиш ёки расман авф қилишни ёзма равища сўраш таклиф қилинган.<sup>100</sup> Кўпчилик шартли равища озод қилинган.<sup>101</sup> Баъзилардан зарап учун тўлов олиш ҳуқуқлари ва репарацияни бошқа шаклларидан воз кечиб, ҳужжатга имзо қўйиш сўралган.<sup>102</sup>

Озодликка чиққандан кейин айбловларниң олиб ташланганлик мақомини олиш амалда жуда қийин. Ишчи Гурухининг олган маълумотларига кўра, ушбу ҳисботни ёзиш вақтида фақат учта шахс окланган ва бу билан маҳаллий қонун бўйича уларга репарация ҳуқуқи берилган. Бу ҳолатлар, шунингдек, мамлакат ичида реабилитация чораларини талаб қилганда дуч келадиган тўсиқлар ҳолатлари *Маҳаллий Реабилитация Амалиёти бўлимида янада батафсилроқ келтирилган*.

Кўп иш берувчилар собиқ сиёсий маҳбусларни ишга олишга ошиқмайдилар, чунки улар турли жарималардан ёки даромадли ҳукумат шартномаларини йўқотишдан қўрқишиади. Бошқалари эса ишга олиниши мумкин бўлган ходим сиёсий маҳбус эканликларига шаъма қилиб, оддий жиноятчи эмаслигига ишонишмайди. Ҳукумат томонидан иш таклифлари кўпинча шахснинг малакаси нуқтаи назаридан тўғри келмайди ва баъзида камситувчи хусусиятга эга бўлади. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ишга олинса ҳам, собиқ маҳбусларниң

96. Кўрсатма Семинар вакида ёзib олинган.

97. Маълум бўлишича, жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилиш сиёсий маҳбусларга хеч қачон кўлланилмаган экан. Қаранг: Ўзбекистон Жиноят кодекси. 163-модда – Жазоси ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ҳоллари, 18-модда. Фуқароларниң ҳуқуқлари ва эркинлигларини ҳимоя қилиш, <https://lex.uz/docs/163627#168609>

98. 301-модда талабларини Ўзбекистон жиноят-ижроия кодексини 83-модда талаблари билан бирга ўқиш лозим.

99. Семинар, собиқ сиёсий маҳбусларниң айтганлари.

100. Давлат томонининг масалалар рўйхатига берган жавоби, CAT/C/UZB/Q/5/Add.1, 2019.20 сентябрь 15-24 бандлар, 116, <https://undocs.org/CAT/C/UZB/Q/5/ADD.1>

101. Ҳюман Райтс Воч, “Ўзбекистон: Сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш ва реабилитация қилиш,” юкоридаги изоҳ 17.

102. Семинар, собиқ сиёсий маҳбусларниң айтганлари

аксарияти давлатга иш хақининг 20 фоизини тўлаши керак.<sup>103</sup>

Яқинда озод қилингандан кўпчиликка таниқли шахслардан бири, Тошкентдаги масжидлардан бирининг собиқ имоми 53 ёшли Рухиддин Фахриддинов ҳисобланади.<sup>104</sup> Фахриддинов 2006 йилда терроризм ва диний экстремизм айбловлари, жумладан гўёки 1999 -йилдаги портлашларда ҳам иштирок этганлик айбловлари билан ёпиқ суд мажлислирида 17 йилга озодликдан маҳрум қилинган.<sup>105</sup> Пировард натижада у 2020-йил 27-август куни озод қилингунга қадар 14 йил қамоқ жазосини ўтади. Озодликка чиққан куннинг эртаси куни, у Тошкент шаҳри Олмазор тумани ҳокими идорасига чақирилиб, унга пластик дераза ромлари ясадиган заводда иш таклиф қилишган. Озодликка чиқариш шартларига асосан, Фахриддинов топган маошининг 20 фоизини давлатга тўлаши зарур.<sup>106</sup>

Бекиёс дипломат, мудофаа вазирлиги ва БМТ тизимининг собиқ ходими Эркин Мусаев ИХХФ вакилига маҳаллий ва халқаро дипломатия соҳасида узоқ иш стажи бўлишига, чет тилини мукаммал билишига қарамай судланганлик тарихи борлиги сабабли иш топа олмаганини сўзлаб берди.<sup>107</sup>

- 
103. *Фармон “Озодликдан маҳрум этиши жазосини ўтаётган, қитмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиши йўлига қатъий ўтган бир гурӯҳ шахсларни афв этиши тўғрисида”,* ушбу ҳаволада <http://aza.uz/ru/documents/ukazom-prezidenta-pomilovany-113-grazhdan-27-08-2020>, 2020й. 3-сентябр куни кирилган.
104. [https://eurasianet.org/uzbekistan-pardons-come-too-late-for-many-recipients?utm\\_source=dlvr.it&utm\\_medium=twitter](https://eurasianet.org/uzbekistan-pardons-come-too-late-for-many-recipients?utm_source=dlvr.it&utm_medium=twitter).
105. Ўша ерда.
106. Ўша ерда.
107. 2020й. 5 сентябр куни ИХХФга хусусий маълумот берилган.

## Эътиборингизга ЭРКИН МУСАЕВга доир маълумотни ҳавола қиласиз:

Эркин Мусаев: “Мени Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017- йил 11-август қароридан кейин озодликка чиқаришди. Менга чиқарилган қамоқ жазоси муддати 20 йилдан 11 йил 6 ойгача қисқартирилди.

Озодликка чиққанимдан кейин мактаб ўқитувчisi бўлиб ишга киришга уриниб кўрдим. Хусусан, 2017-йилнинг сентябр ойида ўз маҳалламизга мурожаат қилдим. У ердагилар эса менга мактабда ишлаш учун тавсиянома беришди. Мактаб директори мен маҳаллий халқ таълими бўлимида ўтказиладиган кўрик-танловдан ўтсам, мени ишга қабул қилишга тайёрлигини билдириди. Бироқ, халқ таълими бўлимида менга собиқ маҳкумлар мактабга ишга олинмаслигини эълон қилишди.

2017- йил ноябрь ойида мени синов муддатини ўташ шарти билан хусусий ташхис клиникасида ишга қабул қилишди. Кўп ўтмай, давлат хавфсизлиги хизмати агентлари клиникага ташриф буориб, клиника бошликларига Ички Ишлар вазирлигининг рўйхатларида (файлларида) эканлигимни маълум қилишди. Оқибатда мени бу ишдан кетишга мажбур қилишди.

2017-йилнинг декабрь ойида маҳалла маркази биносида синглим ташкил қилган инглиз тили таълим марказига ишга жойлашдим. Марказ, биринчи навбатда, ногирон болалар ва кам таъминланган оиласалар фарзандларига дарс беради. Марказ раҳбариятига очиқ дарс ташкил қилишни таклиф қилдим. Хусусан, чет давлатлар элчиноналарига ва ёшлар ва санъаткорлар билан ишлаш марказига мурожаат килиб, ушбу марказ ва элчиноналар вакиллари иштирокчиларга совғалар тақдим этадиган ҳамда турли санъаткорлар ўз чиқишиларини намойиш этадиган кўнгил очар инглиз тили дарсини ташкил этишда ёрдам сўрадим. Тадбир жуда муваффақиятли ўтди. Унда ЕИ давлатлари дипломатлари, ёшлар маркази ходимлари ва ёш санъаткорлар ҳамда талабаларнинг ота-оналари иштирок этди. Бироқ, эртаси қуниёқ солик ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари марказга келиб, у ерда энди кўринмаслигимни ёки шунга ўхшаш тадбирларни ташкиллаштираслигимни сўрашди. Шунинг учун ҳам ўқув марказидан ишдан кетишга мажбур бўлдим.

Шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг турли лойиҳаларида ишлаш учун аризалар ёздим. Бироқ, мен ҳар доим ўзимнинг судланганлик тарихим мавжудлиги туфайли халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатлар элчиноналарида ишлаш мумкин эмас, деган маънода жавоблар олдим. Мен, ҳатто, қаровулликка ҳам иш топа олмайман.”

Собиқ ИХХлари, фаоллар ва журналистлар ҳам мустақил иш қидиргандарига, хусусан ўзлари бирор НДТни ташкил қилишга уринганларида ҳам, кўплаб тўсиқларга дуч келадилар.<sup>108</sup> Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Аззам Турғунов, Аззам Фармонов ва Дилмурод Саидов каби собиқ сиёсий маҳбуслар билан бирга, ўтмишдаги қийноқлар ва ноқонуний муомалалар борасидаги ариза, тасдиқловларни текшириш ҳамда жабрланганларга зиён учун тўлов, товон тўланишини таъминлаш максадида адлия вазирлигига “Адолатни тиклаш” деб номланган НДТни ташкил қилиш учун кўп маротаба мурожаат қилган.<sup>109</sup> Унга беш маротаба турли хил сохта асосларда, асосан қайддан ўтиш тартибига риоя қилмаганлик туфайли рад жавоби беришган.<sup>110</sup> Турғуновнинг “Инсон Ҳуқуқлари уйи” деб номланган яна бир ташкилотни давлат қайдидан ўтказиш учун давом этаётган уринишлари ҳали ҳам муваффақиятга эришгани йўқ.

Бошқа ИХХлари ўз ташкилотларини қайддан ўтказиш имкони йўқлигидан арз қилишган бир вақтда, 2020-йил 9-март куни Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги сўнгги

108. Ва бу 2018- йил май ойида «Мамлакатни демократик янгилаш жараённида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қонуннинг қабул қилинганига қарамай’. <https://cabar.asia/en/why-is-it-difficult-to-open-an-ngo-in-uzbekistan/>.

109. Ўзбекистон бўйича бешинчи даврий ҳисоботнинг якуний шархлари, 2020-й. 14 январь, 17-банд.

110. Аззам Турғунов, ИХХФ билан интервью, 2020-й, февраль.

17 йилда биринчи марта уринишдан кейингина ўзининг биринчи инсон хукукларини ҳимоя қилувчи Аъзам Фармонов, Алишер Кароматов ва Дилмурод Сайдовлар бошчилигидаги “Хуқуқий таянч” ташкилотини НДТни қайддан ўтказди.<sup>111</sup>

Баъзи собиқ сиёсий маҳбуслар ўзларининг мусодара қилинган мол-мулкини, жумладан кўчмас мулкларини, автомобилларини, компьютерларини ва бошқа оғис техникарини қайтариб ололмаганлиги ҳакида ҳабар беришган.<sup>112</sup> Аксарият сайловларда овоз бериш чекловларига дуч келган бир вақтда, кўпчилик бирор сиёсий лавозимда ишга жойлашишга ариза бериш, уни эгаллаш имконияти йўқлиги ҳакида ҳабар беришади.<sup>113</sup>

Озодликка чиқарилган сиёсий маҳбусларнинг нафақат ноҳақ қўйилган айловларни бекор қилинмаслигига ва ўз ишларидаги тикланмаслигига, мол-мулклари қайтарилмаслигига ҳамда сиёсий лавозимга ишга жойлашишга имкон берилмаслигига, балки, баъзи ҳолларда инсон хукуклари бузилишига ҳам бардош беришда давом этишмоқда. Жиноят кодексининг 73-моддасига мувофиқ «шартли равища озод қилингандар» ўз яшаш жойлари атрофидага фаолият олиб бориш доирасини чекловчи совет давридан қолган яшаш жойини кўрсатувчи муҳр, рухсатнома - *прописка (муваққат прописка)* талабининг бекор қилинишига қарамай, уларнинг харакатланиш, саёҳат қилиш эркинлиги хукуклари чекланганини айтишган. Уларни кузатишда давом этишмоқда ва «профилактик сұхбатлар» ўтказиш учун милиция бўлимига мунтазам равища бориб туришлари керак.<sup>114</sup> Баъзилари эса, масалан, Агзам Турғунов каби шахслар, ҳали ҳам қонунга хилоф равища асоссиз ҳибсга олиш, жарималар белгилаш, озор бериш/таҳқирлаш ва ўз ишларини амалга оширишга халақит берувчи бошқа ҳолатларни бошдан кечирмоқдалар.<sup>115</sup>

---

111. “17 йил ичидаги Ўзбекистон биринчи НДТни давлат қайдидан ўтказди”, ушбу хаволада <https://en.fergana.plus/news/116120/>.

112. Собиқ сиёсий маҳбусларга тарқатилган ИХХФ сўровномаси – (Абдураҳмонов, Рўзимуродов, Турғунов).

113. *Ўша ерда.*

114. Ҳюман Райтс Воч, ‘Сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш ва реабилитация қилиш,’ юкори изоҳ, 17.

115. ИХХФ, ‘Ўзбекистон: Аъзам Турғунов асоссиз, қонунга хилоф равища ҳибсга олинган ва паспортига мамлакатдан чиқишига рухсат берувчи муҳр қўйишмаган’, <https://www.fidh.org/en/issues/human-rights-defenders/uzbekistan-agzam-turgunov-arbitrarily-arrested-fined-and-denied-an>, 2020-й 15-сентябрь куни кўрилган.

## АЪЗАМ ТУРҒУНОВга доир маълумотлар:

Товламачиликка айблаб маҳсус сохталашибириб қўйилган айловлар билан тўққиз йиллик қамоқ жазосини ўтаб бўлгач, Аззам Турғунов 2017-йил 7-октабрда амнистия қилинди. Озодликка чиққандан кейин, Аззам Турғунов инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш ишларини давом эттири, шунингдек, президент Каримов кўрсатмаси билан ноконуний ҳукм қилинган бошқа ўзбекистонликларни реабилитация қилиш борасида ишларни бошлаб юборди. Бу ҳаракатлар унга ва бу ишда иштирок этган бошқа фаолларга қарши куч ишлатар тизими вакиллари томонидан босим уюштирилишига олиб келди.

2018-йил октябрь ойидан бошлаб, Аззам Турғунов давлат органларининг мунтазам кузатувида бўлганлигини, телефони зимдан эшитилишини ва қўрқитишларга дучор бўлаётганини хабар қилди. У озодликка чиқарилганидан кейин уни бир неча марта ҳибсга олишган ва маъмурий ҳукуқбузарлик асосида айловлар қўйишган. Бу холатлар 2018-йил август ойида ва 2019-йил июнь ойида кузатилган. 2018-йил август ойида унга ижозат берилмаган тинч йиғилишини кузатиш ва расмларга олаётган вақтда ҳукуқ-тартибот органи ходимининг қонуний талабларига бўйсунмаганлиги (Маъмурий Кодекснинг 194 моддаси) учун айлов қўйилган ва кейинчалик суд қилинган. Турғунов бу карорга қарши аппеляция шикояти берган. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш мажлисларида Турғунов иш юритишни бузганликда айланган ва бу унга нисбатан янги айловлар қўйилишини келтириб чиқарган: 2019 -йил 30- марта куни Турғунов суддан «туҳмат», «судга нисбатан хурматсизлик» ва «ҳукуқ-тартибот ходимларининг буйруқларига риоя килмасликда» айланганини маълум қилинган чақирув қоғози олди (Маъмурий Кодекснинг 41, 180 ва 194-моддаларига биноан). Ниҳоят, 2019 йилнинг 4 июнь куни Тошкент тумани маъмурий суди Турғуновни безориликда (Маъмурий Кодекснинг 183-моддаси) айбдор деб топди.

Унга қўйилган айловларда сиёсий сабаб бўлганлиги ва ҳукумат органларининг унинг реабилитация қилиш дарво, талабларидан ва инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш фаолиятидан қайташига бўлган уринишлар деб ўйлашга асослар бор.

### *Тиббий ва руҳий муолажасининг ёки бепул юридик ёрдамнинг йўқлиги*

*Қамоқхонада мени айтиб бўлмайдиган руҳий ва жисмоний қийноқларга солишиди. Мен бу ердан ҳеч қачон чиқиб кета олмасам ва тирик қолмасам керак деб ўйлар эдим. Ҳудога шукрки, мен ҳеч бўлмаса тирикман-ку.*<sup>116</sup>

Собиқ сиёсий маҳбусларнинг кўпчилиги уларга нисбатан кўп йиллар давом этган калтаклашлар ва қийноқлардан, жумладан озиқ-овқат ва уйқудан маҳрум қилиш, мажбурий меҳнат, карцерга ташлаш ва бунинг натижасида қуёш нурининг ёки жисмоний машқларнинг йўқлигидан, битта қамоқ хонасида мўлжалдан ортиқ одамларнинг сақланиши, жинсий тахқирлашлар, оғир иқлим шароитларида унинг устига, тиббий ёрдамнинг йўқлиги ёки етишмаслиги сабабли жисмоний ва руҳий саломатлик муаммоларидан азоб чекишиади. Маҳбусларнинг кўпчилиги оғир жисмоний ва руҳий зарарлар келтирган сил ва юқумли ёки бошқа турдаги сурункали касалликларини орттириб олишган.<sup>117</sup> Журналист Дилмурод Саидов ва Мурод Жўраевларнинг иккаласи ҳам сил касалини юқтиришган ва Мурод Жўраев озодликка чиқарилганидан атиги икки ой ўтгач вафот этган;<sup>118</sup> Солижон Абдураҳмонов ичак яраси касалига учраган; Исройлжон Холдоров эса умуртқа погонаси диски чуррасини; ЎИҲЖнинг аъзоси Мехринисо Ҳамдамова қандайдир бир ўсимтани зудлик билан олиб ташлаш учун жарроҳлик амалига муҳтоҷ эканлигини хабар қилган,

116. Собиқ сиёсий маҳбус Аззам Турғунов, ИХХФга берган баёнотида.

117. *Ўша ерда.*

118. <https://thediplomat.com/2017/12/a-death-and-a-question-what-does-the-future-hold-for-uzbekistans-political-prisoners/>.

шунингдек, кўп сонли бошқа инсонлар юрак ҳасталигига, ўпка касалликларига ва қон босими ошиши касаллигига дучор бўлганликларини хабар беришган.<sup>119</sup> ИҲЖнинг яна бир аъзоси, Ўзбекистон қуролли кучларининг собиқ заҳирадаги зобити Чўян Маматкулов 2012 йилда уни ҳибсга олишларидан олдин ҳам ногиронлик ҳолатида бўлган. У мунтазам қийноқларга солинган қамоқда ўтказган икки йил давомида тишларини йўқотган. У ҳали ҳам танасининг орқа қисми ва қўлларида оғриқлардан азият чекади.<sup>120</sup>

Тошкентдаги аёллар қамоқхонасидан 2008- йилдан озод қилинган фаол Мўътабар Тожибоевани қамоқхонанинг психиатрия бўлимидаги карцерга тез-тез қамашган, зўрлашган ва қийноқларга солишган. Озодликка чиқарилганидан кейин Францияда яшашга мажбур бўлган вақтдан бошлаб, бир неча йил давомида муолажалар олишга мажбур бўлган.<sup>121</sup> Озод қилинган сиёсий маҳбуслар кўпинча халқаро ташкилотлар, шахслар, ёки оила- аъзоларининг ёрдамларига мурожаат қилишга мажбур бўлишади, чунки маҳаллий ижтимоий қўллаб-қувватлаш тузилмалари ва хизматлари етарли эмас. ИҲҲФ саволларида жавоб берган сиёсий маҳбусларнинг њеч бири қамоқда сақланганликдан келиб чиқсан саломатлик ва руҳий муаммоларни ҳал қилиш учун давлатдан маҳаллий қонунларда назарда тутилган маънавий ёки тиббий ёрдам олганини хабар қилмаган. Ёрдам олиш учун тўсикларни босиб ўтиш шунчалик қийинки, ариза билан мурожаат қилганлар оддийгина бу фикрдан воз кечишади.<sup>122</sup>

Сиёсий маҳбусларнинг ўзларидан ташқари, уларнинг оила-аъзолари ҳам ўзлари севган яқинларининг олдиларида бўлмаганлиги, кўп ҳолларда улар ҳақида маълумотларнинг йўқлиги, шунингдек, улар даҳшатли азоб-уқубатларни бошдан кечираётганликларини билиб туриб, узоқ вақтлар руҳий азоб ва қийноқларга қолганлар. Баъзан, оила- аъзоларининг ўзлари ҳам ҳукumat органлари томонидан таҳқиrlашларга (озор беришлар) ва қўрқитишларга дуч келганлар.<sup>123</sup> Уларнинг кўпчилиги ўз яқинларининг узоқ муддат қамоқда сакланишлари ёки такрорий ҳибсга олинишлари орқасидан салбий жисмоний, руҳий ва молиявий таъсир остида доимий қийинчиликда яшашга мажбур бўлишган.

Собиқ сиёсий маҳбуслар, шунингдек, давлат томонидан ўз ҳуқуқларини қайта тиклашга ёрдам бериш учун бепул юридик ёрдам таклиф қилинмаганини ёки умуман маслаҳат берилмаганлиги ҳақида хабар беришган. Уларнинг баъзилари ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланган бўлсалар-да, бу бепул кўрсатилган ёки халқаро НДТларнинг моддий ёрдами билан кўрсатилган ёрдамлар бўлиб, маҳаллий хавфсизлик хизмати эътиборини ўзига тортган.

### ***Жарблангандар ёки уларнинг оила- аъзоларига моддий ва маънавий зарар қўрганлик учун тўловларнинг йўқлиги, ҳуқуқбузарликлар, сустеъмол қилишиларни тан олмаслик***

Сиёсий маҳбуслар озодликка чиқиб уйга қайтгач, кўп ҳолларда уларнинг ўзлари ва оилалари кун кўришда қийинчиликларга учрайдилар ва бунда уларнинг бу аҳволга тушганликлари учун жавобгар бўлган Ўзбекистон ҳукумати органларининг ўрнига, қариндошлари, дўстлари ва хориждан келадиган хайрия ёрдамларига таянишади. Озод қилинган маҳбусларнинг баъзилари жамиятга «қайта интеграция» бўлиш учун номинал микдорда ижтимоий ёрдам ҳаққи олган бўлса-да, ушбу ҳужжат ёзилаётган вақтда олинган хабарларга кўра фақат битта озодликка чиқарилган сиёсий маҳбус қонунга хилоф равища озодликдан маҳрум қилиниб қамоқда

119. ХРВ, «Сўнгти нуктагача» юкоридаги изоҳ 50

120. Ўзбекисонда инсон ҳуқуқлари фаоли тўла реабилитация қилишилари учун мурожаат қилган, 2020-й. 21-март, ушбу ҳаволада <https://acca.media/en/in-uzbekistan-human-rights-activist-has-sought-a-full-rehabilitation/>

121. <https://www.martinennalsaward.org/hrd/mutabar-tadjibaeva/>.

122. Свердлов, Ўзбекистон дикқат марказимизда, 122 б.

123. Ўша ерда.

үтказган йиллар, қийноқлар ва инсон ҳуқуқлари бузилишининг бошқа кўринишлари натижасида кўрган маънавий ва жисмоний зарар учун товон олди.<sup>124</sup> Ковид-19 касаллиги пандемияси собиқ маҳбусларнинг ўз ижтимоий ришталарини қайтадан ўрнатиш ва ўзларининг молиявий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлашдаги курашларинини янада ёмонлаштириб юборди. Оқибатда тирик қолиш мақсадида уларнинг баъзилари жуда паст пул тўланадиган ишларда ишлашга ва хўжалик қошида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга мажбур бўлишди.<sup>125</sup>

Энг юқори мансабдор шахслар ҳам ўтмишда айбловларни сохталашибарнишга йўл қўйилганини тан олиб, баъзи баёнотлар ҳам қилишди.<sup>126</sup> Бироқ, бундай баёнотлардан кейин бирор хил расмий тан олиш ёки жабрланганлар, курбонлар учун ёдгорлик каби бирор рамзий чора-тадбир амалга оширилмади. Собиқ сиёсий маҳбусларнинг атрофидагилар учун муаммо туғдирувчи тушунча бўлмиш обрўларига етказилган заرارга, уларни жамият олдида судланган, деган “чандик”, иснодда қолганликка қарши курашиш учун ҳеч қандай чоралар кўрилмади. Собиқ сиёсий маҳбус Солижон Абдураҳмонов шундай дейди: «Биз [собиқ сиёсий маҳбуслар] билан мулоқот қилишдан қўркиш “маданияти” жамиятда мустаҳкам ўрнашиб қолган».<sup>127</sup>

Бундан ташқари, бир неча истиснолардан ташқари, қийноқлар ёки ноқонуний муомала қилишда айбдорлар конун олдида жавобгарликка тортилмаган. Хусусан, 2018- йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди етти нафар собиқ ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини қийноқларга солинганликда айбдор деб топиб, уларга узоқ муддатли қамоқ жазолари белгилаган.<sup>128</sup> Бироқ аксар ҳолларда, ҳукумат вакиллари халқаро ташкилотлар олдида собиқ маҳбуслар қийноқка солинганлиги ёки бошқа шафқатсиз муносабатларга дучор қилинганлиги ҳақидаги фактларни инкор этишда давом этмоқда. 2019 йил сентябрь ойида қийноқларга ва ҳар қандай бошқа турдаги ваҳшийлик, гайриинсоний ва инсон фурурини поймол қилувчи муносабатлар ҳамда жазоларга қарши конвенция (ҚҚҚ) органига жавоб тариқасида ёзган хатида, ҳукумат, Солижон Абдураҳмонов, Эркин Мусаев, Аъзам Фармонов, журналист Бобомурод Абдуллаева, Дилмурод Саидов ва энг камида яна 10 нафар собиқ маҳбусларнинг жиноий ишларида қийноқка солинганлик ёки бошқа шафқатсиз муомала қилинганликнинг далиллари топилмаганлигини эълон қилган ҳамда ислоҳ қилиш зарур бўлган жиноий иш ҳолати йўқлигини қатъий таъкидлаган.<sup>129</sup> 2019-йил октябрь ойида ҚҚҚ вакиллари томонидан ўтказилган текширувда, ҳукумат вакиллари қийноқлар ва ноқонуний муомала қилинганлик ҳақида берилган шикоятлар бўйича ўтказилган бирор бир тергов, текширув ишлари ҳақида батафсил маълумот беришдан бош тортишган.<sup>130</sup>

\*\*\*

Албатта, сиёсий маҳбусларнинг озодликка чиқарилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини яхшилашда муҳим қадам сифатида олқишлиланади, бироқ Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра бундай шахсларга нисбатан мавжуд мажбуриятларини бажариши ва

124. Чўян Мамтқуловнинг иши кейинчалик маҳаллий реабилитация амалиёти бўлимида муҳокама қилинади, 54 б.

125. Аъзам Фармоновнинг ИҲҲФга берган интервьюси, 2020-й. 14- сентябрь.

126. Фарғона, Ўзбекистон бош прокуратураси жисноят ишларининг қалбакилашибарнишларини тан олди, 2020-й. 21- январь, <https://fergana.agency/news/104473>.

127. ИҲҲФга хусусий баёнот берганда.

128. Халқаро қийноқларга қарши кураш куни: НДТлар Марказий Осиё ҳукуматларини қийноқларга барҳам беришга чакирмокда, ушбу ҳаволада <https://ahrca.org/uzbekistan/torture-prevention/999-international-anti-torture-day-ngos-call-on-central-asian-governments-to-end-torture>.

129. Ҳукумат томони ўз масалалари рўйхатига жавоб берди, CAT/C/UZB/Q/5/Add.1, 2019-й. 20 -сентябрь, 15-24, 116 бандлар, <https://undocs.org/CAT/C/UZB/Q/5/ADD.1> <https://www.amnesty.org/en/countries/europe-and-central-asia/uzbekistan/report-uzbekistan/>.

130. ҚҚҚ, Ўзбекистон бўйича бешинчи даврий ҳисоботнинг якуний шарҳлари, CAT/C/UZB/CO/5, 202й, 14 январь., 12-банд.

Каримов даврига қайтмаслик учун сиёсий маҳбусларнинг эҳтиёжларини қондириш борасида кўп ишлар қилиниши керак.

Шу муносабат билан, БМТ жиноят содир этганлик учун жиной жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги ҳақидаги қонун талаблари қийноққа солиш айловларига ҳали ҳам қўлланилишини ва ҳукумат томони қийноқлар ёки шафқатсиз муомала қилганлик учун судланиб, ҳукм қилинган шахсларга амнистия беришда давом этаётганини ташвиш билан таъкидлаб ўтди.<sup>131</sup> Шартли равища сиёсий сабаблар асосида айловлар билан судланган кўплаб шахслар ҳамон озодликдан маҳрум ҳолда қолмоқда. Улар жумласига, А иловасида батафсил кўрсатилганидек, диний маҳбуслар Ҳабибулло Мадумаров, Равшан Қосимов ва Хайрулло Турсунов; аскарлар Виктор Шин ва Алишер Очилдиевлар киришади.<sup>132</sup>

Бундан ташкари, репрессия давридаги сиёсий элитанинг, айниқса, ҳукумат тузилмаларида илдиз отиб кетган институционал амалиётларнинг давом этаётганилиги гурухларни хиёнат ёки экстремизмда айблаб ҳибсга олишлар амалиётининг такроран пайдо бўлишига ва яна қийноқлар қўлланилганлиги ҳақида хабарлар берилишига олиб келди.<sup>133</sup> Яқин ўтмишда ҳибсга олинганлар қаторида 2020 -йил январь ойида беш ярим йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган собиқ Ўзбекистон дипломати Қодир Юсупов<sup>134</sup> ва 2020- йилнинг март ойида жосуслик айлови билан 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган мудофаа вазирлигининг собиқ журналисти Владимир Калошинлар киради.<sup>135</sup> 2017 йилда, ҳукумат органлари журналист Бобомурод Абдуллаевни тўққиз ой ҳибсада ушлаб туришган ва унинг озодликка чиқарилиши фақат кучли ҳалқаро босим шарофати билан мумкин бўлди холос.<sup>136</sup> Бу амалиётлар БМТ ИҲҚни (Инсон ҳуқуқлари қўмитасини) диний, сўз, йигилишлар ва уюшмалар тузиш эркинликларини, хусусан, сиёсий диссидентларга ва давлат томонидан ижозат берилмаган диний гурухларга қарши чеклашларнинг давом этаётганилиги борасидаги ташвишини баён қилишга ундади.<sup>137</sup> Бу амалиётларни фош қилувчи журналистларни, инсон ҳуқуқлари фаолларини ва ИҲҲларини кўркитиш амалиёти шу кунгача ҳам давом этмоқда.

Расмийлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 221-моддасининг «қамоқхона ички тартибини бузиш»<sup>138</sup> қоидасини ассосиз равища сиёсий маҳбусларнининг қамоқ жазоси муддатини узайтириш учун қўллашни тўхтатишларини бир неча марта таъкидлаган бўлсаларда, улар бу амалиётдан бутунлай воз кечмаган кўринади.<sup>139</sup> БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари ва инсон ҳуқуқлари НДТлари томонидан ҳукумат органлари олдида бир неча марта сиёсий маҳбусларни озод қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини тиклаш ишларини давом эттириш, ассосиз, қонунга хилоф равища ҳибсга олиш амалиётига, қийноқлар ва ишни судда адолатли кўриб чиқарилишига бўлган ҳукукнинг бузилишига чек кўйиш, Ўзбекистоннинг ҳалқаро мажбуриятларини бузиши ва унинг обўсига зарар келтиришни тўхтатиш зарурлиги масалаларини бир неча марта кўтарилди.<sup>140</sup>

131. Ўша ерда

132. <https://www.hrw.org/news/2018/07/06/uzbekistan-mans-13-year-detention-revealed>.

133. Қаранг, мас., ‘Ўзбекистонда қийноқлар давом’, ушбу ҳаволада <https://ahrca.org/uzbekistan/torture-prevention/1076-torture-continues-in-uzbekistan>.

134. Majlis Podcast: Ўзбекистонда жосуслар ўйинлари, [https://www.rferl.org/amp/majlis-podcast-spies-in-uzbekistan/30670139.html?\\_twitter\\_impression=true](https://www.rferl.org/amp/majlis-podcast-spies-in-uzbekistan/30670139.html?_twitter_impression=true)

135. <https://www.amnesty.org/download/Documents/EUR5828642020ENGLISH.pdf>.

136. <https://www.nhc.no/en/kyrgyzstan-no-forced-return-to-uzbekistan/>.

137. CCPR/C/UZB/CO/5, para. 20.

138. Ўзбекистон Битимнинг 40- моддасига мувофиқ тақдим этган бешинчи даврий хисобот, CCPR/C/UZB/5, 2019й, 10 январь, 187-189 бандлар.

139. 30- банд.

140. Ўша ерда, яна қаранг Ҳюман Райтс Воч, ‘Сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш ва реабилитация қилиш.’, *supra* n. 17

# СОБИҚ СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ РЕПАРАЦИЯЛАРГА БЎЛГАН ХУҚУҚИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХУҚУҚИЙ ТИЗИМ

## *Халқаро инсон хукуқлари қонунчилиги*

Ҳар қандай инсон хукуқлари бузилиши жабрланувчи ёки унинг бенефициарлари учун репарация олиши ҳуқуқининг пайдо бўлишига асос бўлади ва бунда давлат томонидан репарация билан таъминлаш ва жабрланувчига айбордордан суд орқали талабини қондириши/ундириши имкониятини бериш мажбурияти назарда тутилади.<sup>141</sup>

«Реабилитация» ва репарациялар» атамалари кўп ҳолларда бир-бирининг ўрнида ишлатилса ҳам, улар бир хил тушунчани англатмайди. Бутун дунёдаги кўплаб суд лексиконларида, айникса, шарқий ва марказий Европада, «реабилитация» атамаси тўлиқ ҳуқуқий ва жисмоний реабилитацияни ёки жабрланувчининг «яхши ном» ва обрўсини тиклаш, муайян чоралар кўриш, жумладан, жисмоний, тиббий ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш ҳамда зарарни қоплашни англатади.<sup>142</sup> Халқаро инсон хукуқлари қонулари талабларига кўра, бу мажбуриятлар, сатисфакция бўйича чора-тадбирлар билан бирга, тўлалигича «репарациялар» беришни англатади, «реабилитация» эса репарациянинг бир тури сифатида биринчи навбатда шахснинг жисмоний ва руҳий фаровонлигини тиклашни англатади.<sup>143</sup>

Инсон хукуқларини поймол қилишда жабрланганларнинг ўзлари кўрган зарап учун репарация ҳуқуки давлатнинг ҳуқуқбузарликларидан жабрланган шахсни «самарали ҳуқуқий ҳимоя» билан таъминлаш ёки унга «зарар учун товоң тўлаш» мажбуриятидан келиб чиқади.<sup>144</sup> Бу аксарият инсон хукуқлари борасида тузилган битимларда учрайдиган меъёр бўлиб,<sup>145</sup> у масалан, 1948- йил Инсон Ҳукуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8 -моддасида ҳам келтирилган ва одатдаги қонунга тенглаштирилиши мумкин.<sup>146</sup> Репарация ҳуқуки ҳар бир инсон “унга конституция ёки қонун асосида берилган фундаментал ҳуқуқларининг бузилганлиги учун ваколатли маҳаллий суд органлари томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилиниши” ҳуқуқига эгалигини таъминлайди.<sup>147</sup> Айнан шунга ўхшаш қоида ФСХХБда (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро Битим) ва БМТнинг 1985- йил қабул қилинган Қийноқларга ва ҳар қандай бошқа турдаги ваҳшний, ғайриинсоний, инсон ғурурини поймол қилувчи

141. 31 -тамойил, янгиланган [[Бирлашган Миллатларнинг] инсон хукуқларини жиноятларни жавобсиз қолдиришга карши кураш орқали ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш тамойиллари мажмуи, UN Doc E/CN.4/2005/102/Add.1 (2005й, 8 февраль).

142. А.Л. Кононов, «Сиёсий репрессиялар қурбонларини реабилитация қилиш тўғрисидаги» Россия Федерацияси қонунининг ишлаб чиқиш тарихи тўғрисида’, А. Даниель, Л. Еремина, Е. Жемкова та=ририда., *Реабилитация ва Хотира*, (Memorial – Zvenya, Москва 2016), 16 б.

143. Қаранг, юқоридаги изоҳ 18, Жойнет тамойиллари

144. Ҳалдерман, 31- тамойил 31, *Жазосиз қолмаслик тамойиллари*, 337- б.

145. Қаранг, масалан., фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддаси, ирқчиликнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги халқаро Конвенциянинг 6-моддаси, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-кимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши конвенциянинг 14-моддаси, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 39-моддаси, инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка низомининг 7-моддаси, инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенциясининг 25-моддаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг 13-моддаси. Конго Демократик Республикаси ҳудудида қуролли ҳаракатлар (Конго -. Уганадага қарши) (Хўжм) [2005й.] ICJ Rep 168; ва Ишғол қилинган Фаластин ҳудудида дөвор қуришининг ҳуқуқий оқибатлари (маслаҳат макомидаги фикр) [2004-й.] IICJ Rep 136.

146. Қаранг, мас. Де Шелтон, *Халқаро Инсон ҳукуқлари қонунчилигида ҳимоя воситалари* (2d таҳрир, OUP 2006) 238; К Бассиоуни ‘Ҳуқуқбузарликлар қурбонларини халқаро тан олиш’ (2006) 6(2) Инсон ҳукуқлари қонунчилиги шархи 203-79, 217.

147. 8-модда.

муносабатларга ва жазоларга қарши Конвенциясида (БМТҚҚДа) ҳам назарда тутилган ва бу иккала ҳужжат ҳам Ўзбекистон томонидан ратификация қилинганды.<sup>148</sup>

“Самарали ҳуқуқий ҳимоя” олиш ҳуқуқи давлатларга ўз табиатига кўра салбий ҳамда ижобий бўлган мажбуриятлар қўяди. Яъни, улар ҳуқуқни амалга оширишда ва бирор эзгу иш қилиш ва хизмат кўрсатиш ишларига аралашмасликни талаб қиласди.<sup>149</sup> Бундан ташқари, “самарали ҳуқуқий ҳимояда” процесдуал ва мазмуний таркиб мавжуд бўлиб, иккала қисмда ҳам ҳукумат вакилларининг ўз хизмат вазифаларини сустеъмол қилишидан жабрланган шахсларнинг суд ёки маъмурий орган<sup>150</sup> орқали ҳуқуқий ҳимоя процедураларидан фойдалана олиши ҳамда бундай жабрланган шахслар кўрган заарни тегишлича қоплашини назарда тутади.

«Репарация» атамаси кўпинча инсонни асоссиз, ноқонуний хетдан еки озодлигидан маҳрум қилиш, қийноқлар ва ноқонунний муомала қилишнинг бошқа турлари ҳамда суд ишининг адолатли олиб борилиши ҳуқуқи каби инсон ҳуқуқларининг ўта жиддий тарзда бузилганлиги учун жиддий моддий товон олишни англатади<sup>151</sup>. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси каби кўплаб ҳалқаро битимлар органлари репарациялар ва «самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасини олиш» ҳуқуқи ўртасидаги ички узвий боғлиқликни такроран таъкидлаб келишган.<sup>152</sup> Худди шу каби, ҚҚДа ҳам конвенциянинг 14 -моддасида қўлланилган «қоплаш/зиён учун товон бериш» атамаси «самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари» ва «репарацияларни» бирга қамраб олиши каби кенгрок маънода тушунилади.<sup>153</sup>

### **Репарация ҳуқуқининг қўлланилиш ҳоллари**

***Репарация қилиши ҳуқуқи жабрланганлар кўрган барча заарларни қамраб олади; у ҳалқаро қонун ҳужжатларида назарда тутилган аввалги ҳуқуқий мақомини тиклаш, зиён учун товон тўлаши, реабилитация ва сатисфакция чора-тадбирларини ўз ичига олиши шарт.***<sup>154</sup>

Судларда ва маъмурий иш олиб боришлардан фойдаланиш процесдуал ҳуқуқига қўшимча тарзда, жиддий ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар ҳуқуқбузарликларнинг тури ва оғирлигига уларнинг алохига содир этилганлиги ёки оммавий хусусиятга эга бўлганлигига боғлиқ равишда репарациянинг бошқа турларини олиш ҳуқуқларига эга. 1976-йилнинг ўзидаёк ФСХХБда ноқонуний ҳибсга олиниш ёки ҳибсда сақланишга дучор қилинган шахсларга зиён учун товон олиш ҳуқуқи тан олинган.<sup>155</sup> БМТҚҚДнинг 14-моддасида қийноқлардан жабрланганлар “имкони борича тўла раебилитация қилиш воситаларини” ҳам ўз ичига олган “зарар учун товон” олиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган.

148. 2(3)(а)-модда, ФСХХБ, 13-модда, БМТҚҚ.

149. Ҳалдерманн, 31 тамойил, жазосиз қолмаслик тамойиллари, 337- б.

150. Гросман, 370- б, 3- банд.

151. Қаранг: Ҳалқаро Юристлар Комиссияси, инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишида ҳуқуқий ҳимоя олиш ҳуқуки, кайта ишланган таҳрир, (2018, окт.), xiii, ушбу ҳаволада <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2018/11/Universal-Right-to-a-Remedy-Publications-Reports-Practitioners-Guides-2018-ENG.pdf>.

152. 2004- йилда ФСХХБ учун берилган № 31 ракамли умумий изоҳ очик матн билан самарали ҳуқуқий ҳимоя олиш ҳуқуки «реституция, реабилитация ва сатисфакция чора-тадбирлари, оммавий хотирлашлар, такрорланмаслик учун кафолатлар ва тегишли қонунлар ва амалийларга ўзгартиришлар киритишни, шунингдек, инсон ҳуқуқларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш» шаклида репарация олиш ҳуқуқини ўз ичига олади, деб эътироф этилган. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, умумий изоҳ № 31, Пактга қўшилган давлатларга юқлатилган мазмуни (табиати), CCPR/C/21/Rev.1/Add. 13 (2004й, 26 май) 16 -баннда.

153. Қийноқларга қарши қўмита, умумий изоҳ № 3, Кўшилган давлатларнинг 14- моддани жорий қилишлари, CAT/C/GC/3 (2012й, 19- ноябрь) 2-банд.

154. 34 Тамойил, янгиланган [[Бирлашган Миллатларнинг] инсон ҳуқуқларини жинояларни жавобсиз қолдиришга қарши кураш орқали ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш тамойиллари мажмуи, UN DocE/CN.4/2005/102/Add.1 (2005й, 8 февраль).

155. 9(5) модда.

Кейинчалик, инсон хукуклари бўйича битимлар ва бажарилиши мажбурий бўлмаган юмшоқ қонуний воситаларда давлатларнинг зиённи қоплаш учун товоң билан таъминлаш бўйича бундай турли мажбуриятлари кенгайтирилди ва бирлаштирилди.<sup>156</sup> Улар қаторига БМТнинг “Инсон хукуқларини қонунсизлик билан кураш орқали ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш тамойиллар мажмуу”<sup>157</sup> ҳамда Инсон Хукуклари Кўмитасининг ФСХХБнинг Факультатив Протоколининг талабларига мувофиқ, репарация чора-тадбирлари бўйича кўрсатмалар”<sup>158</sup> киради. Бироқ репарациялар хукуки бўйича барча масалаларни қамраб оловчи баёнот БМТ бош ассамблеяси томонидан 2005- йилда қабул қилинди. Халқаро Инсон Хукуклари бўйича хукукнинг қўпол бузилиши ва халқаро гуманитар хукукнинг жиддий бузилиши курбонлари учун хукукий ҳимоя ва репарация қилиш хукуки бўйича асосий тамойиллар ва кўрсатмалар (‘Репарация тамойиллари’) *аввалги хукуқларини тиклаш, компенсация, реабилитация талабларини қондиришини*, (‘Репарация тамойиллари’) *аввалги хукуқларини тиклаш, зарарни қоплаш, реабилитация, сатисфакция* ва қайта такрорламасликка кафолатлар беришни репарацияларнинг бир тури, деб тан олиш ва бу тушунчаларнинг ҳар бирига таъриф бериш билан тегишли, самарали ва ўз вақтида тез амалга ошириладиган репарация хукуқини қайтадан тасдиқлади. 33-саҳифада келтирилган 1-жадвалда репарация чораларининг ҳар бирига умумлаштирилган таъриф берилган, ўз навбатида куйида уларни тавсифи келтирилади.

### **Аввалги хукукий мақомни тиклаш**

Репарация тамойиллари таркибидаги 19-тамойил жабрланувчининг ҳолати инсон хукуклари қонуни талаблари қўпол бузилиши содир этилганидан олдинги ҳолатга тикланиши лозимлигини назарда тутади. Бу «тегишли равища: озодликни тиклаш, инсон хукуқларидан, ўзлиги, оилавий ҳаёти ва фуқаролик хукукларидан фойдаланиш, ўз яшаш жойига қайтиш, иш билан таъминланиш ва мол-мулкни қайтаришни ўз ичига олади.» Ўз хукуклари, ҳолатини қайта тиклаш инсоннинг жамиятга қайтиши учун жуда муҳимдир. 1-жадвалда умумлаштирилган рўйхат тўлиқ эмас ва хукуки, ҳолатини қайта тиклаш бўйича ислоҳ қилиш чоралари хукуқбузарликнинг турига ва оғирлигига боғлиқ бўлади.<sup>159</sup>

Кўплаб давлатлар собиқ сиёсий маҳбуслар учун тарихларининг тозалиги жамиятга қайта қўшилиб кетиш учун ўта муҳимлигини тан олиб, уларнинг хукуқларини қайта тиклайдиган чора-тадбирларни қонунчиликка қиритганлар. 1990-йилда Чехия Республикасининг қонунчилик органи судланганлик ҳолатини бекор қилиш қонунини қабул қилди ва бу қонун судланганлик хукмларини бекор қилди ҳамда қўпчилиги сисёсий сабабга эга бўлган айбловлар билан қаматилган 230000 нафар шахсга оқлов ҳукми чиқариш учун қўлланилди.<sup>160</sup> Ушбу қонун

156. 1985- йилда қабул қилинган жиноят ва хизмат лавозимини сустеъмол қилиш курбонлари учун адолатнинг асосий тамойиллари декларацияси давлат амалдорлари ёки расмий, квази-расмий мақомда амал қилувчи вакиллари маҳаллий қонунларни бузган бўлса, курбонлар бундай расмий шахслар етказган зарар учун улар тегишли бўлган давлатдан реституция олишлари керак. 11 банд.

157. *Юқоридаги изоҳ.* 158.

158. Инсон хукуклари қўмитаси, ССPR /C/158, 2016-й, 30- ноябрь.

159. Масалан, инсоннинг ишини судда адолатли кўриб чиқилишига бўлган хукуки бузилганда, реституция доирасидаги хукукий ҳимоя қилиш воситаси суд карорини бекор қилишни ва янги суд ишини очишни ҳам ўз ичига олишини назарда тутилиши лозим. Қаранг, мас., Санжар Исмоилов Ўзбекистонга қарши ишда, ИХҚ жабрланувчи адвоқат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган ёки ўзига қўйилаётган айбловларнинг маъно-мазмунини билмаган. Давлат томони эса муаллифга «Битимда қатъий белгилаб қўйилган барча кафолатларга мувофиқ қайтадан суд маҳкамаси ёки қамоқдан озод қилиниши, шунингдек, тегишли репарациялар берилиши, жумладан, зарарни тўлаши лозим деб топган. БМТнинг Инсон хукуклари бўйича қўмитаси, Санжар Исмоилов Ўзбекистонга қарши, 2011 йил 25 март Шарҳлари, № 1769/2008, 9-банд.

160. № 110/1990 рақамли акт, <http://www.ustrcr.cz/en/chronology-coming-to-terms-with-the-totalitarian-past>

шунингдек, сиёсий сабабларга кўра ўқишдан ҳайдалган талабалар, ишдан бўшатилган ишчи-ходимлар ва ўз иш жойларига қайта тикланишни хохлашлари мумкин бўлган, бирок вафот этган бундай шахсларнинг қариндошларининг хукуқлари ҳам тикланди.<sup>161</sup> Худди шу каби, Руминияда ҳам хукуқий реабилитацияни кўзда тутувчи қонун мавжуд бўлиб, бу хукуқий реабилитация суд ўтказадиган баҳолаш натижаси асосида суд хукми сиёсий сабабларга асосланиб чиқарилгани аниқланган тақдирда, судланганликни бекор қилиш ёки суд хукмини ўчириб ташлаш «қонуни асосида айбловларни бекор қилишни» ўз ичига олди.<sup>162</sup> Баъзи мамлакатларда ҳолат, хукуқларини тиклаш чоралари факат судланганликни бекор қилишдан иборат бўлмаган. Масалан, Албанияда, собиқ сиёсий маҳбусларни реабилитация қилиш учун қабул қилинган қонун унвонлар, мукофотлар ва иш жойларини ҳам тиклашни назарда тутган.<sup>163</sup>

Собиқ сиёсий маҳбусларнинг ҳолат, хукуқларини тиклаш турли шаклларни олди. Бразилияда давлат хизматидаги ёки ҳарбий хизматдаги лавозимларини йўқотганлар ўзларининг олдинги лавозимларига тикланиш орқали фаол хизматга қайтиш мақсадида мурожаат қилишлари мумкин бўлди. Аризаларни юқори ҳукумат органлари тайинлайдиган ариза берувчинин суд-хукуқ ва маъмурӣ органларнинг ҳеч бўлмагандан уч вакилидан иборат «қўмиталар» кўриб чиқкан ва улар бўйича қарорлар қабул қилган<sup>164</sup>. Пиночет режими минглаб ҳукумат ходимларини сиёсий сабабларга кўра ўз лавозимларидан бўшатган Чилида, ўша даврда янги президент Айлвин сиёсий сабабларга кўра ишдан бўшатилган шахсларни ишларига қайта тиклаш учун давлат сектори муассаса, ташкилотларига кўрсатма берди. Аргентинада мафкуравий, сиёсий сабабларга кўра ёки касаба уюшмасига мансублиги туфайли ишдан кетишга мажбур қилинган ўқитувчилар, ҳукумат ходимлари, давлат банклари ва компанияларининг ходимлари ҳамда ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг ҳолатлари, ишларида қайта тиклашни таклиф қилишни назарда тутадиган қонунлар қабул қилинди.<sup>165</sup>

161. Роман Дэвид ва Сьюзан Чои Юг-пинг, Ўтиш даври суд тизими қурбонлари: Чехия Республикасида инсон хукуқларининг бузилиши учун репарациялардан олинган дарслар, 27 -инсон хукуқлари бўйича ҳар чорақда чиқадиган ҳисобот 393-435 (2005): 399.

162. Ливиния Стан, Коммунистик тизимдан кейинги Руминияда ўтиш даври суд тизими: Хотира сиёсати: 166, 174 (2013).

163. Ливиния Стан, коммунистик тузимдан кейинги Руминияда ўтиш даври суд тизими: Хотира сиёсати (2013): 164.

164. ЎДАТМХМ эксперти.

165. Қаранг: Лей 23238, 1985й. 28 сентябрь. Яна қаранг: Артуро Каррильо ва Жейсон Пальмер, ҳалкаро қонунчилик ва амалиётда ўтиш даврида оммавий шикоятлар бериш жараёнлари (ЎДОШБЖ) (2010): 359 и. 86.

## 1 - жадвал.

РЕПАРАЦИЯ ТУРЛАРИ	МАХСУС ЧОРА
Ҳолат, ҳуқуқларни тиклаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Озодликни тиклаш</li> <li>• Ҳукмни бекор қилиш</li> <li>• Қайда суд ишини ўтказиш</li> <li>• Мол-мулкни қайтариш</li> <li>• Яшаш жойига қайтариш</li> <li>• Иш жойида тиклаш</li> </ul>
Компенсация	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Йўқотилган маблағлар</li> <li>• Жисмоний зарар</li> <li>• Тиббий хизматлар учун харажатлар</li> <li>• Маънавий ва жисмоний зарар ( зарар ва азоб-уқубатлар)</li> <li>• Мол-мулкка етган зарар</li> <li>• Ҳуқуқий хизматлар ва бошқа хил эксперт хизматлари</li> <li>• Оила- аъзоларига етказилган зарар</li> </ul>
Реабилитация	<p>1.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тиббий хизматлар Руҳий-маънавий хизматлар</li> <li>• Ижтимоий хизматлар</li> <li>• Жабрланган шахснинг иззат-хурмати, номини тиклаш</li> </ul>
Талабларни қондириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Жабрланган шахс ёки унинг мурдаси жойлашган жойни қидириш</li> <li>• Қийноклар содир бўлган ҳолатарни тергов қилиш ва айборларга чоралар кўриш;</li> <li>• Ошкора кечирим сўраш/жавобгарлик ҳакида баёнот қилиш</li> <li>• Ҳақиқатни очиқлаш</li> <li>• Хотира тадбирлари</li> </ul>

### Зиённи қоплаш

Зиённинг қопланиши одатда пул маблағлари шаклида бериладиган ва жабрланган шахс ишлаб топиши мумкин бўлган, бироқ топа олмаган, яъни йўқотилган даромад жисмоний ёки маънавий зарар ва ҳуқуқий хизматлар ҳамда бошқа турдаги эксперт хизматлари харажатлари (1-жадвалга қаранг) каби заараларни қоплаш ҳуқуқлари учун моддий фойда шакли ҳисобланади.

Зиённи қоплаш миқдори нуқтаи- назаридан, кўп ҳолларда бўлганидек, у “шунчаки рамзий” эмас, балки “адолатли ва етарли” бўлиши лозим.<sup>166</sup> Заараларни хисоблаш жараёнида, зиённи қоплаш ҳуқуқбузарликдан келиб чиқсан, иқтисодий жиҳатдан аниқланса бўладиган зарар учун берилиши.<sup>167</sup> Масалан, ноконуний ҳибсда сақлаб туриш натижасида йўқотилган даромад ҳолатида, Халқаро Юстиция Суди зиённи қоплаш таркибиага агар шахс ҳибсда сақланмагандা ишлаши мумкин бўлган даромад миқдори ҳам киритилиши лозимлигини тан олди.<sup>168</sup> Баъзи халқаро судлар йўқотилган даромадлар миқдорини ҳуқуқбузарлик содир қилинганидан олдин ишлаган даромадлари ёки маҳаллий қонунчиликка кўра минимал иш ҳаққи миқдори

166. Қаранг, мас., ХРВ, *Гриффин Испанияга қарши*, Билдириш хати №. 493/1992.

167. Репарациялар тамойиллари. 20 тамойил.

168. Халқаро адлия суд, Ахмадоу Садио Диалло Конго Демократик Республикасига қарши (товоң тўлаш), 2012 йил 19 июня даги ҳукм, 40-банд.

асосида ҳисоблайдилар.<sup>169</sup> Баъзи ҳолларда, йўқотилган даромадлар учун зиённи қоплаш жабрланганларнинг оила-аъзоларига ёки инсон ҳукуклари бузилишининг бошқа билвосита жабрланувчиларига берилади.<sup>170</sup>

Америкалараро суд ҳам, Европа Инсон Ҳукуклари Суди ҳам жабрланганларга улар азоб-укуубат кўрган ёки бошқа руҳий ёки жисмоний зарар кўрган бўлса, маънавий зарар (моддий бўлмаган зарар) учун товон тўлашни буюради.<sup>171</sup> Жабрланган шахс ўзи бошидан кечирган маънавий зарарни намойиш этиши шарт эмас, бироқ жуда қўпол ҳукуқбузарликлар назарда тутилиши мумкин.<sup>172</sup>

Шаркий Европа ва Жанубий Американинг авторитар режимлари қулаганидан кейинги оммавий ҳукуқбузарликлар ҳолатларида, давлат амалиётида тўловлар учун маъмурий ёндашувларни афзал кўрилган ва одатда зиённи қоплашлар ҳар бир шахс бошидан кечирган барча зарарни аниқлаш ўrniga, шахсларнинг “сиёсий маҳбуслар” каби кенг қамровли тоифаларини ўrnatiб тўланган.<sup>173</sup> Аргентина ҳукумати 1976-1983 йиллардаги ҳарбий диктатуранинг сиёсий маҳбуслар учун ноқонуний ва узоқ муддатли ҳибсга олганлик зиённи тўлади. Зиён учун товон сифатида тўлов олувчилар жумласига нафақат собиқ маҳбуслар, балки қамоқхонада вафот этганларнинг оилалари, шунингдек, оналари қамоқхонада түккан болалар ҳам киритилган. Тўловлар миқдори турлича бўлиб, ҳибсда сақланган кунлар сонини энг юқори ҳак тўланадиган давлат хизматчисининг кундалик иш ҳақига кўпайтиришга асосланган эди, лекин максимал миқдори тахминан \$ 220000 баробар қилиб белгиланган.<sup>174</sup>

Филиппинда 2013 йилда қабул қилинган репарациялар ҳақидаги қонун инсон ҳукуклари поймол қилинишини тўрут тоифага бўлади, улар қаторига узоқ вақт ва асоссиз, ўзбошимчалик билан ҳибсда сақлаш ҳам киритилган; агар жабрланган шахс қийноқ ва жинсий зўрланиш каби ҳукуқбузарликларни ҳам бошидан кечирган бўлса, зиённи қоплаш миқдорига ўзgartиришлар киритилади.<sup>175</sup> Албаниянинг собиқ сиёсий сабабларга кўра судланганларга зиён учун товон тўлаш қонунига кўра, сиёсий маҳбусларга қамоқда ўтказган вақтлари билан бир қаторда, қамоқхона касалхоналарида ва руҳий хасталиклар касалхоналарида ўтказган вақт учун ҳам товон тўланган.<sup>176</sup> Чехия Республикаси сиёсий маҳбусларнинг оилалари ва меросхўрларини ҳам мустабид режимнинг қурбонлари сифатида тенг ҳукуқли асосда қўшган. Қўшимча ҳукуқий реабилитация ҳақидаги қонунга (Актга) мувофиқ, қурбонлар, жабрланганлар ёки қатл қилинганлар ёхуд, ҳибсда сақланаётган вақтда вафот этганларнинг меросхўрларига молиявий

169. Қаранг: масалан, Инсон ҳукуклари бўйича Америкалараро Суд, Виллагран Моралес ва бошқа. Гватемалага карши, серияси С № 95, Репарациялар, (2001й, 26 Май), 79-банд.

170. Қаранг, мас., *Исаева Россия Федерациясига қарши*, Европа суди ўғли вафот этган она ЕИХКнинг 2-моддасини бузган ҳолда ўғлининг ўлимига сабаб ва оқибат алоқадорлиги мавжудлигини ва ўғли хаёт бўлганда онасига бера олиши мумкин бўлган молиявий ёрдамнинг йўқотилганлигини исбот қилганидан кейин онанинг фойдасига зарарни қоплаш зарурлиги ҳақида ҳукм чикарди. Инсон ҳукуклари бўйича Европа суди, Исаева Россия Федерациясига қарши, 2005й. 24 февраль, 234-банд.

171. Қаранг: мас., *Инсон ҳукуклари бўйича Европа суди, Орҳан Туркияга қарши, № 25696/94, 2002 йил 18 июндаги ҳукм*, 443-банд, <http://hudoc.echr.coe.int/eng?i=001-60509>.

172. *Инсон ҳукуклари бўйича Европа суди, Орҳан Туркияга қарши, № 25696/94, 2002 йил 18 июндаги ҳукм*, 443-банд.

173. Гросман, 375 б., 27-банд.

174. Батафсил тавсиф учун, қаранг: Мария Хосе Гуембе: «Инсон ҳукукларининг ўта қўпол бузилиши учун иқтисодий репарациялар: Аргентина тажрибаси» Репарациялар маълумотномасида, ушбу ҳаволада <http://www.oxfordscholarship.com/view/10.1093/0199291926.001.0001/acprof-9780199291922>

175. «Маркос режими даврида инсон ҳукуклари бузилиши қурбонларига репарациялар бериш ва уларни тан олишни назарда тутувчи Қонун» деб номланган Республика қонуни 10368 (2013)»» ва ушбу ҳаволада [http://hrvclaimsboard.gov.ph/images/DOWNLOADABLES/RA\\_10368-BSA.pdf](http://hrvclaimsboard.gov.ph/images/DOWNLOADABLES/RA_10368-BSA.pdf)

176. <http://www.arct.org/index.php/historical-memory/post-communism/207-ligji-per-demshperblimin-e-ish-te-denuarve-politike>

тўлов олиш имконини берган.<sup>177</sup>

Баъзи ҳолларда тўловлар миқдори ҳақиқат<sup>178</sup> ёки *репарациялар* (кўп ҳолларда “реабилитация” комиссиялари деб аталадиган) *комиссиялари*<sup>179</sup> каби ҳалқаро ёки маҳаллий маълумотлар олиш/йифиш қўмиталаридан тавсиялар олингандан сўнг белгиланади. Масалан, Жанубий Африканинг Ҳақиқат ва Қайта Тиклаш Қўмитаси пировард натижада тўланган \$4000 га тенг маблағ миқдори тавсия қилинган миқдордан кам бўлган бўлса ҳам, апартеид қурбонларига тўловлар тўлаш учун бундай тавсиялардан бирини киритган.<sup>180</sup>

Қирғизистонда, бу мамлакат учун асос солинган Қирғизистон Ҳалқаро Маълумотлар Йиғиш Қўмитаси ҳукумат 2010 йилда миллатлараро зиддиятларда аҳолини ҳимоя қила олмаган, деб топган ва заарларни қоплаш ҳамда реабилитация учун тегишли моддий товоң тўлашини тавсия қилган ва мамлакат ҳукумати 2011-йил май ойида зиён туфайли товоң тўлашини учун маҳсус қарорга имзо чеккан.<sup>181</sup> Ушбу қарорнинг шартларига кўра, агар суд кўрилаётган қурбонларни ҳукуқбузарликларда айбдор деб топмаса, ўлдирилган ёки дом-дараксиз йўқолган шахсларнинг оилаларига 1 миллион Қирғиз Сомидан (\$21245),<sup>182</sup> тўлашини лозим. Жиддий жароҳатлар, зарар кўрган шахслар 100000 Қирғиз сўмидан (\$2143), ва унча жиддий бўлмаган зарар, жароҳат олган шахсларнинг оилаларига 50000 қирғиз сомидан (\$1071) тўланган.<sup>183</sup> Репарациялар дастурида жуда кўп камчиликларга йўл қўйилган бўлсада,<sup>184</sup> ҳеч бўлмаса, ушбу амалиёт давлатнинг зиённи қоплаш масъулияти ва мажбуриятини тан олиши ҳукуматга ишончни тиклашга хизмат қилди.

Қуйидаги Реабилитация ва Репарациялар бўлимида, “репарациялар” ёки “реабилитация” комиссиялари, ёки қўмиталарни хусусан, кенгроқ ваколатларнинг бир қисми сифатида собиқ совет давлатлари ва дунёнинг бошқа давлатларидаги собиқ сиёсий маҳбуслар масалалари билан шугулланадиган комиссия ва қўмиталар ҳакида маълумотлар келтирилган.

## Реабилитация

Асосий Тамойилларда реабилитациянинг “тиббий - маънавий ғамхўрлик, ҳамда ҳукуқий ёрдам ва ижтимоий хизматларни” ўз ичига олиши тушунтирилади холос.<sup>185</sup> Қийноқлар каби инсон ҳукуқлари поймол қилингандик қурбонлари бошқалардан кўра кўпроқ касалликлар ва руҳий хасталикларга дучор бўлишлари кузатилади ва шу сабабдан, бундай хизматлар уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашнинг ва ақлий қобилиятнинг пасайишини олдини олишнинг самарали

177. Роман Дэвид ва Сьюзан И Чой, «Чехияда кечиримлилик ва ўтиш даври суд тизими», Можароларни ҳал қилиш журнали, 2006 йил июнь, 346.

178. 6 ва 7 тамойилларга қаранг, Жойнет тамойиллари, юкори изоҳ 158.

179. Қаранг, масалан: Rapport de la Commission de réhabilitation sur son activité pendant les années 2004 à 2008, Arrêté fédéral du 13 décembre 1996 concernant les recherches historiques et juridiques sur le sort des avoirs ayant abouti en Suisse à la suite de l'avènement du régime national-socialiste (RO 1996 3487).

180. Гросман, 375 б., 28 б.

181. Ҳукумат ушбу комиссия хисоботида мухолифий мазмундаги таркибий қисмлар борлиги, унинг раисини мамлакатга киритмаслик ҳакида қарор чиқарилганлигига (персона нон грата деб эълон қилишига) қарамай, ушбу ишларни амалга ошириди. Қаранг: Жим Николь, Қирғизистон: сўнгти ўзгаришлар ва АҚШ манфаатлари (2013й., 30 август): 7.

182. Наташа Ефимов, “Қирғизистон Ўш қурбонларининг оилаларига пул тўламоқчи: буни адолатли амалга ошираса бўладими?”, 2011й. 14 май <https://eurasianet.org/kyrgyzstan-to-pay-osh-victims-families-can-it-be-done-fairly>, accessed 18 September 2020.

183. Ўша ерда.

184. Жараён адолат, ошкоралик ва аниқлик йўқлиги сабабли танқид қилинди. Қаранг, масалан. Наташа Ефимов, “Қирғизистон Ўш қурбонларининг оилаларига пул тўламоқчи: буни адолатли амалга ошираса бўладими?”, 2011й. 14 май, <https://eurasianet.org/kyrgyzstan-to-pay-osh-victims-families-can-it-be-done-fairly>, 202й. 18-сентябрь куни кўрилган.

185. Репарациялар тамойиллари, 21- тамойил.

воситаси ҳисобланади.<sup>186</sup>

БМТ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси Давлатлар қийноқлар ва ноқонуний муомала курбонларини зарур тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш йўли орқали реабилитация хизматлари билан таъминлаш мажбуриятлари бор деб белгилади.<sup>187</sup> Тизимли қийноқлар масаласида, ҚҚҚ давлатларга ўз ҳалқаро мажбуриятларига риоя қилган ҳолда, қийноқлар туфайли жабрланганларни, жумладан, бундай жабрланганлар учун реабилитация ва ёрдам режаси белгилаш орқали “ижтимоий реабилитация” билан таъминлашлари лозим, деб тавсия берди.<sup>188</sup> Ўзининг № 3 умумий шархида, ҚҚҚ реабилитация жабрланувчининг қийноқ ёки ноқонуний муомала натижасида ўзгарган ишлай олиш (амал қила олиш) кобилиятини тиклашни ёки ўзгарган шароитда зарур бўлган кўнукма-малакаларни олиш ҳаракатларини англатишини батафсил тасвиirlаб берган. БМТнинг қийноқлар бўйича собиқ маҳсус ҳисобот тайёрловчиси Манфред Новак (Manfred Nowak) ҚҚҚ қийноқлардан азият чекканлар учун реабилитация марказлари ташкил этилишини ва бундай марказлар тирик қолганлар учун яхлит даволаниши таъминлаши кераклигини талаб қилишини таъкидлаган.<sup>189</sup>

Давлат амалиётлари масаласида, бошқалар қаторида, Чили, Перу ва Марокашда тиббий хизматлар, жумладан руҳий-маънавий муолажа қилиш репарация дастурларининг бир қисми сифатида киритилган.<sup>190</sup> Масалан, Чили ҳукумати инсон ҳуқуқлари поймол бўлиш амалиётидан жабрланганлар, жумладан, сиёсий маҳбуслар ва уларнинг оиласлари учун, “Давлатнинг Пиночет режими даврида инсон ҳуқуқлари поймол бўлишидан жабрланганларга ёрдам беришга тайёрлигини” намойиш қилишнинг бир кўриниши тарзида кенг қамровли соғлиқни сақлаш дастури *Programa de Reparacion y Atencion Integral de Salud* ёки PRAIS дастурини қабул қилган.<sup>191</sup> Дастурнинг энг муҳим афзалик томонларидан бири унинг кўп босқичлилигида бўлиб, дастурда 190 000 дан ортиқ тирик қолган инсонларга уларнинг ҳуқуқлари бузилиши, қийноқлар курбонларига, мажбурий йўқ қилинишлар ва асоссиз, қонунга хилоф равища хибсга олишлардан жабрланганларга тиббий хизматлар кўрсатилишини таъминлаган.<sup>192</sup> Асосий диккат-эътиборни жабрланганларга қаратиш ёндошувига устуворлик бериб, PRAIS дастури фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ҳамкорлик ва биргаликда илгари сурилган ташабbusларни ҳам қамраб олди.<sup>193</sup>

Руминияда қабул қилинган қонун кучига эга фармонларга мувофиқ, собиқ маҳбуслар бошқа имтиёзлар қатори, жамоат транспортидан бепул фойдаланиш; давлат тасарруфидаги клиникалар ва шифохоналарда малакали тиббий даволаниш; бир йилда 12 марта поездларда бепул саёҳат қилиш; бир йилда бир марта давлат тасарруфида бўлган соғлиқни сақлаш дам олиш масканларида бепул даволаниш; телефон линияларидан бепул фойдаланиш ва қабристонда

186. Қонун устуворлиги воситалари, 22.

187. Қаранг: мас., Раул Сендик Антонассио Уругвай ҳукуматига қарши, билдиришнома раками 63/1979, UN Doc. CCPR/C/14/D/63/1979 (Oct. 28, 2981), ушбу ҳаволада <http://hrlibrary.umn.edu/undocs/newscharts/63-1979.html>;

188. Қийноқларга карши қўмитанинг якуний шарҳлари: Чад, CAT/C/TCD/CO/1, (June 4, 2009), paras 17 – 20.

189. БМТ Бош Ассамблеяси, Инсон ҳуқуқлари кенгашининг қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки камситувчи муомала ёки жазо бўйича маҳсус маъruzачисининг оралиқ ҳисоботи, UN Doc A/65/273 (10 August 2010).

190. Ўша ерда., п 18, 24.

191. 205 PRAIS дастури ҳакида тез-тез сўраладиган саволлар ва жавобларни ушбу ҳаволада қаранг [http://prais.redsalud.gob.cl/?page\\_id=36](http://prais.redsalud.gob.cl/?page_id=36) (испан тилида)

192. Ўша ерда.

193. Ўша манба.

ўзи учун бепул қабр жойи ажратилиши хукуқига эга бўлиши мумкин<sup>194</sup>. Чехия Республикаси дастурига маҳкумларни ёки уларнинг ворисларини улар тўлаган хукукий хизматларга кетган харажатлар ва суд жарималарини қоплаш киритилган.<sup>195</sup>

## Сатисфакция

Репарациялар тамойилларига кўра, сатисфакция давлатнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар фактини омма олдида тан олиши, ҳақиқатни излаш, жавобгарликка тортиш каби рамзий ва олдини олиш (профилактик) чора-тадбирларни англатади. Улар якка шахсга каратилган эмас, балки умумий характердаги зиённи қоплаш ҳисобланиб, жабрланганларнинг оғир қисматини тан олиш, хукumatга нисбатан ишончни қайта тиклаш ва существо мол қилиш ҳолатларининг олдини олиш учун хизмат қилиши мумкин.

Репарациялар тамойилларида сатисфакция чора-тадбирлари мисолларига қонунбузарликларнинг табиатини, жумладан, аниқ тарихий фактларни дарслкларга киритиш, жамоат олдида кечирим сўрашлар ва жавобгарликни тан олишнинг бошқа шаклларини ошкор этиш, ҳамда қонунбузарликларни тергов қилиб, ишларни судгача олиб бориш ва жиноятчиларга жазо хукмларини чиқаришга олиб бориш киради. *Ал Марси ва Собиқ Югославиянинг Македония Республикаси*,<sup>196</sup> орасидаги суд ишида, Европа Инсон Хукуклари Суди инсон хукуқларининг қўпол бузилиши ҳақида “ҳақиқатни” билиш ёки улар ҳақида маълумотларни олишга бўлган хукуқни тан олди, бу эса Репарация тамойилларига мувофиқ сатисфакциянинг бир шаклини ташкил этади.<sup>197</sup>

Америкалараро Инсон Хукуклари Суди кенг кўламда сатисфакция чора-тадбирларини ўтказишга хукмлар чиқарган, масалан, ушбу суд давлатлардан мурдаларни қидириш, тергов ишлари олиб бориш, қарорларни жамоатчилик олдида эълон қилиш ва жавобгарликни тан олишни, ва ҳатто, битта мактабга қурбонлар номини беришни талаб қилган.<sup>198</sup> Қийноқлар содир этилган ишларда, Инсон Хукуклари Қўмитаси Ўзбекистон хукуматидан “муаллифнинг қийноққа солингани ҳақидаги иддаолари юзасидан тўлиқ ва самарали тергов, текширув олиб бориш, жиноятчиларни жавобгарликка тортиш ва уларни тегишли санксиялар билан жазолаш, етарли миқдорда товоң тўлаш ва тегишли сатисфакция чораларини кўришни буюрган”<sup>199</sup>.

Репарациялар нафақат молиявий ёки бошқа даромадларни англатади, балки “маънавий қадриятларни яратишни” ҳам англатади”.<sup>200</sup> Содир этилган ёвузиликларни тан олиш ва жабрланганларнинг аянчли қисматини тан олишга бўлган ҳаракатлар айни шу асосларда юзага

194. Коммунистик диктатура томонидан сиёсий сабабларга кўра таъкиб қилинган шахсларга баъзи хукуқ бериш тўғрисидаги қонун кучига эга 118/1990-ракамли фармон; 1945-йил 16-мартдан 1989-йил 22-декабргача сиёсий сабабларга кўра чиқарилган суд хукмлари ва жазолар ҳақидаги 221/2009- ракамли қонун; шунингдек, яна қаранг: Лавиния Стан, Руминияда коммунистик ўтмишни инобатга олиш: баҳолар картаси, 65- Европа-Осиё тадқиқотлар, № 1 (2913-й январь): 138; Лавиния Стан, коммунистик тузумдан кейин Руминияда ўтиш даври суд тизими: Хотира сиёсати (2013): 167.

195. Роман Дэвид ва Сьюзан Чои Юг-пинг, Ўтиш даври Адлия тизими қурбонлари: Чехия Республикасида инсон хукукларининг бузилиши учун репарациялардан олинган дарслар, 27-инсон хукуклари бўйича ҳар чоракда чиқадиган хисобот 393-435 (2005): 399.

196. *Ал Марси Македонани Собиқ Югославия Республикасига қарши* (Хукм) (EctHR) (2012й, 13 декабрь).

197. Репарациялар тамойилларининг 22(b)- тамойили.

198. Моника Ферия Тинта, «Болалар ишларида қийноқларнинг хукукий оқибатлари: Гомес Пакияури ака-укалар Перуга қарши иши, 2009-й. январь, Қийноқ: ҳар чоракда чиқадиган қийноқ қурбонларини реабилитация қилиш ва қийноқларнинг олдини олиш журнали 19(2):118-31; Ҳеннебел Лудовик, *Америкалараро Инсон Хукуқлари Суди: универсализм эҷчиси, Revue Québécoise de droit international, hors-série septembre 2011.* 70 б.

199. Инсон хукуклари қўмитаси, *Сирожиддин Аллабердиев Ўзбекистон хукуматига қарши*, 2017-й. 21-март шархлари, № 2555/2015, 10-банд.

200. Регула Луди, Урушдан кейинги Европада нацизм қурбонларига репарациялар 193 (2012) (Quoting Kurt R. Grossman, Die Ehrenschuld: Kurzgeschichte Der Wiedergutmachung 43 (1967)).

келадиган келажакдаги фожиаларнинг олдини олиш, миллий тотувлик ва барқарорлик учун муҳим ҳисобланади. Рамзий репарациялар қонунбузарликлар, сустеъмол ҳолатларини тан олиш учун муҳим амаллар бўлиб хизмат қилиш ва бошқа воситалар қаторида, қурбонларга ёдгорликлар қўйиш, кечирим сўраб баёнотлар қилишлар, кўчалар ва шаҳарлар номини ўзгартириш, хотира ва маърифий тадбирлар ўтказишида ифодаланиши мумкин.<sup>201</sup> 1991-йилда, Россия совет режимиининг жиноий табиатини ва “сиёсий репрессиялар” қурбонларини тан оловчи 1991-йил реабилитация ҳақидаги қонунни қабул қилди.<sup>202</sup> 2013 йилда Филиппин давлати Маркос диктатураси давридаги сиёсий маҳбусларга моддий ва рамзий тан олишни назарда тутадиган Репарациялар ҳақидаги қонунни қабул қилди.<sup>203</sup>

\*\*\*

Халқаро судлар ва битимлар органларининг амалиётига мувофиқ равища, реституция, зиёнларни қоплаш, реабилитация ва сатисфакция чора-тадбирлари барчани қамраб, барча жиҳатларни ҳисобга олиб қўлланилиши керак. Инсон Ҳуқуқлари Кўмитаси буни Ўзбекистони<sup>204</sup> қийноқлар, шафқатсиз муомала қилиш ва адолатли суд иши ўтазишга бўлган ҳуқуқларнинг бузилишини, тақиқларни бузишда айблаб чиқарган ўнлаб қарорлари билан тасдиқлаган.<sup>205</sup> Бироқ, бирор бир собиқ сиёсий маҳбус ушбу ҳуқукий ҳимоя воситаларининг деярли хеч бири билан таъминланмаган.

### ***Репарациялар учун маҳсус ҳуқуқий режим: Ўтиши даври суд тизими***

Масалан, Холокост фожеалари, Америка Кўшма Штатлари каби жойларда қуллик, мустамлакачилик, Жанубий Африкада апартеид, ёки Сталин давридаги ГУЛАГларининг оқибатлари билан алоқаси бор йўқлигидан қатъий назар, жабрланганларнинг репарациялар ёки реабилитация борасидаги мурожаатлари, талаблари оммавий ҳукуқбузарликлар, зўравонликдан зарар кўрган қурбонларнинг катта гурухларининг талаблари билан боғланадиган бўлди. Бундай шароитларда жабрланганларга репарациялар берилишини таъминлаш билан бир қаторда, жиноятчиларни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш, жабрланганларнинг қаердалиги, зиддиятлар манбалари ҳақидаги ҳақиқатни текшириш ва ошкор қилиш орқали кенг тарқалган, содир қилган жиноятлари учун жазосиз қолиш ҳоллари ва ҳукуқбузарликларнинг тизимли сабабларини ҳал қилиш керак.<sup>206</sup> Инсон ҳуқуқларини поймол қилиниш ҳолатлари узоқ давом этган мустабид тузум ёки куролли тўқнашувлар оқибатида содир этилган бўлса, репарацияларга ўтиши даври суд тизимини таркибига кирувчи кенгроқ кўламдаги механизмлар мажмуининг бир қисми сифатида қаралади.<sup>207</sup>

1990 йиллар бошида пайдо бўлган атама бўлмиш ўтиш даври адлия тизими давлатлар

- 
201. Халқаро ўтиш даври адлия тизими маркази, репарациялар назарияда ва амалиётда 4 (2007), ушбу ҳаволада <http://ictj.org/sites/default/files/ICTJ-Global-Reparations-Practice-2007-English.pdf>
  202. Россия Федерациясининг сиёсий репрессиялар қурбонларини реабилитация қилиш тўғрисидаги федерал қонуни, №. 1761-1 (1991й. 18 окт.).
  203. Қаранг: 2013й. Инсон ҳуқуқлари қурбонларига репарациялар бериш ва уларни тан олиш ҳақидаги қонун, Республика қонуни. №. 10368, Н. №. 5990, С. №. 3334 [http://hrvclaimsboard.gov.ph/images/DOWNLOADABLES/RA\\_10368-BSA.pdf](http://hrvclaimsboard.gov.ph/images/DOWNLOADABLES/RA_10368-BSA.pdf)
  204. Жами 45 бундай иш мавжуд. Қаранг: <http://ccprcentre.org/country/uzbekistan>.
  205. Кўмита Ўзбекистон ҳукуматига Мусаевни самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаси билан таъминлашни буюрди, «шу жумладан: қийноклар ва шавфатсиз муомала ҳақида кўйилган айбловлар бўйича холис, самарали ва пухта тергов ўтказиш ва жавобгарларга қарши жиноий иш кўзғатиш ёки унинг иши Битимда назарда тутилган барча кафолатларга мувофиқ судда қайта кўриб чиқилиши ёки унинг озод қилиниши ва жабрланувчига тўлиқ репарация бериш, жумладан тегишли товон тўлаш. Шунингдек, давлат томонининг келажакда юзага келадиган шу каби қонунбузарликларнинг олдини олиш учун чоралар кўриш мажбурияти бор». ИҲҚ, *Саид Мусаева - Ўзбекистон ҳукуматига қарши*, 21 марта Шархи, №№ 1914, 1915 ва 2012 1916/2009., 11-банд.
  206. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятни жазосиз қолдирисига қарши кураши тамоийлари: Шарҳ A, 5б.
  207. Жойнет тамоийлари, юкоридаги изоҳ 185.

сиёсий ўзгаришлар даврида, масалан бирор зиддият тугатилгандан ёки тоталитар режимни қулагандан кейин жабрланганлар сони одатий шароитларда амал қиласынан адлия тизими шароитидагига қарғанда ҳаддан ортиқ күп бўлган инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилиши меросидан кутулиш мақсадида қўлланган суд ва суд тизимига хос бўлмаган механизмлар мажмуини англатади.<sup>208</sup> Репарациялардан ташқари, бу чора-тадбирлар қаторига жинойи ишларни судда кўриш ва квазисуд ишлари, ҳақиқатни аниқлаш комиссиялари ва олдинги режим билан боғлиқ масъул шахсларни люстрация қилиш каби институционал ислоҳотлар кириши мумкин. Шунинг учун ҳам репарация чора-тадбирлари алоҳида амалга ошириладиган амаллар эмас, балки жабрланганлар учун адолатни тиклаш доирасидан чиқиши мумкин бўлган, давлат институтларига ишончни ва қонун устуворлигини тиклаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар, сунестемолчиликларнинг тақрорланишини олдини олиш каби кенг кўламли ўтиш даври суд тизими ишларининг мақсадларига эришиш механизмлари мажмууаси сифатида қаралиши керак.<sup>209</sup>

Репрессив тузум ва қуролли тўқнашувлардан кейин ўтиш даврини бошидан кечираётган кўплаб жамиятларда сиёсий тузумни ва суд тизимини ислоҳ қилиш, жамиятни тартиб ва муросага келтириш орқали янги миллий ўзликни мустаҳкамлаш учун сиёсий маҳбусларнинг муаммоларини ҳал қилишни назарда тутадиган репарациялар ва реабилитация қонунларини қабул қилинди. Бразилияда репарацияларнинг жорий қилиниши мамлакатни бир неча ўн йиллар давом этган ҳарбийлар бошқарувидан узоклаштириш учун сиёсий ва конституциявий ислоҳотларнинг кенгайтирилган жараёни бошланиши билан бир вақтда амалга оширишга тўғри келди. Марокашда, миллий инсон ҳуқуқлари кенгашига — *Conseil Consultatif des Droits de l'Homme (CCDH)* - юзлаб сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш имконини яратиш вазифаси кўйилди. Бу нафақат озодликка чиқарилган сиёсий маҳбуслар масалалари бўйича, балки ҳукуматга мухолифда бўлган деб ҳисобланиб, ўзаро иқтисодий муносабатлар доирасидан сиқиб чиқарилган,(маргиналлаштирилган) ҳамжамиятларнинг масалалари бўйича ҳам ҳақиқатни тиклаш ва репарациялар дастурини амалга ошириш жараёнига йўл очиб берди.<sup>210</sup>

Чехия Республикасида ўтиш даври суд тизими жараёнлари репарацияларнинг озодликка чиқарилган сиёсий маҳбусларнинг ўзлигини танишига ва демократик институтларни куришни ривожлантиришда қай даражада ижобий таъсир қилишини кўрсатди. “Антикоммунистик мухолифат ва қаршилик иштирокчилари ҳақидаги” қонуннинг қабул қилиниши жамиятда ва тоталитар режимга қаршилик қилган собиқ сиёсий маҳбусларнинг “репрессиялар қурбонлари” мақомидан “қаҳрамонлар” мақомига ўказилиши жамиятда ва собиқ маҳбусларнинг ўзликларини англашида сезиларли ўзгариш ясади.<sup>211</sup> Ҳукумат ўзининг сиёсий маҳбусларни интеграция қилиш ишларини хужжатлаштириш ва архив амалларини бирламчи вазифаси деб белгилади.<sup>212</sup> Тергов ишларини архивлаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш ва давлатнинг ноқонуний ўтказган суд ишларини ҳамда реабилитация қилиш зарур бўлган шахсларни аниқлаш, шу билан бир қаторда ҳақиқат тўлиқ қарор топишини таъминлаш учун маҳсус коммунистик режим жиноятларини хужжатлаштириш ва тергов қилиш идораси тузилди.

208. Қаранг <https://www.ictj.org/about/transitional-justice>.

209. <https://www.ictj.org/about/transitional-justice>.

210. Қаранг <http://www.ictj.org/sites/default/files/ICTJ-Morocco-TRC-2009-English.pdf>; Жеймс Солтер, Марокашда фуқаролик жамияти ва сиёсий ўзгаришлар (2007): 72-73.

211. Бундан ташқари, янги қонун коммунистик тузумга карши чиқканларга бир марталик тўланадиган тўлаш билан 100 000 Чехия Кронаси (тахминан 3000 Евро) миқдорида пул тўланишини таъминлади. МакДермотт, Кевин ва Пинерова Клара (2015.), «Чехославакияда реабилитация жараёни: Партия ва машҳур жавоб реакциялари», МакДермотт, Кевин ва Стриббе, Мэтью, (тахрирлари) Сталинизмдан кутулаётган Шарқий Европа: 1953- йилдан кейин сталинизм қурбонларини реабилитация қилиш. Басингтоук, Палгрейв Макмиллан, 11

212. Роман Дэвид ва Сьюзан И Чой, «Чехияда кечиримлилик ва ўтиш даври суд тизими», *Можароларни ҳал қилиши журнали*, 200-6 йил июнь, 346.

## РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА РЕПАРАЦИЯЛАР КОМИССИЯЛАРИ

Ҳақиқатни қарор топтириш комиссияларидан ташқари, реабилитация ва репарациялар комиссиялари ёки қўмиталари сиёсий маҳбусларни озодликка чиқариш, қонунбузарликлар, сустеъмолчиликларни тан олиш билан уларнинг жамиятга интеграция қилиниши ишларини ривожлантириш, озодликка чиқиш ва репарациялар олиш ҳуқуки бўлган шахсларни аниқлаш учун восита бўлди. Баъзи ҳолларда, бундай муассасалар зиддиятлардан (урушдан) чиқсан ва авторитар ҳукуматлардан кутулган жамиятларда ишончни барқарор қилиш ва тинчликни саклашда ёрдам берди. Хеч бўлмаганда, улар сустеъмолчиликларни тан олиб, жабрланганларга зиёнларни қоплаш ёки бошқа шунга ўхшаш воситалар, баъзан ўта рамзий бўлсада, ислоҳотларни давом эттириш учун туртки берди. Репарациялар ва реабилитация комиссиялари, бошқа давлатлар қаторида, Белорусь, Бразилия, Чили, Грузия, Қозогистон, Қирғизистон, Шимолий Ирландия, Россия ва Украинада турли шаклларда ўз фаолиятини амалга оширган. Кейинги бўлимда бу ҳакда батағсилик маълумотлар келтирилади. Халқаро қонунчилик атамалари доирасида амал қилиш мақсадида, ушбу ҳисоботнинг муаллифлари “Репарациялар комиссиялари” атамаси “Реабилитациялар Комиссиялари” атамасини қўллашдан кўра афзал, деб билади ва ушбу бўлимда биз “Реабилитациялар Комиссиялари” ва “Репарациялар комиссиялари” атамаларини бир бирини ўрнига ишлатса бўладиган маънода қўллаймиз.

### *Собиқ Совет Иттифоқи*

Собиқ Совет Иттифоқида “Реабилитация” дастурлари 1950-йилларда ёк жорий қилинган. Сталиннинг вафотидан кўп ўтмай, коммунистик партиянинг Сталиндан кейинги ҳукумат бошлиғи Никита Хрушев Сталин репрессиялари ва шахсга сифинишни ошкора танқид қилиб, чиқиш қилган 20-Съезддан кейин, бирор жиддий ҳуқуқий асосларсиз ва тизимлиликка риоя қилмасдан, комиссиялар тузиш йўли билан Хрушев ГУЛАГ маҳбусларини оммавий реабилитация қилишни бошлади.<sup>213</sup> Бундай тўсиқларга қарамасдан, 1964-йилда Хрушевнинг ҳукуматдан четлатилиши вақтигача озодликка чиқарилган ва ўз қонуний ҳуқуқлари тикланган курбонларнинг сони турли ҳисобларга кўра 800 000 дан 2 миллионгacha етган.<sup>214</sup>

### *Россия*

1991-йил 18-октябрь куни Россия Федерацияси 1917-йилдан кейин содир бўлган сиёсий репрессияларнинг барча қурбонларини реабилитация қилган “Сиёсий репрессиялар қурбонларини реабилитация қилиш ҳақида” федерал қонунни қабул қилди.<sup>215</sup> Конун мукаддимасидаги матнда совет тизими қораланиб, у даврда жумладан: ‘миллионлаб одамлар тоталитар режимнинг асоссиз, ўзбошимча ҳукмонлик қилгалигини сабабли қурбон бўлганлиги, ижтимоий, миллий ва бошқа асосларга кўра ўзларининг сиёсий ва диний эътиқодлари учун репрессияларга учраганликлари’ айтилган ва ушбу қонун қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишининг таъминланишини кафолатлаган. Мазкур қонунга биноан оиласаларга ўз жойларига қайтиб, қайта бирлашиш ҳуқуки берилди, репрессия қилинган шахсларнинг фарзандлари қурбонлар деб тан олинди, тирик қолганларга моддий репарациялар, жумладан молиявий тарзда зиёнларни қоплаб бериш, мусодара қилинган мол-мулкнинг тикланиши, уй-жой олиш, тиббий муолажа ва бошқа

213. Обидина, юқори изоҳ 69, 245да.

214. Ўша матнда, 247да.

215. Россия Федерациясининг сиёсий репрессиялар қурбонларини реабилитация қилиш тўғрисидаги федерал қонуни, №. 1761-1 (1991й. 18 окт.).

бепул ижтимоий хизматлар олиш ҳукуклари таъминланди.<sup>216</sup>

Қонунни ишлаб чиқишида ушбу қонун номида ва матнининг кўп жойларида келтирилган «сиёсий репрессиялар» атамаси кўп мунозараларга сабаб бўлган. Бу атамага мувофиқ, ҳукумат амалга оширган чора-тадбирлар, ҳусусан ҳаёт ва озодликдан маҳрум қилиш, мажбурий меҳнат, бешафқат муомала, депортация ва миллий, ижтимоий синфдан келиб чиқишига, диний эътиқод ва бошқа сабабларга асосланиб давлат учун хавфли деб ҳисобланган шахсларга қарши ҳукуқбузарликлар «сиёсий сабабларга кўра» деб англашилиши лозим эди. Қонуннинг 3- ва 5-моддаларида «сиёсий сабабларга кўра» амалга оширилган суд ҳукмларининг тоифалари белгиланган. Биринчидан, бу категорияларга «Сиёсий ёки бошқа жиноятлар» учун жавобгарликка тортилган шахслар киритилган. 3-моддада совет тузумига қарши ташвиқотни ҳам ўз ичига олган сиёсий жиноятлар<sup>217</sup> ва “билиб туриб, қасдан қалбаки, уйдирма фикрларни тарқатиш, совет давлатини ёки ижтимоий тузумни қоралаш”<sup>218</sup> каби жиноятлар белгиланган. Ўзбекистон ҳолатида эса бу тоифа А-иловадаги сиёсий маҳбусларнинг биринчи тоифасига тўғри келиши мумкин. «Бошқа жиноятлар» аслида асосий инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти ёки ҳукумат хоҳламайдиган бошқа фаолият турларига барҳам бериш мақсадида хибсга олишлар учун баҳона сифатида ишлатилган ва албатта, айловлари давлат томонидан сохталаштирилган оддий жиноятларни англатади (А иловадаги 3 – тоифага ўхшаш).<sup>219</sup>

Қонуннинг 19-моддаси асосида архивларга тўлиқ кириш ва сиёсий репрессиялар қурбонлари ҳукуқларини тиклашда ёрдам бериш имкониятига эга бўлган, бошқа муассасаларнинг репарация билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, реабилитация қилишни таъминлаш нуқтаи назаридан миллий қонунчиликдаги номувофиқларни аниқлаш, минтақавий ва федерал органларга сиёсий ҳукуқбузарлик, зўравонлик қурбонларини хотирлаш ҳамда шахсий ёки Халқаро Мемориал (International Memorial) каби НДТлари томонидан берилган гуруҳ шикоятларини кабул қилишда ёрдам бериш учун реабилитация комиссияси ташкил этилди.<sup>220</sup> Ҳукуқларни тиклаш (реституция) бўйича, ушбу федерал комиссия ташкил этилгандан кейинги дастлабки йилларда жуда унумли фаолият олиб борилди: 1991-2015 йиллар орасида 3,7 миллион шахс реабилитация қилинди.<sup>221</sup> Ҳозирги кунда комиссия ўз ишини давом эттироқда ва 2004 йил 25 -август куни имзоланган президент фармонига биноан доимий комиссия мақомини олган.<sup>222</sup>

Ҳукуқлари ва «обрўлари» (яхши номлари) қайта тикланган шахсларнинг сони кўплигига қарамасдан, ушбу комиссиянинг қурбонлар учун ҳақиқатни қарор топтириш ёки умумий ўтиш даври суд тизими мақсадларига эришиш бўйича таъсири жуда чекланган. Совет давридаги репрессиялар қурбонларини тан олиш ва хурматини жойига қўйиш учун ҳозирги режимнинг мафкуравий илдизлари ва иккинчи жаҳон урушида совет халқининг қаҳрамонлигига тарихий

216. Ўша ерда., 16, 17-мод.

217. РСФСР жиноято кодексининг 58-моддаси, ва 1960 -дан кейин 70-моддаси.

218. Россия совет социалистик республикаси жинояти кодексининг 190.1-моддаси.

219. А.Л. Кононов, «Сиёсий репрессиялар қурбонларини реабилитация қилиш тўғрисидаги» Россия Федерацииси қонунининг ишлаб чиқиши тарихи тўғрисида’, А. Даниель, Л. Еремина, Е. Жемкова та=ририда., Реабилитация ва Хотира, (Memorial – Zvenya, Москва 2016), 16 б.

220. 24.12.93 № 2288 раками “Россия федерацияси қонунларини конституция талаблари билан мувофиқлаштириши учун чора-тадбирлар” Президент фармони имзолангандан кейин 1993-йилда 19-модда ўз кучини йўқотди. Қаранг: <https://memorial.krsk.ru/zakon/911018.htm>

221. Сиёсий репрессия қурбонларини реабилитация қилиш комиссиясининг маажлиси, 2015-йил 28-октябрь, <http://kremlin.ru/events/administration/50615>.

222. Борис Ельцин эл. кутубхонаси, 2004й. 25 август №1113 раками Россия Федерацииси президенти фармони, ушбу хаволада <https://www.prlib.ru/en/node/354156>, 2020й. 16 -сентябрда кўрилган

урғу берилиши сабабли, том маънодаги сиёсий ирода йўқ.<sup>223</sup> Шудай қилиб, қурбонлар, жабрланганларни самарали хукуқий ҳимоя воситаси билан таъминлаш учун жуда кўп тўсиқлар, жумладан архивларга кириб хужжатлар билан танишиш учун имкониятларнинг чекланганлиги, репарациялар қоидаларини амалга оширишга ва шунчаки рамзий зиёнларни тўлаш учун тўғридан- тўғри қатъий рад жавоби бериш ҳолатлари мавжуд.<sup>224</sup> Бугунги кунда мавжуд бўлган шаклида реабилитация ҳақидаги қонуннинг 15-моддаси давлатга қамоқда сақланганликнинг ҳар бир ойи учун 75 рубль, бироқ жами 10000 рублдан (130 АҚШ долларидан) кўп бўлмаган маблагни тўлашга изжозат (мандат) беради.<sup>225</sup> Ушбу Реабилитация ҳақидаги Қонун Арманистон, Озарбайжон, Белорус, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон ва Украина каби мамлакатлар ҳукуматлари учун шунга ўхшаш қонунлар қабул қилиш учун намуна хизматини ўтади.

### **Грузия**

2012 йилда Грузияда 2004-2012 йиллар давомида содир қилинган қийноқлар, шафқатсиз муомала ва мол-мулкни тортиб олиш амалиётига барҳам бериш ваъдасини бериб, янги ҳукумат давлат тепасига келди.<sup>226</sup> Кўрсатилган давр мобайнида қамоқоналардаги маҳбуслар сони тахминан 300 фоизга ошган<sup>227</sup> ва бунда баъзилар собиқ президент Михаил Саакашвили жиноий суд тизимини ҳаддан ортиқ қўллаш билан нафақат жиноятчилик ва коррупция даржаасини осмонларга чиқариб юборган, балки ҳукуматни қўлида ушлаб туриш ва бошқача фикрлайдиган одамларни йўқ қилиш учун кўллаганлигини даъво қиласидилар.<sup>228</sup>

Янги ҳукумат прокуратурага келиб тушган ахлоқ тузатиш муассасаларида ва полиция бўлимларида хизмат вазифаларини сустеъмол қилиш ҳолатлари ҳақида кўрсатмалар келтирилган минглаб шикоятлар билан ишлаш учун маҳсус комиссия тузиш лозимлиги ёки прокуратура қошида янги бўлим очиш лозимлиги каби муаммога дуч келди.<sup>229</sup> Етарли ресурслар/имкониятлар йўқлиги сабабидан ҳукумат иккинчи вариантни танлади ва 2015 -йилда жиноятлар бўйича тергов ишлари олиб бориш, жабрланганларнинг хукуқларини тиклаш ва мол-мулкини қайташиб мақсадида бош прокурор идорасида суд ишларини олиб бориш давомида содир қилинган жиноятларни тергов қлиш бўлимига асос солинди.<sup>230</sup>

Грузия жиноят процессуал кодексига янги модда қўшилиб,<sup>231</sup> унга кўра прокуратурага, агар янги тергов ишлари тегишли шахс хукуқларининг жиддий тарзда бузилганлиги ва бу билан унинг айбизлиги исбот қилинган бўлса ёки шахс ҳукм қилинган айловда назарда тутилгандагидан енгилроқ жиноят содир қилган бўлса, апелляция судига ҳукмларни қайта кўриб чиқиш учун ариза бериш имконияти берилган.<sup>232</sup> Ишни қайта кўриб чиқиш бўйича илтимосномани

223. Қаранг, мас. Ниолай Копосов, ‘Жиноят қонунчилиги орқали сталинизмни ҳимоя қилиш: 1995 - 2014’, 93 – 309 б, Уладислав Белявский ва Александра Глицинсая-Грабас таҳририда. Қонун ва Хотира: тарихни қонуний бошқарши томонга, (СУР: 2017).

224. Григорий Вайпан, ‘Уйга қайтиш ҳукуки: ГУЛАГлар қурбонлари Репарациялар учун суд курашини олиб боришмоқда’, 2020-й. 1- июнь, <https://www.wilsoncenter.org/blog-post/right-return-home-victims-gulag-are-waging-legal-battle-reparation>

225. Қаранг: Россия Федерацияси ҳукуматининг № 160- карор, 1992-й, 16-март. Ушбу ҳаволада <http://eo.memo2reg.org/vkro>

226. 2015-й 13-февраль адлия вазирлиги № 62-буйруги, ушбу ҳаволада <https://www.matsne.gov.ge/ka/document/view/2728207?publication=0>.

227. Жиноят ва ҳаддан ортиқ жасо: Грузия қамоқоналарида инсон ҳукуқларининг бузилиши ҳоллари кўп тарқалганлиги ва сабаблари (Тбилиси: Очик жамият Грузия фондси, 2014), iv.

228. Александр Кападзе, Грузия ўтмиши билан хаёрлашиди, Демократия журнали 26, 1 (2016), 110 б.

229. Инсон ҳукуклари маркази, «Грузия бош прокуратурасининг жиноий ишни судда кўриб чиқиш жараённида содир этилган жиноятларни тергов қилиш бўлимининг фаолиятини мониторинг қилиш» (2018), 4 б.

230. Ўша ерда.

231. Грузия жиноят процессуал кодексининг 310- моддаси, ‘g’ куйи-банди.

232. Ўша ерда. 8 -б

суд қилинган шахснинг ўзи ва/ёки уни химоя қилувчи адвокат, агар жабрланувчилар вафот этган бўлса, уларнинг ворислари, ёки прокурор бериши мумкин.<sup>233</sup> Суд хукми унинг фойдасига чиқарилган шахсга кўрган заарлари учун товон олиш хукуқи берилади.<sup>234</sup>

Ушбу бўлим 440 дан кўпроқ ишни ўрганиб чиқди, улардан 49 таси калтаклашлар, қийноқлар ва шафқатсиз, ғайриинсоний ҳамда таҳқирловчи муомалалар ҳақидаги иddaолар келтирилган шикоятлар бўлган.<sup>235</sup> Ушбу жараён жами 149 нафар жабрланганларга тортиб олинган мол-мулк учун товон олиб берди ва уларга тахминан 44 миллион Грузия лариси (44,3 миллион АҚШ доллари) тўлланди.<sup>236</sup> 43 нафар ҳукумат масъул шахсларига қарши айбловлар қўйилган, улардан 10 нафари айбдор деб топилган.<sup>237</sup> Шунга қарамай, фуқаролик жамияти вакилларининг хабар беришларига қўра, ушбу жараён кўплаб процессуал адолат қоидаларининг бузилиши ва ички зиддиятларга тўла ҳолда олиб борилди: ҳар бир иш айнан хукуқбузарликлар учун масъул бўлган бир муассаса томонидан кўриб чиқилиб, унинг холислигига шубҳа уйғотар эди. Ушбу жараённинг, шунингдек, янги сиёсий ҳокимиятга яқин бўлганларнинг баъзиларига наф келтириш билан бирга, кўплаб курбонларни эътибордан четда қолдирганлиги эҳтимоли бор.<sup>238</sup>

## Қозогистон

1988- йилдаёқ Қозогистоннинг Қарағанда шаҳрида маҳаллий коммунистик партия қўмитаси Сталин даври сиёсий террорини текшириш учун комиссия тузиб, қамоқлардан бирининг собиқ маъмурияти аъзосини шу комиссияга бошлиқ қилиб тайинлаган.<sup>239</sup> 1989-1993 йиллар даврида ушбу орган тарқалишидан олдин тахминан 75000 шахсни реабилитация қилган.<sup>240</sup> 1993-йилда, парламент оммавий репрессиялар курбонларини реабилитация қилиш ва уларнинг хукуқларини химоя қилиш мақсадида комиссия ташкил қилди. Бундан ташқари, хукуматнинг ва коммунистик партиянинг инсон хукуқлари поймол бўлиши билан боғлиқ хужжатларининг маҳфийлик мақомини бекор қилиш учун яна бир комиссия тузилди.<sup>241</sup> Реабилитация комиссияси 2009 -йилгача амал қилиб келди ва тахминан 350000 кишини реабилитация қилишга ёрдам берди. Комиссия Сталин террорлари курбонларини реабилитация қилиш тугаганлигига ишора қилиб ёпилган.<sup>242</sup>

1993 йилда, Қозогистон Россия қонуни прототипи асосида тузилган “Оммавий сиёсий репрессиялар курбонларини реабилитация қилиш ҳақидаги” қонунни қабул қилди. Бу қонунда реабилитация “бирор бир шахсни сиёсий репрессияларнинг курбони ёки ундан заар кўрган, деб тан олиш, унинг бузилган хукуқларини тиклаш, унга кўрсатилган маънавий ва моддий заарларни суд орқали ёки қонунда белгиланган бошқа йўл билан қоплаш/компенсация қилиш” деб таъриф берилган.<sup>243</sup> Реабилитация қилинган шахсларга уларнинг ижтимоий, сиёсий ва

233. Грузия жиноят процессуал кодексининг 312.2 -моддаси.

234. 1044-сон қарори « Давлат-юридик шахс - Грузия иктисодиёт ва баркарор ривожланиш вазирлиги кошидаги давлат мулки Миллий агентлиги томонидан амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисидаги» фармон № 1044, 2014-й. 25- май.

235. Инсон хукуқлари маркази, «Грузия Бош прокуратурасининг жиноий ишни судда кўриб чиқиш жараённада содир этилган жиноятларни тергов қилиш бўлнимининг фаолиятини мониторинг қилиш» (2018), 14- б.

236. Ўша ерда. 23- б.

237. Ўша ерда. 16- б.

238. ИҲҚ адвокатининг фикри, Семинар.

239. Алексей Трочев, «Қозогистон ўтиш даври суд тизимининг уринишлари», Стан ва бошк. таҳрири., Ўтиш даври аддия тизими ва собиқ Совет Иттифоки, 98 -б.

240. Ўша ерда., 99- б.

241. Ўша ерда.

242. Ўша ерда.

243. <http://adilet.zan.kz/eng/docs/Z930002200>, 2020-й. 15 -сентябрда кўрилган.

фуқаролик хукуқларини тиклаш, мол-мулкини ва фуқаролик мақомини қайтариш, тиклаш ва пул шаклида товон олиш хукуқини олади. Ногирон бўлиб қолган ёки нафақада бўлган репрессиялар қурбонларига қўшимча равишда:

уларга кулай вақтда меҳнат таҳлили олиш, шунингдек, бир йилда икки ҳафтагача муддатда ҳақ тўланмайдиган меҳнат таътилига чиқиш;  
бепул уй-жой билан таъминлаш;  
бепул телефон;  
боғдорчилик жамиятлари ва уй-жой қуриш кооперативларидан фойдаланиш;  
қариялар ва ногиронлар уйларига биринчи навбатда жойлаштириш;  
протез ва ортопедик восита ва ускуналар билан имтиёзли таъминлаш;  
реабилитация билан боғлиқ масалаларда ҳимоя қилиш учун бепул адвокатлар маслаҳати олиш хукуқлари берилган.<sup>244</sup>

Бироқ, амалда эса, реабилитация қилинган шахс мақомини олиш моддий фойдаларни олишдан кўра осонрок бўлган. Жисмоний ва маънавий зарар учун таклиф қилинадиган зиённи қоплаш тўплами (пакетлари) асосан рамзий ҳамият касб этди. Масалан, ҳисобларга кўра, 2015 йилга келиб, 35793 нафар шахс ёки жами реабилитация қилинганларнинг 10% ойига 2121 тенге (ўша даврда 11 АҚШ доллари) олиб келган.<sup>245</sup> Архивларга кириш қийин бўлишда давом этганлиги, хукукий мақом ва тегишли зарарни қоплаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш хукumat ижроия тизимининг назорати остида қолганлиги эса жараённи элита томонидан бошқарилишига ва унда бефарқлик хукм суришига олиб келди. Нурсултон Назарбоев режимининг реабилитация сиёсати ҳақиқатни барқарор қилиш, жавобгарликни ўз зиммасига олиш ва қурбонларга ҳамда уларнинг оилаларига мазмунли репарацияларни таклиф қилишининг ўрнига, осонгина сиёсий нуфуз, обрў олиш истиқболидан рағбатланиб келди.<sup>246</sup>

---

244. Оммавий сиёсий репрессиялар қурбонларини реабилитация қилиш ҳакидаги қонуннинг 18-21 моддалари.

245. Трочев. 100- б.

246. Трочев. 103- б

## **Дунё мамлакатларидан танлаб олинган мисоллар**

### ***Шимолий Ирландия***

Шимолий Ирландияда, 1998-Муқаддас Жума шартномасининг имзоланиши Шимолий Ирландия суд ҳукмлари ҳақидаги қонун асосида ҳукмларни қайта кўриб чиқиш комиссиясини яратиш учун йўл очди ва комиссия собиқ маҳбусларга хукукбузарликлар ва зўравонликлардан воз кечиб, жамиятга том маънода қайта қўшилишга (реинтеграция) эришишга ёрдам берди. Ушбу комиссия собиқ сиёсий маҳбусларни жамиятни ривожлантириш ва зиддиятларни ўзгартириси жараёнинг жалб қилишда ёрдам берди, ўз навбатида, бу, уларнинг жамиятга қайта қўшилишига туртки бўлди. Масалан, комиссия собиқ сиёсий маҳбусларни фуқаролик жамиятидаг ижтимоий ҳаётга фаол иштирок этиш, жамоат таркибида иш жойлари масаларида, расмий сиёсатга иштирок этиш, ўз-ўзини молиялаширадиган ташкилотларни ва собиқ маҳбуслар уюшмаларини ташкил этиш учун кенг имкониятлар билан таъминлади.

Юкорида баён этилган имкониятлардан ташқари, Шимолий Ирландиянинг Жиноят қилганларга -амхўрлик қилиш ва ишга жойлаштириш Уюшмаси ҳамда Европа Иттифоқи Тинчлик ва Тотувлик Жамғармаси сиёсий маҳбуслар учун ташкил қилган қўшимча таълим олиш, малака ошириш ва психологик саломатликни ривожлантириш дастурларида иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Бу сайи-харакатлар собиқ маҳбусларнинг ўзига ишончини ва қадр-қиммати ҳиссини оширишда, шунингдек, ижтимоий алоқалар, ришталарни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади. Собиқ сиёсий маҳбуслар ёшлар билан ҳамкорлик қилиб, маҳаллийчиликка асосоланган тартибсизликлар даражасини пасайтиридилар, Бу билан улар ўз ишларига садоқат билан ёндошадиган етакчи ўлароқ, жамият ривожига салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Озодликка чиқарилгач, ўз жамиятлари учун муаммо келтириб чиқаришдан кўра, улар жамиятни ривожлантиришга ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган асосий восита бўлдилар.

## **Мъянма**

2011 йил май ойидан 2013 йил декабрь ойигача Мъянмада, Президент Тхейн Сейин фаоллар томонидан “сиёсий маҳбуслар” деб белгиланган тахминан 1200 нафар шахсни муддатидан олдин озодликка чиқариш ҳақида фармон берди. Бошқа сиёсий маҳбуслар суд хукмларидан белгиланган қамок муддатини тўла ўтагандан кейин озодликка чикқанлар ва уларнинг номаълум қисми қамоқларда вафот этган. Ушбу озодликка чиқариш ҳолларининг кўпчилиги 2013-йил февраль ойида мамлакат президенти қолган сиёсий маҳбуслар ишларини ўрганиб чиқиш кўмитасини ташил қилганининг натижаси ўлароқ амалга оширилди. Кўмитага «сиёсий маҳбусларнинг» таърифини ишлаб чиқиш ва маҳбусларни озод қилиш учун тавсиялар бериш вазифаси топширилди. Таркибида ўн олти (кейинчалик ўн тўққиз кишигача кенгайтирилган) шахсдан иборат кўмитага давлат вазирлари, собиқ сиёсий маҳбуслар ва муҳолиф партиялар гурухлари вакиллари киритилди, бироқ 2015-йил 5-январь куни президент ушбу орган аъзоларини 28 кишигача оширгандан кейин қўмитанинг таркиби янаўзгарди.

2013-йил давомида, маҳбусларнинг ишини ўрганиш қўмитаси 12 марта ўз мажлисларини ўтказди ва сиёсий маҳбуслар сифатида озод қилиниши лозим бўлган шахслар рўйхатларини тузди. Тавсия қилинган рўйхатлар хукумат томонидан текшириб, тасдиқланганидан сўнг 2013 йил еттига гурух билан озодликка чиқариш тартиби тўғрисида буйруқ чиқарилди.

Бироқ, 2014 йилда қўмита ўз фаолиятини тўхтатди ва аникроғи, 2015 йилда кайта тузилишидан олдин тарқатилган бўлиши ҳам мумкин. Шу вақтдан бери унинг ваколати, ишлаш тартиби (процедуралари) ёки фаолияти ҳақида ҳеч қандай очик маълумот мавжуд эмас. Ахборот ва ҳаракатларнинг йўқлиги, қўмита қолган сиёсий маҳбуслар масалаларини ҳал қилиш ўрнига, тобора ошиб бораётган ички ва ҳалқаро танқидларни бартараф этиш учун қайта тузилганлиги ҳақидаги ташвишларнинг тўғрилигига ишора қиласди.

## **МАҲАЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА РЕПАРАЦИЯЛАРИ АМАЛИЁТИ**

Ўзбекистон ҳали БМТ ҚҚКнинг факультатив протоколини, ҳалкаро жиноят судининг Рим Статусини (Низомини) ёки барча шахсларни мажбурий ўғирлаб кетишилардан ҳимоя қилиш конвенциясини ратификация қилмаган. Шундай бўлса-да, унинг ФСХХП ва БМТнинг ҚҚГа аъзо томон бир давлат сифатидаги мақоми Ўзбекистонни Репарация тамойилларида белгиланган репарация ҳуқуқини тўла амалга ошириш имконини берувчи қонунчилик тизимини қабул қилиш ва амалга ошириш масъулиятини юклайди.

Аввалги режим ҳукмронлиги даври ижроия тизимида мустақилликнинг йўқлиги ва суд тизимида бошқа жиддий камчиликлар туфайли, судлар деярли ҳеч қачон оқлов хукмлари чиқармаган ёки ноконуний маҳкум қилинган шахсларга репарациялар белгиламаган. 2017-йилдан бери бу ҳолат бирор яхшиланди.<sup>247</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019-йил октябрь ойида берган баёнотига кўра,<sup>248</sup> ўша йили 26859 нафар айбланган шахслардан 567 нафари

247. 2020 йил январь ойида янги сайланган парламент олдида сўзлаган нуткида, Президент Мирзиёев сўнгги уч йил ичida Ўзбекистон судлари умуман оқлов чиқармаслик амалиётидан 2000га яқин оқлов хукмлари чиқарганиларини ва жазо хукмлари чиқарилиши кўламини суд ва адлия соҳасидаги энг катта юутуклар каторида эканлигини таъкидлаб ўтди. Президентнинг 2020- йил 24 -январь куни нутки ушбу ҳаволада: [https://www.norma.uz/nashi\\_obzori/poslanie-2020\\_glavnye\\_tezisy\\_iz\\_rechi\\_presidenta](https://www.norma.uz/nashi_obzori/poslanie-2020_glavnye_tezisy_iz_rechi_presidenta)

248. Ўзбекистон Олий судининг 2019 йил апрель ойи баёноти ушбу ҳаволада: <https://www.sud.uz/ru/informatsionnoe-soobsheniye-o-deyatolnosti-sudov/>

айбсиз деб топилган ва “реабилитация” қилингандык. <sup>249</sup> Бирок, бу рақамни мустақил томонлар тасдиқламаган ва бу ерда «реабилитация» атамаси ҳисбеттеги олингандыкни ва судлангандык тарихини бекор қилишни, ушбу шахснинг яхши номини тиклашни ёки бошқа бирор нарсаны англатиши ҳам аниқ эмас. Махаллий қонунчилердің нөконуний судланиб хукм чиқарылғандык, айникса, шахс қамоқ, ҳисбеттеги даврида қийноктар каби жиддий адолатсизликтерден азият чекканлық учун заарларни қоплаш имкониятлари назарда тутилмаган.

### ***Репарация учун қонунчилердің назарда тутилған хуқуқий ҳимоя востанлари***

Ўзбекистон Республикаси конституцияси бошқа фундаментал хуқуқтар қаторида, қийноктардан, зўравонлиқдан, ёки ҳар қандай шафқатсиз ва камситувчи муомаладан ҳимояни,<sup>250</sup> қонун олдида ҳамманинг тенглигини,<sup>251</sup> асоссиз, қонунга хилоф равишда ҳисбеттеги олиш ва ҳисбеттеги сақлашдан ҳимояни<sup>252</sup> ҳамда суд ишларини адолатли олиб боришни кафолатлайди.<sup>253</sup> Конституцияда аниқ ифодаланмаган бўлсада, Ўзбекистоннинг асосий қонунидаги икки моддасида самарали хуқуқий ҳимоя қилиш белгиланган.<sup>254</sup> Ҳужжат ҳар бир шахснинг хукумат органларининг ноқонуний ҳатти-харакатлари борасида шикоят қилиш хуқуқини кафолатлайди.<sup>255</sup> Бундан ташқари, ҳар қандай фуқарога ўз хуқуқлари ва манфаатларига алоқадор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материалларни олиш, фойдаланиш имконияти берилиши лозим.<sup>256</sup>

Ўзбекистон Жиноят Процессуал Кодексида (ЖПК) тўлақонли “Реабилитация” бўлими мавжуд бўлиб, унда давлат номидан амал қиласидан шахслар томонидан зўравонликлардан, хуқуқбузарликлардан жабрлангандар учун бир қатор процессуал ва моддий хуқуқлар берилган.<sup>257</sup> ЖПКнинг 301- моддасида реабилитация учун умумий асослар, 302-моддасида эса унинг оқибатлари келтирилган. ЖПКнинг 303-моддасида “қисман реабилитация” қилиш учун асослар ва унинг оқибатлари келтирилган. 301- моддага кўра, реабилитация қилиш учун асосларга ЖПКнинг 83-моддасига ишора қилиниб таъриф берилган. ЖПКнинг 83- маддасига кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз, деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1. иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд мухокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
2. унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;
3. унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.<sup>258</sup>

Демак, 83-моддада «реабилитация» учун асослар сифатида жиноий ҳодисанинг юз бермаганлиги, жиноят таркибининг йўқлиги, яъни. *corpus delicti* ва инсоннинг унга юкланаётган жиноятда иштирок этмаганлиги каби уч имконият назарда тутилади. ЖПКнинг 302-моддасига кўра, ушбу

249. Ўзбекистон Олий судининг 2019 йил октябрь ойи баёноти ушбу ҳаволада: [https://www.gazeta.uz/tu/2019/10/15\\_crimeal-court/](https://www.gazeta.uz/tu/2019/10/15_crimeal-court/).

250. Ўзбекистон Конституцияси 26- модда 3- кисми.

251. Ўзбекистон Конституцияси 18- модда 1- кисми.

252. Ўзбекистон Конституцияси 25- модда 2 -кисми.

253. Ўзбекистон Конституцияси 26- модда 2- кисми.

254. Конституциянинг муқаддимасида халқаро хуқуқнинг устуворлиги эътироф этилади, бирок, экспертларнинг фикрича, амалда маҳаллий судлар ёки маъмурий органлар халқаро хуқуқни деярли ҳеч қачон қўллашмайди.

255. Ўзбекистон Конституциясининг 44 -моддаси. Ўзбекистон Конституцияси 1992- йил декабрь ойида кабул қилинган

256. Ўзбекистон Конституциясининг 30 -моддаси.

257. ЖПК 7 -бўлим, реабилитация

258. Расмий таржима ушбу ҳаволада [http://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.detail?p\\_lang=en&p\\_isn=41811](http://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.detail?p_lang=en&p_isn=41811).

тоифалардан бирига мос келган шахслар ноқонуний ҳибсда сақланганлик<sup>259</sup> туфайли етказилган моддий ва маънавий зарар учун тўлиқ товон олишга, шунингдек, иш жойида тиклаш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқлари тикланиши ҳуқуқига эга.<sup>260</sup>

Бундан ташкари, Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқида, давлат тергов идоралари, прокурорлар ва судларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида шахснинг қонунга хилоф равиша ҳибсда сақланиб турилиши, қонунга хилоф равиша жавобгарликка тортилиши, судланиши ва бунда айбор томон мансабдор шахслар ёки идоралар бўлишидан қатъий назар, етказилган ҳар қандай зарар давлат томонидан қопланиши курсатилган.<sup>261</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра бундай шахслар ҳам моддий зарар, ҳам маънавий зарар<sup>262</sup> учун товон олиш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқлари бузилган шахс заарларни тўлиқ қоплашни талаб қилиши мумкин.<sup>263</sup> Фуқаролик ҳуқуқи, шунингдек, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки зарар кўриши, шу жумладан, йўқотилган даромад ва фойдалар масалаларини ҳам ҳимоя қиласи<sup>264</sup>

### ***Реституция***

301-модда реабилитация қилинган шахснинг реституция ҳуқуқини, шу жумладан, у йўқотган ёки тенг мақомга эга бўлган иш жойида тикланиш, таълим олиш жойида қайта тикланиш ва мол-мулкининг қайтарилиши ёки бир хил (жойда) жойлашган ва тенг қийматли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилайди. Агар бирор шахс томонидан иш жойида тиклаш, нафақа ва уй-жой ҳуқуқларини тиклаш ёки мол-мулкни қайтариш учун берилган даъво қаноатлантирилмаса, улар фуқаролик шикояти шаклида алоҳида даъво қилишлари мумкинлигини таъкидлаш лозим.<sup>265</sup>

Ўзбекистон Конституциясининг 117-моддасига биноан, оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди.<sup>266</sup> Шунга қарамай, Ўзбекистоннинг янгидан қабул қилинган сайлов кодексига кўра, озодликдан маҳрум қилинган даврда сайлов ҳуқуқи чекланган шахснинг сайлов ҳуқуқлари у қамоқ муддатини ўтаб тугатган заҳоти тикланади.<sup>267</sup>

Ҳарбий хизматчилар учун репарация масалалари бўйича ўзига хос меъёрлар мавжуд. Уларнинг иш жойлари, нафақа, уй-жой, моддий ва шахсий ҳуқуқларини тиклаш бош прокурор, мудофаа вазири, ички ишлар вазири ва Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати раиси белгилайдиган тартибида белгиланади.<sup>268</sup>

### ***Зарарни қоплаши***

Реабилитация қилинган шахслар учун зиённи қоплаш ЖПКнинг 304-моддасига мувофиқ белгиланади. Ушбу моддада қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида етказилган моддий заарлар, жумладан: 1. маҳрум бўлган иш ҳаққи; 2. пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса; 3. пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, жумладан, қимматбаҳо қозоглар ва давлат заёми облигациялари учун йўқотилган фоизлар; 4. ҳибсга олишида ёки

259. ЖПК 309- моддаси.

260. ЖПК 310 -моддаси.

261. Ўзбекистон фуқаролик кодексининг 991- моддаси 1- қисми.

262. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11; 14; 15; 99; 100; 163; 990; 991; 1020; 1021- моддалари.

263. Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 14- моддаси 2- қисми.

264. Ўша ерда.

265. ЖПК 309 -моддаси.

266. Ўзбекистон Конституяси 117- моддаси 5 -қисми, ушбу талаб 2019- йил сентябрь ойида қабул қилинган.

267. Ўзбекистон Сайлов кодексининг 5- моддаси, 2019- йил сентябрь ойида қабул қилинган.

268. Ушбу қонуннинг жорий қилиниши «Реабилитация қилинган ҳарбий шахсий таркиби иш жойида тиклаш, пенсия, уй-жойи, бошқа шахсий ва моддий ҳуқуқларини тиклаш, моддий ва маънавий зарар учун товон тўлаш ҳақидаги» #2355664 рақамли низом билан тартибиға солинади; 2014- й. 11- марта Адлия вазирлиги қабул қилган.

*суд томонидан олинган мол-мулк қиймати; 5. суд хукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари; 6. юридик ёрдам кўрсатилиши* ва бошқа хизматлар учун қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида шахс томонидан *сарф қилинган харажатлар*. Реабилитация этилган шахс вафот этган тақдирда, 304-моддада унинг ворисларига худди шу заарларни ундириш ҳуқуқи берилади.

Моддий заарар учун тўлов миқдорини ва тартибини белгилаш 306-модда талабларида белгиланган бўлиб, у реабилитация этилган шахснинг моддий заарарни талаб қилиш ҳуқуқини назарда тутадиган 83-моддасида кўрсатилган асослардан бири бўйича оқлов ҳукми ёки жиной ишнинг бекор қилиниши ҳақидаги ҳукмнинг чиқарилганлигини талаб қиласди. Бундай ҳукмнинг бир нусхаси реабилитация этилган шахсга берилиши ёки почта орқали жўнатилиши керак.<sup>269</sup> Реабилитация этилган шахсдан шикоят келиб тушгандан кейин бир ой ичидаги суд, прокурор ёки терговчи заарар миқдорини аниқлаши зарур. Моддий заарар миқдори ҳисоблангандан кейин суд пул заарларини ундириш учун тўлов олиш ҳақида ажрим чиқариши шарт, терговчи ёки прокурор эса бу тўловни олиш тартиби тўғрисида қарор чиқариши шарт.<sup>270</sup> Репарацияларни тўлаш манбай молия вазирлиги ва ижтимоий таъминот агентлигидан олинади.<sup>271</sup>

Жиноят қонунчилигидан ташқари, Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқида ҳам қонунга хилоф равишда судланганлик учун ҳам моддий, ҳам маънавий заарар бўйича репарация олиш ҳуқуки тан олинади. «Маънавий заарар» тушунчасининг қонунчиликда таърифи мавжуд бўлмаса ҳам, Ўзбекистон Олий судининг 2000-йилдаги пленуми қарорида бу тушунчага, бошқалар қаторида, унга нисбатан жиной ҳаракат натижасида, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) оқибатида, жабрланувчи бошидан кечирган (чеккан) «руҳий ва жисмоний азоблар». жумладан, камситиш, жисмоний оғриқлар, бўйсундириш, ғам-ғуссага ботириш шароитлари, каби тушунтириш берилади.<sup>272</sup> 2000-йилдаги Пленум қарорида шунингдек куйидагиларни белгилаган:

Маънавий заарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайгуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтингча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган заарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа етказилган жисмоний ёхуд маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин.<sup>273</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра, маънавий заарар айборнинг айбидан қатъи назар, бошқа ҳолатлар қаторида, қонунга хилоф равишда ҳибса олиш, жиной жавобгарликка тортиш, суд ҳукми чиқариш ва эҳтиёт чораси сифатида ҳибса сақлаш, шунингдек, унинг шаъни, қадр-қиммати ва ишбилармонлик обрўсига путур етказувчи ахборотни тарқатиш натижасида фуқарога заарар етказилганда қопланиши шарт.<sup>274</sup> Фуқаролик кодексининг 1022-моддаси одатда пул шаклида бўлиши лозим бўлган маънавий заарарни қоплаш

269. ЖПК 306- моддаси.

270. Ўзбекистон ЖПК 307- моддаси 1- қисми

271. Адлия вазирлиги “Давлат бюджетидан фуқарога давлат органлари ва уларнинг масъул ходимларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари натижасида етказилган заарар учун товоң тўлаш ҳақидаги” # 1095 раками низоми., 12.01.2002 қабул қилинган.

272. Олий суд пленумининг маънавий заарарни қоплаш тўғрисидаги қонун хужжатларини кўллаш тўғрисидаги қарорининг 2(1) - қисми, 2000- йил апрел ойида қабул қилган; ушбу хаволада: <https://www.lex.uz/acts/1449507>.

273. Ўша ерда

274. Ўзбекистон фуқаролик кодексининг 1021- моддаси.

шакли ва миқдорини тартибга солади.<sup>275</sup> Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, товоң тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб айб суд томонидан аниқланади.<sup>276</sup>

Реабилитация қилинган шахсга етказилган маънавий зарар учун репарация олиш-нинг кўп йўлари мавжуд бўлса-да, шахс оқланмасдан ёки судланганлик мақоми бекор қилинмасдан олдин, фуқаролик хукуқи орқали маънавий зарар учун товоң тўлашни талаб қилишнинг мустақил усули йўқ. Ўзбекистон Олий Суди ялпи мажлисининг қарорида шундай кўрсатма берилган: «маънавий зарарни қоплаш хукуқи Ўзбекистон Жиноят Процессуал Кодексининг 302; 306; 309; ва 310-моддаларига мувофиқ оклов ҳукми чиқарилганидан ёки жиноят иши тугатилганидан кейин пайдо бўлади.»<sup>277</sup>

### ***Реабилитация ва сатисфакция***

Руҳий ва тиббий реабилитация чора-тадбирлари ҳеч бир қонун хужжатларида назарда тутилмаган бўлиб чиқмоқда. Ижроия органларининг сўнгги учта хужжати бу сиёсатни ўзгартиришга қаратилган.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 17-июль куни қабул қилинган № 543 рақами «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисида» қарори: собиқ маҳбусларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш; кийим-кечак, озиқ-овқат ва ижара тўловларини таъминлаш мақсадида субсидиялар йўли билан асосий эҳтиёжлари учун бошланғич ёрдам билан таъминлаш; руҳий-маънавий ёки тиббий даволаш, хукукий ёрдам кўрсатиш, ва зарур бўлса, ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш каби кенг қамровли сиёсатни белгилайди.<sup>278</sup> Ушбу қарор қабул қилинганидан кейин, хукумат 2018-2022 йиллар мобайнода озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизими йўл харитасини ишлаб чиқди.<sup>279</sup> Ушбу низомнинг иловасида тегишли давлат ташкилотларига нодавлат ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда бундай инсонларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш бўйича биргаликда иш олиб бориши борасида кўрсатмалар берилган.<sup>280</sup> Ушбу ташаббусга мувофиқ, президентнинг «Тергов фаолияти ва эҳтиёт чоралари сифатида вақтинча ҳибсда сақлаб туриш пайтида қийноқларнинг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони тергов, ҳибсга олиш, суд жараёни ва эҳтиёт чораси сифатида вақтинча ҳибсда сақлаш босқичларида қийнокка учраган шахсларга моддий ва маънавий зарарни қоплаш механизмларини ислоҳ қилишни, шунингдек, ижтимоий, хукукий ва маънавий ёрдам кўрсатилишини назарда тутади.<sup>281</sup>

Яна бир ижроия орган хужжати, президентнинг 2018-йил 2-июлдаги фармони ҳам ижтимоий реабилитация ва реинтеграция тизимини, жумладан, гендер (жинс) нуқтаи назаридан, авваламбор, оиласарда зўравонликнинг олдини олиш ва ислоҳ қилиш мақсадида

275. Ўзбекистон фуқаролик кодексининг 1022- моддаси 1- кисми.

276. Ўзбекистон фуқаролик кодексининг 1022- моддаси 3 -кисми.

277. Олий суд пленумининг маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги қонун хужжатларини қўллаш тўғрисидаги қарорининг 9(3) - кисми, 2000- йил апрел ойида қабул қилинган; ушбу хаволада: <https://www.lex.uz/acts/1449507>

278. Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг 2018-йил 17-июль № 543-қарори; ушбу хаволада: [https://lex.uz/docs/3827084?lact\\_id=3827084&version=print](https://lex.uz/docs/3827084?lact_id=3827084&version=print).

279. CCPR/C/UZB/5, 2018 й. 1 август, 218 банд

280. Ўзбекистон вазирлар маҳкамасининг 2018-йил июль ойидаги № 543-қарорига илова; ушбу хаволада: [https://lex.uz/docs/3827084?lact\\_id=3827084&version=print](https://lex.uz/docs/3827084?lact_id=3827084&version=print)

281. <https://kun.uz/ru/news/2020/05/29/litsam-podvergnutym-pytkam-budet-vozmeshchyon-prichinyonnyy-ushcherb-svetlana-artykova>.

минтақавий ижтимоий реабилитация ва реинтеграция қилиш марказларини ташкил этиш орқали реинтеграция қилиш.<sup>282</sup> Бунда асосий эътибор, биринчи навбатда, тиббий реабилитацияга ҳам қаратилади.

Парламент Омбудсменига, масалан, конституцион судга ёки парламентга алоҳида шикоятлар, жумладан реабилитация қилиш, парламентнинг эътиборига ҳавола қилиш ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан бирга қамоқхоналарни бориб кўриш масалалари бўйича мурожаат қилиш имконияти каби кўпроқ ҳуқуқ берувчи «Омбудсмен плюс» моделининг қабул қилиниши яна бир муҳим ривожланиш бўлди.<sup>283</sup> Масалан, 2019 йилда, Германия Халқаро Ҳамкорлик Ташкилоти билан бирга Омбудсмен 26 та қамоқхонани бориб кўрди ва конституцион судга 7 та тавсия берди,<sup>284</sup> бироқ, сўнгги икки йил давомида алоҳида шикоятлар бўйича судга ҳеч қандай мурожаат қилинмаганлиги сабабли, Омбудсменга кўпроқ мустақиллик, холислик бериш нуқтаи назаридан ушбу намуна янада мустаҳкамланиши керак.<sup>285</sup>

Сatisfaction чора-тадбирлари масаласи бўйича ЖПКнинг реабилитацияга бағишлиланган бўлимида «реабилитация қилинган шахсга етказилган маънавий зарар оқибатларини бартараф этиш» билан боғлиқ талаб мавжуд.<sup>286</sup> Шундай бўлсада, бу қонун фақат шахснинг қонунга хилоф равишда хибса сақланганлиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳоллардагина шахснинг реабилитация қилинганлиги ҳақида жамиятга маълум қилишни назарда тутади. Жабрланувчи учун ЖПКнинг 56-моддасига мувофиқ фуқаролик дъявогар сифатида тан олинишга уриниш, ва ЖПКнинг 57-моддаси талабларига мувофиқ тергов органи ходими, терговчи, прокурор, судья, ёки судга қарши маънавий зарарлар борасида шикоят ёзиш ва бу билан фуқаролик ишини қўзгаш<sup>287</sup> янада истиқболли ёндашув бўлиши мумкин. Ўзбекистон Олий Судининг пленуми қарорига кўра, агар реабилитация қилинган шахснинг маънавий зарарга нисбатан дъявоси қўзгатилмаган ёки жиноят иши давомида ҳал қилинмаган бўлса, дъяво фуқаролик суд ишида алоҳида кўриб чиқилиши лозим.<sup>288</sup>

### ***Маҳаллий реабилитациялар амалиёти***

Озодликка чиқарилган шахслар сони ёки қонунга хилоф тарзда қамоққа олинган шахсларга репарацияларнинг бирор шакли берилганлиги ҳақида ишончли ёки аниқ маълумотлар деярли йўқ. 2007-йилда, Ўзбекистон БМТ КҶҚга қийноқ қурбонлари ҳақидаги қисман маълумот берди ва бу масалада қуидагиларни эълон қилди:

2004-йилдан 2007-йилнинг биринчи ярми якунигача бўлган давомида, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки камситувчи муомала ёхуд жазо қўлланганлиги билан ўтказилганда жиноий ишлардан кейин (жиноят кодексининг 235-модда) 26 нафар шахс (9 киши 2004-йилда, 5 киши 2005-йилда, 10 киши 2006-йил ва 2 киши 2007-йилнинг биринчи ярми давомида) бундай амалиётлардан жабрланган, деб хисобланади. Бундай шахсларнинг жисмоний ва маънавий

282. <https://www.lex.uz/ru/docs/3804813>.

283. Инсон ҳуқуклари кенгашининг Ўзбекистонда инсон ҳуқуклари вазияти ҳақида якуний шарҳлари, 2020-й. 3-март, ушбу ҳаволада: <https://www.ohchr.org/EN/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=25650&LangID=E>, last accessed: May 1, 2020.

284. Ўша ерда.

285. Ўша ерда

286. ЖПК 309 -модда.

287. Олий суд пленумининг маънавий зарарни коплаш тўғрисидаги қонун хужжатларини қўллаш тўғрисидаги қарорининг 9(1) - кисми, 2000-йил апрел ойида кабул килган; ушбу ҳаволада: <https://www.lex.uz/acts/1449507>

288. Олий суд пленумининг маънавий зарарни коплаш тўғрисидаги қонун хужжатларини қўллаш тўғрисидаги қарорининг 9(2) - кисми, 2000-йил апрел ойида кабул килган; ушбу ҳаволада: <https://www.lex.uz/acts/1449507>

зарарни қоплаш учун судга аризалар топширганлиги ҳакида ёзувлар, хабарлар мавжуд эмас.<sup>289</sup>

Ўзбекистон давлат органлари ҳисоботларида ҚҚКга 2002 ва 2003-йиллар давомида факат бир марта зарарни қоплаш миқдорлари ҳакида ахборот берилган. Унда 2002-йилда қийноқлар қурбонларига 490 млн. сўмдан зиёд зарар учун товон пули тўланганлиги иддао қилинган; 2003-йилда амалга оширилган тўловлар 850 млн. сўм ва 450000 АҚШ долларига етган.<sup>290</sup> Бироқ, бу маълумот хукуматдан олинган кейинги хабарларда ўз тасдигини топмаган, 2007-йилнинг сентябр ойида, ҚҚК олдинги баёнотда кўрсатилган муайян зарарни қоплаш тўловлари ҳолатлари ҳакида аниқ савол берган ва 2003-2006-йиллар даври учун рақамларни тақдим этишни сўраган.<sup>291</sup> Давлат органлари қуидаги жавобни берган:

2003-2006-йиллар даврида, қийноқлардан жабрланган шахсларга жисмоний ва маънавий зарар учун тўланган товон пуллари бўйича рақамларни тақдим этишнинг имкони йўқ, чунки зарарларни қоплаш учун товон тўлашни талаб қилиб, оширилган аризалар бўйича фуқаролик судида кўрилган ишлар ҳакида ёки бундай товон тўлашнинг амалга оширилган тўловлари бўйича қайд ёзувлари мавжуд эмас.<sup>292</sup>

Жисмоний, ва ҳатто, маънавий зарар учун товон тўлаш одатий фуқаролик суд ишларида кўриб чиқилиши мумкин, чунки бундай ишлар фуқаролик судларида мунтазам амалга ошириладиган амалиётдир.<sup>293</sup> Автомашина ҳалокатида қариндоши ҳалок бўлганлиги, жумладан, оғриқлар ва ғам-қайғудан маънавий зарар чекканлиги сабабли зарар кўрсатилганлик ҳакида берилган аризагабиноан яқинда ўтказилган суд ишида чиқарилган суд ҳукмига биноан даъвогарга 42 532 600 сўм (тахминан 4100 АҚШ доллари) миқдорида жарима тўланиши белгиланди.<sup>294</sup>

Лекин қонунга хилоф равишда қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар Ўзбекистондаги мавжуд зарарларни қоплаш чораларининг ҳеч биридан фойда кўрмайдилар. Қонунчиликда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларига қарамасдан<sup>295</sup>, улар мавжуд маъмурий ва суд механизмларининг ҳар қайсиси орқали реабилитацияга эришишга уринишларига қарамай, ҳукуқий ва амалий тўсикларга дуч келадилар. Қонунда белгиланган мурожаат қилиш имкониятларининг барчасини кўллаб кўрган ҳамда ҳозирги кунда қонунга хилоф равишда қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва ҳибса сақланаётган шахсларнинг ахволи янада даҳшатлироқ. Ишчи гурӯҳ аъзолари инсон ҳукуқлари бўйича қўмитанинг Ўзбекистонга<sup>296</sup> нисбатан қарорида кўрсатилган сиёсий маҳбус Санжар Исмоиловнинг ўз жиноий ишини қайта кўриб чиқишини талаб қилиб 200га яқин мактуб ёзгани ва бунинг бирор фойда бермаганлиги ҳакида хабар беради.

Собиқ сиёсий маҳбусларнинг кўпчилигига ўзларининг жиноий суд материалларини

289. БМТнинг Қийнокларга Қарши Қўмитаси (ҚҚК), Ўзбекистон ҳукуматининг берилган масалалар рўйхатига берган ёзма жавоблари (CAT/C/UZB/Q/3), 2007- й. 17 -сентябрь, 717- банд, Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисоботига боғлиқ равишида кўтариш лозим Uzbekistan (CAT/C/UZB/3).

290. ҚҚК, Ўзбекистон бўйича учинчи даврий ҳисоботи (CAT/C/UZB/3), 28-July 2006-й, 162-банд, ушбу хаволада: <https://www.refworld.org/docid/45c30b9a0.html>

291. Ўзбекистон ҳукуматининг берилган масалалар рўйхатига жавобан ҚҚК қўмитасига берган ёзма жавобларининг 720 -банди (CAT/C/UZB/Q/3) шуни ҳисобга олган ҳолда бу масалани кўтариш лозим

292. Ўша ерда.

293. Автомашина авариялари, ишни йўқотиш, моддий зарарлар ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ ишлар.

294. Бу миқдор тахминан 5000 АҚШ долларига тўғри келади. 2018-йил март ойида Тошкент шаҳри Миробод тумани Фуқаролик суди чиқарган корорнинг бир нусхаси ИҲХФ маслаҳатчисида бор.

295. Масалан, 2016-йилдан бери жиноят кодексига суд иши материалларини, жумладан, улар йўқолган ҳолларда ҳам, қайта тиклаш имкони назарда тутилган.

296. Инсон ҳукуқлари қўмитаси, Санжар Исмоилов Ўзбекистон ҳукуматига қарши, 2011-йил 25-март шархи, № 1769/2008

олиб танишишнинг имконияти йўқ.<sup>297</sup> Собиқ сиёсий маҳбуслар хукумат органлари уларнинг жиной ишлари материалларини олиб танишиш учун чекловлар мавжудлигига қуидаги важларни келтиришларини хабар берадилар: а) агар жиной иш давлат сири билан боғлиқ бўлса; б) жиниой иш сиёсий жиноятларга тааллуқли бўлса, (с) жиной иш коррупция ёки одам савдоси билан боғлиқ бўлса ёки (д) жиной иш материаллари йўқолган ёки йўқ қилинган.<sup>298</sup> Масалан: Самандар Қўйонов 2016-йил 24-ноябр куни озодликка чиқарилди<sup>299</sup> ва кейинчалик Тошкент судига реабилитация қилиш борасида мурожаат қилган. 2018-йилнинг сентябр ойида у Олий суддан хат олди. Бу хатда унга Тошкент вилояти давлат архиви унинг жиной иши материалларини белгиланган тартибда йўқ қилгани ва шу сабабдан унинг тўлиқ реабилитация қилиш ҳақидаги илтимосини кўриб чиқишнинг имкони йўқлиги маълум қилинган.<sup>300</sup>

Уларнинг шикояти кўриб чиқилган тақдирда ҳам, жавоб деярли ҳар доим салбий бўлади. Кўп ҳолларда, масалан, Эркин Мусаевнинг иши бўйича бўлгани каби, суд озодликка чиқсан шахс қўлга кирита олмаган айблов хулосасининг нусхаси йўқлигига таяниб шикоят аризасини (апелляцияни) кўриб чиқишдан бош тортади. Қонун масаласи нуқтаи назаридан, суд ҳукми нусхасининг йўқлиги реабилитацияга тўсиқ қўяди. Аъзам Турғунов Қорақалпоғистон Олий суди ва Қорақалпоғистон прокуратурасидан бошлаб, Ўзбекистон Олий суди ва бош прокуратурасига бориб тушган 20-дан ортиқ шикоят ёзган. У, Ўзбекистон Олий Мажлиси Омбудсменининг инсон ҳукуклари бўйича Республика маркази директори ва Ўзбекистон президентидан ёрдам сўраб мурожаат қилган, аммо бундан бирор фойда келмаган.<sup>301</sup> Солижон Абдураҳмонов ҳам репарация талаб қилиб судларга мурожаат қилган. 2019-йилнинг сентябрь ойида Абдураҳманов Ўзбекистон Олий судига репарация қилишга уринишларини бошлаб юборди. Бироқ, Инсон Ҳукуклари бўйича Қўмитанинг қарорига зид равища, Олий суд уни адолатсиз судланган деб тан олмади.<sup>302</sup>

Бугунга келиб, оқлов ҳукми ва ҳукукларини тиклаш бўйича реабилитация қилинганларнинг уч нафар муваффакиятли ҳолати мавжуд. Яқиндаги ишлардан бирида, 2017-йилда, 157-модда асосида хоинликда айбланиб, қамоқ ҳукми жазоси белгиланган ва қамоқда қийноқларга дучор қилинган олим Андрей Кубатиннинг ишини қайта кўриб чиқсан Тошкент Вилояти Жиной Ишлар Бўйича Суди 2019-йил 26-сентябр куни ҳукми билан унга чиқарилган ҳукмни тўла ўзгартириб, озодликка чиқарилди.<sup>303</sup> Ундан айбловлар олиб ташлангандан кейин, унга ЖПКнинг 83-моддасига кўра реабилитация қилиш талабларини қўллаш мумкин бўлди.<sup>304</sup> У шу судга реабилитация қилиш учун мурожаат қилди ва суд унинг ҳукукларини расман қайта тиклади, аммо ҳеч қандай товоң тўлаш ва қамоқхонада орттириб олган қон босими ошиши хасталиги учун тиббий ёрдам белгиланмади. Кубатин жамиятга қайта қўшилиб кетаётганлиги ва озод қилинганлиги учун миннатдор эканлигидан хабар берди. Бироқ, фожиали томони шуки,

297. ИХХФ сўровномасига жавоб берган шахсларнинг факат биттасидан ташқари ҳаммаси улар суд материаллари папкасини олиб танишишга имкон топа олмаганликларини айтишган.

298. ҲРВ, Озодликка чиқариш ва реабилитация қилиш, юқоридаги изоҳ. 17.

299. Ўша ерда.

300. Ҳюман Райтс Воч, Самарқанддан ташқарида, ушбу ҳаволада: <https://www.hrw.org/news/2019/03/08/beyond-samarkand>

301. ИХХФ интервьюсида, 2020- йил 15 -сентябрь

302. Марказ 1, Мен бу ҳаётдами ёки кейинми реабилитация қилинаман, ушбу ҳаволада: <https://centre1.com/uzbekistan/salidzhon-abdurahmanov-pri-zhizni-ili-posle-ya-budu-reabilitirovan/>

303. <https://eurasianet.org/uzbekistan-scholar-imprisoned-for-espionage-absolved-and-released>.

304. Таъкидлаш лозимки, унинг озодликка чиқарилиши ва айбловлари олиб ташланиши БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маҳсус маъruzачиси, Диего Гарсия-Саяннинг Ўзбекистонга қилган ташрифидан кейин ва унинг синглисингин ўта фаол харакатлари туфайли амалга оширилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўша ерда.

у Ковид-19 юқумли касаллиги асоратлари кучайғанлиги туфайли, озодликка чиққандан бир йил кейин, 36 ёшида вафот этди.

Жаслик қамоқхонасида жазо муддатини ўтаган икки собиқ сиёсий маҳбус оқланди ва қонунга хилоф тарзда чиқарилган қамоқ жазоси ҳақидаги ҳукмлар учун товон тўловини талаб қилиш жараённида.<sup>305</sup>

Бугунги кунга келиб, энг муваффакиятли тугаган жиной иш Чўян Маматкуловнинг иши бўлди. У Ислом Каримовни ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини бузгани учун судга берган ягона шахс бўлгани билан танилди. У 2012-йилда бошқа айловлар қаторида, одам ўғирлашда (137-модда), конституцион тартиби бузишда (159-модда), фирибгарликда (168-модда) ва экстремистик материаллар тайёрлашда (Жиноят кодексининг 244-1 моддаси) айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди ва Жаслик қамоқхонасида жазо муддатини ўтади. Қамоқхонада эса бошқалар қатори қийнокларга солишига қўшимча тарзда, уни хлор билан тўлдирилган камерада сақлашган.<sup>306</sup> 2015-йилда, 221-модда талабларига мувофиқ, Навоий жиноят ишлари бўйича суди унга чиқарилган суд ҳукмини уч ярим йилга узайтирган.<sup>307</sup> Унга чиқарилган қамоқ жазоси муддатини бир неча марта қисқартиришдан кейин, у 2018- йил март ойида озодликка чиқарилди.<sup>308</sup>

2018-йил декабрь ойида, Олий суд ўзининг навбатдан ташқари мажлисида Чўян Маматкуловга нисбатан қайта суд ишини ўтказишни белгилади.<sup>309</sup> 2020-йил март ойида, Қашқадарё Вилоят Жиноят ишлари суди уни барча айловлардан оқлаш қарорини чиқарди ва унга номинал пул товони белгилади.<sup>310</sup> Бироқ, адолат учун кураш тугаган эмас. Унга товон тўлаш ҳақидаги ҳукм унга молия вазирлиги жавобгар бўлиб қатнашадиган алоҳида суд ишида маънавий ва бошқа зарапларни қоплаш ҳуқуқини берди холос.<sup>311</sup> Маматкулов Қарши шаҳридаги Қашқадарё вилоятлараро судига ариза бериб, 221-модда асосида қамоқ жазосига ҳукм қилинишидан олдин қонунга хилоф равища 878 кун ҳибсда сақланганлиги учун 500 000 000 сўм (тахминан 49000 АҚШ доллари) товон тўловини олиш талабини қўйган.<sup>312</sup> Бу ариза алоҳида суд иши бўлиб, унга суд қарори бўйича қамоқ жазоси берилганлик учун товон талаб қилиш ҳуқуқини бермайди. 2020-йил 9-октябрь куни, Қарши шаҳри вилоятлараро суди унга 60 000 000 сўм (тахминан 5800 АҚШ доллари) товон тўланиши ҳақидаги қарор чиқарди.<sup>313</sup> Маматкулов бу қарорга қарши ариза берди. Бир вақтнинг ўзида амалга оширилаётган суд ишида у ҳозир Ўзбекистон Олий судига ўзининг Навоий шаҳри жиной ишлар бўйича суд ҳукмини бекор қилиш ва бундан ташқари вилоят даражасида айловлардан оқланиш масаласи судда кўриб чиқилиши учун шикоят аризалари берган. Агар у Навоий судининг 2015-йилдаги ҳукмига асос бўлган айловлардан ўзини оқлашга муваффақ бўлса, у зарарни қоплаш учун алоҳида даъво қилишни режалаштироқда.<sup>314</sup>

305. Мисли кўрилмаган суд ишлари, собиқ Ўзбекистон сиёсий маҳбуслари Тошкентдан товон тўлашни талаб қилиб мурожаат қилишмоқда, <https://www.rferl.org/a/uzbek-scholar-andrei-kubatin-dies-of-covid-19-one-year-after-release-from-prison/30919404.html>.

306. ХРВ, Самарқанддан ташқарида, <https://www.hrw.org/news/2019/03/08/beyond-samarkand>.

307. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/20/mamatkulov/>.

308. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/20/mamatkulov/>.

309. Свердлов, Реабилитация шу ерда ва ҳозир.

310. ‘Жаслик қамоқхонасининг собиқ маҳбуси чеккан азоблари учун товон тўланишини талаб қилиб мурожаат, <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/20/mamatkulov/>, 2020 йил 19 август.

311. Ишчи гурухи экспертигининг сўзларига кўра

312. <https://rus.ozodlik.org/a/30790712.html>.

313. Ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари фаоли ҳукуматга қарши қонунга хилоф равища қамоқ жазо берилганлиги иши бўйича судда голиб чиқди, бироқ апелляция, <https://www.rferl.org/a/uzbek-rights-activist-wins-lawsuit-against-state-over-illegal-imprisonment-but-will-appeal/30889329.html>.

314. ИҲХФ олган интервью, 2020- йил 20-сентябрь.

Яқинда Жиноят кодексининг 155 ва 159-моддалари билан судланган яна бир собиқ сиёсий маҳбус Элёр Турсунов Қорақалпоғистон минтақавий суди томонидан оқланди. Турсунов ҳам Жаслиқ қамоқхонасида қийноққа солинган. 2020-йил март ойида, у 20000 АҚШ доллари микдорида заарларни қоплаш товон тўлови учун судга даъво аризаси топширган.<sup>315</sup>

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Давлатнинг шу кунгача олиб бораётган амалиёти сиёсий маҳбусларнинг оммавий озодликка чиқарилиш ҳолатлари қўпинча давлат номидан содир этилган репрессиялар ёки мамлакат ичидаги ҳукуқбузарларга барҳам берилганлиги ва режимнинг ўзгараётганлигига ишора қиласи. Бу бошқа мамлакатлар қатори диктаторликка барҳам берилгандан кейин Бразилия, Чили, собиқ коммунистик Чехия Республикаси, Руминия ва Россиядаги динлараро тўқнашувлар тугаганидан кейин Ирландияда, апартеиднинг тугатилиши билан Жанубий Африкада ва ҳарбий режимнинг давлат бошидан кетиши билан Мянмада содир бўлди.

Озодликка чиқариш қонунга хилоф равишда қамалган шахсларнинг ҳукуқларини тиклашга ва ҳусусан, энг муҳими эса бегуноҳ инсонларнинг ғайриинсоний тарзда азобларга солинишига ҳамда минглаб оилаларнинг репрессиялар дастидан бир-биридан ажралиб қолган аъзоларини қайта бирлаштиришга қўйилган биринчи қадам ҳисобланади, бироқ ҳар бир алоҳида олинган шахснинг шикоятларини кўриб чиқиб, ҳал қилиш ва ўтиш даври суд тизимининг иш фаолиятига янада кенг ҳисса кўшиш мақсадида қўп ишлар амалга оширилиши лозим. Ўтиш даври суд тизими кўпам муваффақиятли бўлмаган Мьянма мисолида намойиш қилинганидек, инсон ҳукуқлари масалаларига янгича эътибор берилмаса, ислоҳотлар, тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт узоққа бормайди. Амалиёт коммунистик даврнинг зўравонликларига кўпроқ эътибор берган собиқ коммунистик мамлакатлар, ўтмишга баҳо беришни четлаб ўтган давлатлардан кўра кўпроқ фаровонлик ва барқарорликка эришишган<sup>316</sup>. Шу сабабли Ўзбекистонда алоҳида маҳбусларнинг озод қилинишига совет даврида илдиз отган ҳукуқбузарлик, сунистеъмол қилиш амалиётларини ошкор қилувчи ва тан олувчи кенгроқ кўламдаги ислоҳотлар жараёнининг бир қисми сифатида қараш керак.

Шу маънода, Президент Мирзиёевнинг совет давридаги қатағонлар қурбонларини хотирлаш<sup>317</sup> ҳақидаги яқинда имзолаган қарори ҳокимият органларининг совет даврига оид бошқа турли жиҳатларига нисбатан ижобий муносабатларидан умид қилиш қийин бўлса-да, ижобий қадамдир<sup>318</sup>. Мирзиёев хотирлаш ташаббусини эълон қилганида, қатағон қилингандарнинг хурмат-эҳтиромини (яхши номини) тиклаш, кўргазмалар ва музейларни очиш учун олдинги сайи-харакатлар ҳақида ижобий фикр билдириди. “Буларнинг ҳаммаси - одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни етказиш учун, ҳалқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қаҷон

315. “Қорақалпоғистонда Жаслиқ қамоқхонасининг собиқ маҳбуси қийноқлар учун товон тўланишини талаб қилиб мурожаат қилди”, ушбу ҳаволада <https://mediazona.ca/news/2020/09/29/jaslyk>.

316. Марк Крамер, ‘Польша ва Россиядаги ҳалқ хотираси ва коммунист тузумдан колган мерослар’, *Собиқ совет имтилоғида ўтиши даври суд тизимида*, 80 -б.

317. 2020-йил 31-август, совет режимида репрессия қилингандарни хотирлаш куни, президент Мирзиёев 100 мингга яқин репрессиялар қурбонларининг ҳар бирининг ишини текшириб чиқиши, хотира китоблари нашр қилишни, маҳаллалар ва мактабларнинг уларнинг хотирасига ўзгартиришини буюрди. [https://fergana.agency/news/120925/?fbclid=IwAR17cBjUvaH54dZEcBhJK64ikzkPs\\_OmqDts00kz-WEUWWnSKwzQ3kmqE\\_c](https://fergana.agency/news/120925/?fbclid=IwAR17cBjUvaH54dZEcBhJK64ikzkPs_OmqDts00kz-WEUWWnSKwzQ3kmqE_c).

318. Масалан, 2017-йил. Июнь ойида, Ўзбекистон МДҲнинг Улутқ Ватан Уруши катнашчиларининг хотирасини абадийлаштириш шартномасини имзолади, ва 2018-йил май ойида, кўп йиллардан кейин, Халқлар Дўстлиги ва Собир Рахимов ҳайкаллари ўз ўрнига кайтарилди. *Фарғона, Генерал Собир Рахимов ҳайкали ўз ўрнига қайтарилади*, 2018-йил 3-май, <https://www.fergananews.com/news/29785>.

унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига етиши учун қилинмоқда.<sup>319</sup> Хотирлаш маросимида тоталитар тузум даврида қатағон қилинган минглаб кишилар ҳақида гапирав экан, президент уларни: «Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илфор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндалари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, agar улар қатағон қилинмаганида эди, Ватанимиз ривожи учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди!»<sup>320</sup>

Худди шу мантиқ Каримов режими даврида репрессия қилинганларга ҳам қўлланилиши керак. Тарихий ҳақиқат, адолат, ўз миллатини ўзгартириш ва ривожлантириш учун мазмунли имкониятларнинг барчаси давом этаётган ислохотлар жараёнининг бир қисми бўлиши керак. Бу тамойиллар нафақат президентнинг баёнотларига, балки халқаро ҳукуқ ва ўтиш даври суд тизими амалиётига ҳам мос келади. 2016-йилдан бери озод қилинган маҳбуслар учун узоқ муддатда ҳибса сақланганлик, қарцерда қамаш, зўравонлик, касалликлар ва овқат етишмаслигининг салбий руҳий ва жисмоний асоратлари таъсир қилишда давом этади ва уларни шунчаки озод қилиш билан бартараф қилиб бўлмайди. Бундай заарлар учун ихтисослашган ёрдам ва доимий қўллаб-кувватлаш талаб қилинади. Ҳозирги кунда ҳукуматнинг кўмагисиз, жумладан, кўплаб оилалар эриша олмайдиган молиявий кўмагисиз озодликка чиқарилганларга бундай ёрдамни ўзлари бера олишмайди. Ҳукумат ёрдамисиз ва ресурсларисиз, ушбу репарациялар чора-тадбирларни барқарор таъминлаб бўлмайди ёки кўп сонли сиёсий маҳбусларнинг муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди. Бу- репарацияларни нодавлат ташкилотларнинг ўзларига ташлаб кўймасдан, бу масалани ҳукуматнинг мажбурияти, деб тушуниш лозимлигининг амалий сабабидир.

Сиёсий маҳбусларни тўла тиклаш ва ўтиш даври суд тизимини янада ривожлантириш учун, репарация чоралари билан бирга хотирлаш тадбирлари, жиноятчиларни жавобгарликка тортиш, архивларга киришга рухсат бериш ва ҳукуқбузарликларни, зўравонликларни расман эътироф қилиш, яъни бир сўз билан айтганда, яхлит, барча таркибий қисмларини инобатга олиб амалга оширилиши керак.<sup>321</sup> Қонунга хилоф тарзда қамоққа ташланган шахсларни “сиёсий маҳбуслар”<sup>322</sup> ёки репрессиялар қурбонлари, деб тан олиниши керак ва ҳукумат органлари ходимлари кўлида ҳалок бўлган шахсларнинг хотирасини ёдга олиш учун чора-тадбирлар кўрилиши ҳамда ҳукуқбузарликларни содир эттган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш лозим. «Сиёсий» атамасини қўллаш мунозарали бўлса-да, тўғри терминни ишлаб чиқиш масаласи плюрализмни келтириб чиқарадиган муҳокамани кучайтиришда муҳим омил бўлиши мумкин.<sup>323</sup> Ушбу хужжатда биз бундай таъриф бериш учун кўплаб муқобилларни келтирдик. Грузия ва Мьянмадаги каби бу масалани ҳал қилишдан четга чиқиб кетишларнинг олдини олиш мақсадида уриниб кўриш керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги вазият учун тегишли репарациялар: (1) зарур тиббий ва

319. <https://president.uz/ru/lists/view/3821>.

320. Ушбу хаволада <https://president.uz/ru/lists/view/3821>.

321. Ҳақиқатни ва адолатни карор топтириш, репарациялар ва жиоятларнинг тақрорланмаслигини кафолатлашни тарғиб қилиш бўйича маҳсус маърузачи Пабло де Граафнинг хисоботи, UN doc. A/HRC/21/46, 2012 йил 9- август. 50-банд.

322. Семинар давомида бундай таърифлардан бири берилди: “Репарациялар берилиши зарур бўлган шахслар”: Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар ёки сиёсий ёки ижтимоий фаолиятлари ёки қарашларига асосланниб оддий жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилган, жумладан халқаро органларнинг шархлари, фикрлари, қарорлари ёки ҳукмларида кўриб чиқилган шахслардир.

323. Жанубий Африкада сиёсий жиноятлар бўйича ишчи гуруҳи аъзолари оддий жиноятни сиёсий жиноят деб хисоблаш мумкинлиги масаласини ҳал қилиш мезонларини илгари сурди. Луиза Маллиндер, «Жанубий Африкада Жавобгарликдан химоя қилиш, амнистия, авф ва суд ишини олиб бориш бўйича кўрсатмалар», Қонунчилик доирасидан ташқарида: Амнистия, Ўтиши даври ва Можароларни ўзгартиришининг № 2 Иш ҳужжати (2009 йиғвал).

рухий хизматларни ўз ичига олиши; (2) қийноклардан омон қолганлар каби жабрланганларнинг ўзига хос эҳтиёжларини ҳал қилиш мақсадида маъмурий ҳукумат дастурининг қабул қилиниши орқали амалга оширилиши лозим; (3) яхлит, барча таркибий қисмларини ўз ичига оловчи, эҳтимол даражасида уй-жой, ривожланиш ва молиявий ёрдам бериш каби асосий ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутивчи ёндашув танланиши; ва (4) жабрланганлар, курбонларнинг тан олинишини ва рамзий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

Маҳаллий ҳукуқий тизимда асосан юзлаб озодликка чиқарилган сиёсий маҳбусларнинг қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилинганлиги, қийнокларга дучор қилинганлиги ва шафқатсиз муомала қилинганлиги учун репарациялар беришга жуда кўп асослар назарда тутилган. Бунда қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг моддий ва маънавий зарар учун товон олиш, иш жойига тикланиш, нафақани, уй-жой ҳукуқини тиклаш ва бошқа ҳукуклари қониқарли бажарилиши белгиланган. Умуман олиб қараганда, ҳалқаро қонунчилик талабларига мувофиқ келсада, маҳаллий ҳукуқий тизим тарқоқ қисмлардан иборат бўлиб тўлақонли эмас; тўлақонлилик айниқса тиббий ва маънавий реабилитация соҳасида етишмайди. Ҳозирги кунда реабилитациянинг ҳалқаро қонунчилик доирасида мавжуд бщлган тор маънодаги тиббий ва маънавий-рухий ёрдам кўрсатишни, шунингдк, ҳукуқий ва ижтимоий хизмат кўрсатишни белгилайдиган маҳаллий қонун мавжуд эмас. Зарарни қоплаш нуқтани назаридан эса, амалдаги ҳукуқий тизим уни факат жиноий иш бўйича чиқарилган оклов ҳукми орқали фуқаролик судида кўриб чиқиши ҳал қилса бўлишини шарт қилиб қўйган. Бундан ташқари, эришса бўладиган фойдалар сони чекланган бўлиб, уларни белгилаш фақат судьянинг мутлақ ихтиёрига қолдирилган. Амалдаги тизимнинг етарлича қўлланилмаслиги унинг энг катта камчилигидир.

Амалий тўсиқлардан ташқари, реабилитация учун ариза бериб мурожаат қилиш учун таъқиб таҳдидининг мавжудлиги, ҳукуқий маслаҳатнинг берилмаслиги, суд материалларини олиб танишишга тўсиқ қўйилганлиги ёки судларнинг шиокоятларни тан олмаслигидан ташқари, биз ўтказган таҳлил ишни олиб боришдаги камчиликларни ҳам кўрсатди. Масалан, амалдаги репарациялар механизми шикоят берувчи битта суд ёки маъмурий органга мурожаат қилганда, худди Чўян Маматқуловнинг ишида бўлгани каби, бундай орган бир неча суд худудларида содир бўлаётган бир ёки бир неча қонунга хилоф суд ҳукмлари чиқариш ҳолатларига қарши иш қўзгатилишини бошлаш имкониятини бермайди. Ҳозирги кунда, 83-моддада назарда тутилган талаб бўйича ҳукм чиқарилгач, зарарни қоплаш миқдорини белгилаш ҳар бир сиёсий маҳбус учун алоҳида суд иши чиқарилиши зарур, буни эса, юзлаб, ёки минглаб озодликка чиқарилган шахсларни хисобга олганда амалга ошириб бўлмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда жиноий иши «сиёсий» мақомга эга бўлиши мумкинлиги учун ҳозир камоқда ўтирган маҳбус озодликка чиқиш ва репарациялар олиш учун ўзларига нисбатан чиқарилган суд ҳукмига қарши шикоят аризаси беришдан бошқа қандай мурожаат қилиши мумкинлиги ҳам аниқ эмас. Инсон ҳукуклари ҳимоячилари қонунда белгиланган барча шикоят аризаларини бергандан, қамоқда ўтирган вақтда маҳбус ўз жиноий ишини қайта кўриб чиқишлирага эришишининг амалда имкони йўқлиги ҳакида хабар берадилар.

Бу жараёнларнинг ҳаммасини қонундаги камчиликларни ва тегишли давлат идоралари, архивлар ва молия вазирлиги каби бошқа муассасаларни аниқлаш ўйли билан алоҳида ташкил қилинган муассаса тартибга солиши мумкин. Масалан, собиқ-совет Россиясида бўлгани каби, алоҳида реабилитация комиссияси озодликка чиқарилган шахснинг манбаатлари учун барча тегишли материалларни олиш, улар билан танишиш ва тегишли идоралар билан ишлаш имконини бериши мумкин. Худди шу орган ижтимоий ва тиббий реабилитация ҳамда қайта

қўшилишни (реинтеграцияни), балки бу жараёнларни рамзий ва қилмиши учун жавобгарликка тортиш чоралари билан боғлаш йўли билан таъминловчи дастурларни ишлаб чиқиши мумкин.

Биз, Репарациялар масалалари комиссияси сиёсий сабабларга кўра чиқарилган суд хукмларини кенг кўламли қайта кўриб чиқишига, давлат томонидан молиялаштириладиган реабилитация ишларини ва собиқ ҳисбда сақланганларни жисмонан реабилитация қилишга мўлжалланган дастурлар ишини, ҳамда уларни жамиятга мағрур ва ҳурматли одамлар сифатида қайта интеграция қилиш тадбирларини мувофиқлаштириш учун энг самарали восита бўлади деб ўйлаймиз. Репарациялар ёки реабилитация комиссияси, шунингдек, ҳақиқатни қарор топтириш ва содир қилинган ишларни тан олиш масалаларини тезлаштириш билан ҳам шуғулланиши мумкин. Россия ва Қозоғистондаги қонунлар каби Ўзбекистонда ҳам маълум бир вақт мобайнида маҳбуслардан баъзиларининг ишлари сиёсий хусусиятини ҳисобга олиш билан, уларнинг репарация олиш ҳуқуқларини тан олган ҳолда, қонун қабул қилиб, шундай ташкилот тузилса яхши бўлар эди. Масаланинг муҳим томони, бундай механизм кенг кўламли маслаҳатлашувлардан сўнг ишлаб чиқилиши ва давлат муассасаларидан мустақил бўлиши, уларнинг шахсий вазифалари сиёсий таъсир ёки аралашувга дучор бўлмаслиги лозим бўлади.

Ҳақиқатни қарор топтириш комиссияси репрессиялар даврининг шароитларини ҳисобга оладиган ва суд ишларини олиб бориш ёки репарация дастурларини амалга ошириш учун тавсиялар берадиган яна бир чора бўлиши мумкин. Ҳақиқатни қарор топтириш комиссиялари ва репарациялар комиссиялари ўртасидаги асосий фарқ шуки, ҳақиқатни қарор топтириш комиссиялари инсон ҳуқуклари бузилиш ҳолатлари ҳақида фактларни, келиб чиқиш сабабларини аниқловчи ва ижтимоий оқибатларини белгиловчи ҳар бир вазият асосида текширувчи, далилларни тўпловчи муассаса ҳисобланса, иккинчи тур комиссия эса, жиноий ишлар бўйича суд хукмларини фавкулодда қайта кўриб чиқишига ва заарларни қоплаш ишларини бошқаришга йўналтирилган бўлади. Ҳақиқатни қарор топтириш комиссияси совет мероси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланишга қаратилган сайи-ҳаракатлар билан параллел равишда ҳуқуқбузарликларнинг, қонунга хилоф амалларнинг тарихий сабаблари билан шуғулланса яхши бўлар эди. Бироқ, Каримов давридаги қонунга хилоф ишларни, хусусан Андижон воқеалари билан боғлиқ тўла ҳақиқатни ошкор қилиш муҳим бўлса-да, ҳақиқатни қарор топтириш комиссияси репарацияларни амалга оширишнинг энг самарали механизми эмас. Агар Ҳақиқатни қарор топтириш комиссиясига устуворлик мақоми бериладиган бўлса, ҳақиқат адолат ўрнини боса олмайди, репарациялар эса қонунга хилоф амалларни тақрорланмаслигига кафолат бўла олмайди ҳам.<sup>324</sup> Яхшиси, кетма-кетлик ва барча элементларни яхлитлигича ҳисобга олиш ёндашуви нуқтаи назаридан ушбу механизmlар амалга оширилиши лозим.

324. Бош котиб ҳисботи (2004) БМТ “Қонун устуворлиги ва ўтиш даври суд тизими зиддиятда ва можаролардан кейинги жамиятлар” 9.

# ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИГА УМУМИЙ МАЗМУНДАГИ ТАВСИЯЛАР

Биз қуидаги умумий мазмундаги чора-тадбирларни амалга оширишни тавсия қиласиз:

Конституцияга инсон ҳукуклари бузилишидан жабрланганларнинг “самарали ҳукукий воситалар“ олиш ҳукуқини аниқ таъминлайдиган талабларни ўз ичига олган ўзгартиришлар киритиш;

Жиноят кодексига 157, 159, 216, 216.1, 216.2, 221 ва 244.1 моддаларни бекор қилиш учун ўзгартиришлар киритиш, ёки тегишли ўзгартириш билан уларнинг қўлланилишини дархол тўхтатиш;

Адвокатларнинг жазони ўташ муассасаларида сақланаётган маҳкумлар билан учрашишига халақит берганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутиш, ҳукукий ёрдам олишни таъминлаш ва бундай ёрдам олишга халақит берадиган ҳар қандай ҳукумат органи ходими ёки шахс учун жазо чораларини белгилаш;<sup>325</sup>

Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив баённомасини (ҚҚҚФП), Барча Шахсларни Мажбурий Ўғирлаб Кетишлардан Ҳимоя қилиш Конвенциясини ратификация қилиш;

Маҳаллий фуқаролик ижтимоий ва халқаро ташкилотларга, жумладан ҚҲҲҚга Ўзбекистон қамоқхоналарини мустақил мониторинг қилишга имкон бериш;

Мустақил инсон ҳукуқларини ҳимоя қилувчи НДТни давлат қайдидан ўтказиш ва қонуний ҳамда хавфсиз иш муҳитида фаолият олиб боришига имкон бериш;

Мустақил журналистлар, фуқаролик жамияти, ИҲҲлари ва бошқа фуқаролик жамияти фаолларини кузатиш, сиқувга олиш, уларга босим ўтказиш ва таъқибнинг бошқа ҳар қандай шаклларини тўхтатиш;

Халқаро ва миңтақавий халқаро муассасалар билан яқиндан ҳаморлик ришталарини ўрнатиш;

Жазони ўташ муассасаларида қийноқлар ўтказилиши ва шафқатсиз муомала қилинишининг олдини олиш, қийноқ ва шафқатсиз муомала қилинганлик ҳакида барча шикоятларни зудлик билан, холисона ва самарали равишда бу ишларни амалга оширган деб даъво қилинаётган шахслардан мустақил ҳукумат органлари томонидан тергов қилинишини таъминлаш, прокуратура тизимида факат ҳукумат ходимлари томонидан ноқонуний ҳатти-харакат қилишлар, жумладан қийноқ ва шафқатсиз муомала килганлик ҳақидаги шикоятлар бўйича синчков, айни дамда мустақил тергов ишлари олиб бориш вазифаси юклатилган маҳсус бўйимни ташкил этиш масаласини кўриб чиқиши.

325. <https://www.ohchr.org/en/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=25056&LangID=E>

## ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИГА МАВЗУ БЎЙИЧА МАХСУС ТАВСИЯЛАР

Умумий мазмундаги тавсияларга қўшимча равища қўйидаги кетма-кет амалга ошириладиган мавзу бўйича маҳсус тавсияларни тақдим этамиз:

- A. Сиёсий сабаблар бўйича жавобгарликка тортилган бўлиши мумкин бўлган ва сиёсий сабаблар асосида айбланиб, маҳкум қилинганига қарамай, ҳануз қамоқда сақланаётган шахсларни, шу жумладан, «диний маҳбуслар» деб номланадиган шахсларнинг озодликка чиқарилиши ва репарациялар олиш ҳуқукига эга шахсларни кўрсатиш билан кенг қамровли хариталаш ишини ўтказиш;
- B. Жабрланганларнинг вакиллари ва собиқ маҳбуслар билан маслаҳат қилган ҳолда, яқин ўтмишда озодликка чиқарилган ҳамда қонуний жиҳатдан оқланган, шунингдик, озодликка чиқарилган, бироқ ҳали оқланмаган сиёсий маҳбуслар, хусусан қийноқлар ва шафқатсиз муомаладан жабрланганларнинг эхтиёжларини дастлабки босқич баҳолашини амалга ошириш;
- B. 2017-2021-йилларга мўлжалланган стратегик режага, Республика Инсон Ҳуқуқлари Стратегияси, Президентнинг 2018-йил 2-июлдаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018-йил 17-июлдаги № 543-ракамли қарорига мувофиқ Ўзбекистонда ўтиш даври суд тизимидан мустақил равища ёки унинг бир қисми сифатида “сиёсий маҳбусларга” ёки “қонунга хилоф равища озодликдан маҳрум қилинган шахсларга” “Репарациялар бериш” ва уларни “Реабилитация қилишнинг” кенг қамровли сиёсатини қабул қилиш, бунда муассасаларо ёки ўз ваколатлари ва мақсад-вазифаларини жорий қилишда бутунлай мустақил комиссия ташкил қилишни назарда тутиш. Ушбу сиёсатнинг мақсадларига қуйидагилар кириши лозим;
  - (1) амалдаги маҳаллий ҳуқуқий тизимни репарациялар учун, жумладан, жиноий ва фуқаролик қонунчилигида талаб қилинган қоидаларнинг назарда тутилишини таъминлаш ўйли билан;
  - (2) ушбу сиёсатда ифодаланган таърифга мувофиқ “сиёсий” жиноятларда айбланиб қамоқ жазоси берилган шахсларга ёки А иловасида белгиланган тоифаларнинг ҳар қайсисига мос келувчи шахсларга қисқа ёки узокроқ даврлар оралиғида чиқарилган суд ҳукмларини қайта кўриб чиқилишига ва уларга репарациялар олиш ҳуқуқларининг берилишига имкон бериш;
  - (3) “қонунга хилоф равища қамоқ жазоси берилган шахслар”, ёки “сиёсий маҳбуслар” ва уларнинг тегишли ҳалқаро хужжатлар воситасида ворислари ва оиласларига репарациялар берилишини, жумладан, ҳар қандай ҳалқаро суд ёки трибунал, маҳаллий судлар ёки маъмурий органлар қарорининг тўла амалга оширилишини ва назорат қилинишини таъминлаш;
  - (4) сиёсий маҳбусларнинг оиласлари ва ворисларини репарациялар жараёнига teng ҳуқуқли жабрланувчи сифатида кўшиш;
  - (5) Инсон Ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг шарҳлари, фикрлари ва бошқа давлатлараро органлар томонидан ҳукуматга нисбатан чиқарилган қарорларнинг ижросини таъминлаш;<sup>326</sup>
  - (6) Юкорида баён қилинган мақсадларнинг барчасига эришиш учун Марказий Репарациялар Комиссиясини миңтақавий бўлимлари билан бирга ташкил қилиш. Ушбу Комиссиянинг роли, ваколатлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

326. Ҳозирги кунда камида 47 бундай шарҳлар, қарашлар мавжуд. Қаранг, <http://ccprcentre.org/country/uzbekistan>

Кўмита қамоқхоналарда ва жазони ўташ ёпик муассасаларида инсон ҳуқуқларининг бузилишини олдини олиш мақсадида давлат тизимидан ҳоли тарзда шакллантирилган ва алоҳида ҳар бир вазиятни кўриб чиқадиган ёки доимий амал қилувчи муассаса бўлиши лозим.

Бундай орган давлат ижроия органларидан бутунлай мустақил бўлиши ва мукаммал ҳолда унинг ваколатлари парламент чиқарган қонуний ҳужжат асосида берилиши лозим.

Кўмита таркибида архивлардан маълумот олиш ишларини амалга оширувчи, сиёсий асосларда кўйилган айбловларни текшириш ва қурбонларни хотирлаш ташаббусларини ишлаб чиқишида ёрдам берадиган ҳужжатлар билан ишлаш бўлими бўлиши лозим;

Ушбу кўмитанинг шакллантирилиши ва унинг аъзолигини белгилаш жараёнида фуқаролик жамияти, халқаро эксперталар, Омбудсмен ва сиёсий маҳбусларнинг вакилларига ўз фикрлари ва таклифларини бериш учун мазмунли ҳуқукий маслаҳатлар орқали тегишлича имконият бериш шарт;

Кўмита фуқаролик жамияти ва халқаро эксперталар билан мунтазам равишда маслаҳатлар ўтказиб туриши лозим;

Ушбу Кўмитада озодликка чиқариш ва репарация олиш учун бериладиган аризалар бўйича томонлар учун бажарилиши шарт бўлган қарорлар чиқариш ва ваколатли тавсиялар каби арбитраж ваколатлари бўлиши лозим;

Ушбу Кўмита жабрланганларнинг руҳий ва жисмоний саломатликларини яхшилашга қаратилган руҳийий-ижтимоий ва тиббий ёрдам сиёсатларини тузиш, жорий килиши ва бундай дастурларни ишлаб чиқишига масъул бўлиши лозим;

Собиқ маҳбусларга фуқаролик жамияти, маҳаллий жамоатчилик ҳаётида ва бошқа ишга жойлашиш, сиёсий фаолият каби бошқа соҳаларда қатнашиш, ўз-ўзини молиялаштирувчи ташкилотлар ва собиқ маҳбуслар уюшмаларини тузиш имкониятларини бериш.

Г. Андижон шаҳрида 2005 йил май ойида содир бўлган воқеалар бўйича, жумладан, шу вазият учун маҳсус тузиладиган Ҳақиқатни Қарор Топтириш Кўмитаси каби алоҳида тергов қўмитаси доирасида ёки юкоридаги В банддаги маҳсус тавсияномага мувофиқ ташкил этилган сиёсатнинг бир қисми сифатида холис, батафсил ва самарали терговлар ўтказиш учун чоралар кўриш. Тергов ишида ушбу воқеалар бўйича барча ҳақиқатни қарор топтириш, маҳаллий ва халқаро қонунчиликни бузганлик учун ишни жавобгарликка тортишгача олиб бориш ва ушбу қонубузарликларнинг қурбонларига тўла репарациялар берилишини таъминлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

# Аиловаси: Сиёсий сабаблар габиноан судланган шахсларга қўйилган айблар тавсифлари

Сиёсий маҳбусларга қарши қўйилган айбловлар тоифалари	Судланган жиноятлар тури (Жиноят Кодекси)	2016 йилга келиб сиёсий маҳбуслар сони	Мисоллар
1. Диний ёки сиёсий	<p>156-модда – Миллий, ирқий, этник ёки диний аддатат кўзғатиш;</p> <p>157-модда – Давлатга хоинлик қилиш;</p> <p>158-модда – Ўзбекистон Республикаси президентига тажовуз қилиш;</p> <p>159-модда – Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш;</p> <p>160 – Жосуслик;</p> <p>161 – Қўпорувчилик;</p> <p>162-модда – Давлат сирларини ошор қилиш;</p> <p>216-модда – Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш;</p> <p>216-1 – Файриқонунг жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш;</p>	Бир неча минг нафар	Қодиржон Юсупов Файзулла Аъзамов Равшан Қосимов Неъматулло Ибрагомов Муҳаммад Рашидов Жаҳонгир Камолов Алишер Очилдиев Виктор Шин Рафик Сайфуллин Қутбиддин Норалиев
2. Терроизм жиноятлари	<p>155-модда – Терроризм;</p> <p>242-модда – Жиноий уюшма ташкил этиш;</p> <p>244-1-модда – Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш;</p> <p>244-2-модда – Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш;</p>	Юзлаб шахслар	Хайрулло Турсунов Тоҳир Жуманов Аваз Тўхтахўжаев Убайдулла Муртазоев Алишер Қосимов Шаҳзоджон Зокиров АЗимжон Абдусаматов Ҳабибуллоҳ Мадумаров Владимир Калошин
3. Оддий жиноятлар	<p>165 – Товламачилик;</p> <p>167-модда – Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;</p> <p>168-модда – Фирибгарлик;</p> <p>205-модда – Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистемол қилиш;</p> <p>211 – Пора бериш;</p> <p>248-модда – Қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш курилмаларига қонунга хилоф равища эгалик қилиш;</p> <p>270-276-моддалар – Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равища муюмала қилишдан иборат жиноятлар;</p> <p>301-модда – Ҳокимиятни сунистемол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият харакатсизлиги.</p>	25 – 30 орасида	Санжар Исмоилов Баҳромжон Сувонов

# КҮЗ ЮММАНГЛАР!



Далилларни тиклаш - суд кузатуви тадқиқот ишлари  
Фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш - ўқув ва тажриба алмашиш  
Дунё ҳажамиятини жалб қилиш - ҳокимиятлараро ташкилотларни олқишлиш  
Маълумотларни ҳавола қилиш ва ҳисобот - жамоатчиликни сафарбар қилиш

**FIDH жамиятни ислоҳ қилишда маҳаллий фаолларга таянади.**

**Нашр директори:**  
Алис Могве

**Муҳаррир Бош мухаррир:**  
Сиріл Блан

**Муаллифлар:**  
Илья Нузов

**Мувофиқлаштирувчи:**  
Илья Нузов

**Дизайн:**  
FIDH/CBT

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳаракати(FIDH) ўзининг аъзо ва ҳамкор ташкилотларини уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги масалаларни ечишларида миллий, минтақавий ва ҳалқаро даражада қўллаб-қувватлаш учун ҳаракат қиласди. Унинг иш-фаолияти давлат ва бошқа ҳукумат аъзоларига, масалан, қуролли мухолиф гурухлар ва ҳалқаро корпорацияларга йўналтирилган. Ҳаракатнинг асосий бенефициарлари: унинг аъзолари бўлмиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ва инсон ҳуқуқлари бузилиши жабрланувчиларидир. FIDH, шунингдек, маҳаллий ҳамкор ташкилотлар ва ислоҳотларга мойил инсонлар билан ҳам ҳамкорлик қиласди.



## БИЗ БИЛАН БОҒЛАНИНГ

FIDH

Майн д'ор га ўтиш жойи 17-үй

75011 Париж-Франция

(33-1) 43 55 25 18

[www.fidh.org](http://www.fidh.org)

Twitter: @fidh\_en / fidh\_fr / fidh\_es

Facebook:

<https://www.facebook.com/FIDH.HumanRights/>



**FIDH**  
бешта қитъадаги 192  
**ТАШК КИЛОТНИ**  
**ўз ичига олган**

**fidh**

## ҚЎЗ ЮММАНГЛАР!

FIDH ўз олдига қўйган мақсади-инсон ҳуқуқларининг бузилиши оқибатида жабрланганларни ҳимоя қилиш, бундан огоҳ қилиш ва бу ҳуқуқбузарликни содир қилувчиларни таъқиб қилиш.

Универсаллик

FIDH Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларациясига тўла риоя қилиниши учун фаолият олиб боради.

Дунё миқёсидаги қамрови

1922-йилда ташкил топган FIDH бугунги кунда юздан ортиқ мамлакатлардан 184 нафар миллий ташкилотларни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-кувватлайди ва мувофиқлаштиради, шу билан бирга халқаро майдонда воситачилик вазифасини бажаради.

Мустақиллик

FIDH ва унга кирувчи ташкилотлар ҳеч қанақа сиёсий партия ёки диний йўналишдаги оқимга кирмайди ва бирор ҳукумат вакилига бўйсунмайди.